

Ҳеч ким шогирд бўлиб туғилмайди – ҳар ким шогирд бўлиб етишади

Биродарларга Масихда улғайишларига ёрдам бериш ҳақида қўлланма

Валтер А. Хенриксон

Давид @ Кук

Ҳаётни биргаликда ўзгартириш нашриёти

Мундарижа

Кириш

1	Худо қандай инсонларни хизматга чорлайди? _____	7
2	Исо Масих — Раббий _____	19
3	Шогирдликнинг баҳоси _____	29
4	Худо ва инсон табиатини тўғри тушуниш _____	43
5	Хушxabар ҳақида _____	53
6	Шогирд орттириш ҳақида _____	63
7	Шогид ўстириш дастури — оталик қилинг _____	79
8	Шогирд ўстириш дастури — асосларни ўргатинг _____	91
9	Шогирд ўстириш дастури — мақсад ва ишонч _____	111
10	Шогирд ўстириш дастури — инъом ва қобилиятлар _____	129
11	Кўпайтириш омили _____	137

Кириш

“Шогирд орттиринглар” бу — Раббимиз Исо Масиҳнинг Буюк Топшириғидир (Матто 28:19–20). Биз ушбу Топшириқни рад этишимиз мумкин, аммо уни бекор қила олмаймиз.

Исо Масиҳ ўликдан тирилгандан сўнг, бизга берган бу Буюк Амр жамоат устуни ҳисобланади. Бу амрни бажаришда Исонинг Ўзи бизга намуна бўлди. Унинг ҳаёти ва ўлими инсонларнинг ҳаётларини ўзгартириб келмоқда. Биз ҳам Масиҳ сингари одамларнинг ҳаётларини ижобий томонга ўзгартиришимиз керак, зеро, бу — энг олий ютуғимиздир.

Раббимиз ўз шогирдларига: “Ортимдан юринглар”, — деб буюрган. Сўнг эса уларга шундай ваъда берган: “Мен *доимо* сизлар билан бирга бўламан”. Бу ваъда бир шарт билан боғлиқ эканини биз кўпинча унутиб қўямиз. *Шартга* риоя қилмай туриб, биз ҳеч қачон *ваъдага* эриша олмаймиз.

Бугунги кунда кўп жамоатлар ушбу шартга риоя қилмаганлари учун беҳуда ва самарасиз ишлар билан банд. Жамоатлар одамларга таълим бериш ўрнига шунчаки, маданий–маърифий муассаса ўрнини ўтамоқда. Жамоатнинг кўп аъзолари бекорчиликдан зерикиб қолишяпти. Улар хизмат қилишмоқчи, абадиятга ўз ҳиссаларини қўшишмоқчи. Муҳтарам устод К.С. Левис шундай деган эди: “Абадиятга алоқасиз бўлган ҳар қандай нарса тоабат замондан орқада қолиб кетгандир.”

“Ҳеч ким шогирд бўлиб туғилмайди — ҳар ким шогирд бўлиб етишади” деб ном олган мазкур китоб сизни зериктириб қўймаслигига ишончим комил. Бу китоб сизни кўп мулоҳаза қилишга ундайди. Бу ердаги насиҳатлар ва йўл–йўриқлар бугунги кундаги долзарб масалани кўтаради.

Валтер Хенриксон шунчаки назариётчи эмас. У кўп йиллар давомида “The Navigators” ташкилоти билан ишлади. Шогирд орттириш хизматига бағишланган бу ташкилот орқали Валтер кўп тажриба орттирди, бу мавзу борасида шахсий изланишлар олиб бориб, Муқаддас Китобдан жавоблар топди. У ўз тажрибаси ва тадқиқот натижаларини самарали тарзда мазкур китобда баён этди.

Шу билан бирга ўз оиласи ҳаётидан мисоллар келтирди. Валтер ўз хотини Леете билан бирга тўрт фарзандни ўстириш шарафига эга. Бу бахтли оила жудолик нималигини ҳам тотиб кўрган, уларнинг тўнғич фарзанди қон саратони касаллигидан вафот этган.

Мазкур китоб шогирд орттириш учун қўлланма бўлиб, Масиҳнинг йўлидан юрган ва Буюк Топшириқни бажармоқчи бўлган ҳар бир одамга қўл келади. Шайтон одамларнинг онги ва дилини овламоқчи бўлган бу мушкул замонда китобдаги панд–насиҳатлар ҳозирги наслга йўл кўрсатади.

Раббимиз Исо шундай деган: “Шогирд устозидан устун бўлмас. Аммо мукаммал билим эгаллаган шогирд устозидай бўлар.” (Луқо 6:40). Ушбу китоб бизни Масихдан таълим олишга, Ундан ўрганишга ундайди.

— ХОВАРД Г. ХЕНДРИКС
*Даллас шаҳридаги Илоҳиёт Семинариясининг
Масихийча Таълим бўлимнинг Профессори*

1–БОБ

Худо қандай инсонларни хизматга чорлайди?

Исо Масих қарийиб 2000 йил олдин ўз жонини фидо қилиб, хочда ўлган эди. Ўшанда У гоё учун эмас, балки инсоният учун жон берганди. Ердаги хизмати давомида У ўн икки одамни танлаб олиб, уларни ҳаворий қилиб тайинлаганди. Ҳаворийларнинг вазифаси доим Исо билан бирга бўлиш ва Исо юборганда, бориб халққа Хушxabарни айтиш эди (Марк 3:14). Исо ўлимидан олдин Ўз шогирдлари учун ибодат қилди (Юҳанно 17). Қилган ўша илтижосида У қирқ марта ўн икки шогирдини тилга олганди.

Ер юзидаги қисқагина фаолияти давомида Исо Масих Ўз қалбини жамики инсониятга бағишлаган эди. Бутун инсониятга нажот Хушxabарини улашиш вазифасини У ўн икки шогирдига юклаганди. Осмонга кўтарилиб кетишидан олдин Исо уларга Буюк Амрни беради. “Боринглар, барча халқлардан шогирд орттиринглар.” — дейилган бу амр Матто Хушxabарининг 28:19да ёзилган.

Исо бутун дунёнинг нажоти учун қайғурур эди. Унинг шогирдлари ҳам бутун дунё учун қайғуришларини У хоҳлайди. Исо устозлик қилиб, етиштирган ўн икки шогирдини Хушxabарни ёйгани дунёга юборганидай, Унинг шогирдлари ҳам ўз навбатида шогирдлар тайёрлаб, уларни дунёга юборишлари керак эди. Бу — Исонинг истаги бўлган. Шогирдларни кўпайтириш долзарб масала бўлиб, Муқаддас Китобнинг ҳар бир варағида ёритилган.

Ҳаворий Павлус ҳам имондаги ўғли Тимўтийга ўзининг сўнги мактубини ёзганда, бу масалага урғу бериб ўтган эди. Келинглари, Тимўтийга иккинчи мактуб 2:2ни қисқача кўриб чиқайлик. У ерда шундай деб ёзилган: “Кўп шохидлар ҳузурида сен мендан нима эшитган бўлсанг, бошқаларга ҳам таълим беришга қобилиятли, ишончли одамларга топширгин.”

Бу парчадаги “*сен*” олмоши шахсиятнинг муҳим эканлигини кўрсатади. Исо Бутрусни кўрганида унга шундай деган эди: “Сен Юҳанно ўғли Шимўнсан. Сенинг исминг Кифа бўлади (Кифа юнончада Бутрус, яъни “Тош” демақдир)” (Юҳанно 1:42). Исо Бутрусни ўша пайтдаги нуқсонли ҳолатини эмас, балки келажакда эришадиган мавқеини кўрган эди. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир одамнинг ҳаётида катта потенциал мавжуд.

Павлуснинг Тимўтийга ёзган мактубидаги “...*сен мендан*...” деган сўзлари икки шахс орасидаги муносабатнинг муҳимлигини кўрсатади. Кўришимиз мумкинки, бу икки шахс орасида йиллар давомида шаклланган ишонч бор эди. Павлус қамоқда ўтирганида Филиппидаги жамоатга мактуб ёзганди. У ўзи Филиппига бора олмагани учун, ўрнига Тимўтийни жўнатмоқчи эканини айтганди: “...яқинда Тимўтийни сизларнинг олдингизга юбораман, деб умид қиламан. Тимўтийни юборишимнинг сабаби шуки, сизлар учун худди мендай чин кўнгилдан жон куйдирадиган бошқа ҳеч ким йўқ.” (Филиппиликларга 2:19–20)

Бундан бир неча йил муқаддам Павлус Яқин Шарқдан бўлган бу ёш йигитдаги потенциални кўриб, унга устозлик қилишни қарор қилган эди.

Устозлик қилмоқ — бу бир одам билган нарсани бошқа одамга *ишониб топширмоқ* дегани. Бу дегани устоз шогирдига ишониши даркор. Павлус Тимўтийга айтган сўзларининг маъноси айнан шундайдир: “Орамизда устоз–шогирд муносабатлари мавжуд. Энди сен ҳам ўзингга шогирдлар орттириб, мендан ўрганган нарсаларни уларга ўргатгин.” Биз устозлик қилганимизда шогирдларимизга нафақат билимимизни, балки ўзлигимизни бағишлаб топширамыз. Зеро, биз ким билан кўп вақт ўтказсак, ўша одамга ўхшаш бўлиб қоламиз. Ишончим комилки, Павлус ва Тимўтий кўп жиҳатдан бир–бирига ўхшаш эдилар.

Кейинроқ Павлус Тимўтийга шундай деб ёзган эди: “Сен эса менга эргашидинг, таълимотим, турмуш тарзим, мурод–мақсадим, имон, севги ва сабр–тоқатимдан намуна олдинг. ¹¹ Бошимга келган қувғинларни, чеккан азобларимни эшитдинг.” (2Тимўтийга 3:10–11). Павлус ўз ҳаётининг тарзи орқали Тимўтийга таълим берарди. Эндиликда Тимўтий Павлусдан ўрганган нарсаларини ўз навбатида ишончли одамларга ўргатиши керак эди.

Ишончли одам — ушбу икки сўз шогирд орттиришнинг асосини ташкил қилиб, унинг муваффақиятини ёки муваффақиятсизлигини белгилайди. Исроил юртининг энг доно шоҳи Сулаймон ўзининг Ҳикматлар китобида шундай деган эди: “Кўпчилик ўзини содиқ деб айтади, ҳақиқатан ҳам садоқатли бўлганни топиб кўр–чи!” Дарҳақиқат, содиқ ёки ишончли бўлган эркак ва аёллар жуда кам. Худо доим шундай одамларни кидиради: “Эгамиз ер юзидаги ҳаммани кузатиб туради, Унга содиқ бўлганларга У куч–қудрат беради.” (2Солномалар 16:9).

Шогирд орттиришнинг моҳияти эса қуйдаги сўзларда ифодаланган: “...*бошқаларга ҳам таълим беришга қобилиятли...*”. Шу ерда шогирд орттириш ҳаракати жадал тус олади, чунки ишончли одамлар ҳам ўз навбатида бошқаларга таълим беришлари керак эди. Биз шогирдларнинг тўртинчи авлодига етиб келдик. Чунки Павлус — биринчи авлод, Тимўтий — иккинчи авлод, ишончли одамлар — учинчи авлод ва бу ерда тилга олинган бошқалар тўртинчи авлоддир.

Устозлик — синф хонаси билан чекланиб қолмайди. Устозлик қилиш — чуқур муносабатлар ўрнатиб, бағишланиш демакдир. Бундай муносабатлар Павлус ва Тимўтий орасида мавжуд эди.

Бу — кўпайиш жараёнидир. Тимўтий ўзига шогирд қилиб олган ишончли одамлари устоз бўлиб етишгандан кейин ўзларига шогирд орттиришарди. Тимўтий ҳам бўш қолмай, ўзига янги ишончли шогирдлар топарди. Улар ҳам ўз навбатида, бошқаларга буларни ўргатишарди. Масиҳнинг буюк амрини фақат шу йўл билан бажариш мумкин. Бошқа ҳамма хизмат ва усуллар бу жараёни тезлаштириши мумкин, аммо унинг ўрнини боса олмайди.

“The Navigators” ташкилотининг асосчиси Доусон Тротман шундай деганди: “Хизмат — ишлаб чиқаришнинг ўрнини боса олмайди. Ишлаб чиқариш эса шакллантиришнинг ўрнини босмайди.” Биз қандай хизматда бўлишимиздан қатъий назар шогирдларни шакллантиришимиз даркор.

Шогирд орттириш хизматининг асосини ишончли одамлар ташкил қилади. Буни биз юқорида ҳам айтиб ўтган эдик. Ишончли одамнинг таърифи қандай? У қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Келинглари, ишончли одам қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлигини кўриб чиқайлик.

1. Ишончли одамнинг мақсади Худонинг мақсадларига мос келади

Исо шундай деганди: “Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг солиҳлиги пайида бўлинглар, шунда буларнинг ҳаммаси сизга берилади” (Матто 6:33). Исо камдан–кам бизга бирон нарсага интилинглар, деб амр қилади. У бизга фақатгина Худонинг Шоҳлиги ва Унинг солиҳлигига интилишимизни амр қилган.

Исо бизга пул топишга ҳаракат қилинлар, ёки ўзингизга хотин қидиринлар, ёхуд бошқа турли хил нарсалар пайида бўлинлар, деб айтмаган. Аксинча, У бизга Худонинг Шоҳлиги ва Унинг солиҳлиги пайида бўлишимизни амр қилганди. Агар биз шундай қилсак, ҳаётимиздаги муҳтожликларни қондиришни У Ўз зиммасига олади.

Менинг бир дўстим нуфузли адвокатурада адвокат бўлиб ишлайди. Кўп йиллардан бери у адвокатура ходимлари ичида энг катта маош олади. Аммо шунга қарамай, у катта ходим лавозимини эгалламади. Сабаби шуки, унинг ҳамма ҳамкасабалари учун иш биринчи ўринда туради, аммо менинг дўстим учун эса иш — ҳаётдаги бирламчи масала эмас. Тўғри, у ниҳоятда яхши адвокат бўлиб, ўз ишини аъло даражада бажаради. Буни унинг олаётган маошидан билсак бўлади. Бироқ ўз ҳаётида у авваламбор, Матто 33:6даги мақсадни кўзлайди. Адвокат бўлиш унинг олий мақсади эмас, бинобарин, бу иш унга асосий мақсадга етишишга ёрдам берадиган қурол, холос. Дўстим ўзини Худога бағишлагани учун ҳам, иш жойида катта муваффақиятга эришганига ишончим комил.

Сиз қандай иш қилишингиздан қатъий назар, бу иш сизнинг мақсадингизга айланиши керак эмас. Ахир, қилган ишингиз қанчалик олийжаноб бўлмасин, у барибир вақтинчалиқдир. Муқаддас Китоб бизга ҳаётимизни ўтгинчи нарсаларга эмас, абадиятга бағишлашимиз кераклигини ўргатади. Ишончли одам абадий мақсадни кўзлайди.

2. Ишончли одам Худонинг мақсадига эришиши учун ҳар қандай тўлов тўлашга рози бўлади

Бу ниҳоятда кескин масала. Павлус Тимўтийга: “Мендан нима эшитган бўлсанг... ишончли одамларга топширгин”, — деб насиҳат берганидан сўнг, шундай деган: “Исо Масихнинг яхши бир аскари каби тақдирингдаги азобларга дош бергин. Ҳарбий хизматдаги аскар, қўмондонимни мамнун қилай, деб тирикчилик ишлари билан банд бўлмайди.” (2Тимўтийга 2:3–4). Ўзини Худонинг мақсадларига бағишлаган одам, дунёнинг завқларига берилмайди.

Сизга бир неча саволим бор: сизни Худодан нима ажратиб турибди? Сиз тавба қилишни ва воз кечишни истамаган кичкинагина гуноҳларингиз борми? Балки ҳаётингиздаги биронта муаммони Худонинг қўлига тўлиқ топширмай, уни ўзингиз ечишга ҳаракат қилаётгандирсиз? Пул масаласида-чи? Ҳисобингизда қанча пул борлиги мени қизиқтирмайди. Сиздан ҳисобингиздаги пулнинг эгаси ким, деб сўрамоқчиман. Сизми ёки Худоми? Ҳамма пулингиз Исо Масихга тегишлими ёки йўқми? Катта миқдордаги пулни қурбонлик тариқасида бера оласизми? Инсоний нуктаи назардан қараганда, мен сиз учун имконсиз бўлган пул миқдорини назарда тутяпман.

Мол–дунё масаласига келсак: молу мулкингиз сизнинг ҳаётингизда қандай ўрин эгаллайди? Павлус шундай деган: “Масих хочининг душмани бўлиб яшаётганлар кўп. Уларнинг охири — ҳалокат, уларнинг худоси нафсдир. Уятсиз қилиқларидан фахрланадилар. Уларнинг ўй–хаёллари фоний дунёдаги нарсаларга берилган.” (Филиппиликларга 3:18–19). Муқаддас Китобдаги бу сўзларга кўра, “ўй–хаёллари фоний дунёдаги нарсаларга берилган” одамлар Масихнинг душманларидир.

Ҳаётингиздаги энг азиз нарсаларга: оилангиз, соғлиғингиз, орзу–умидларингиз, кўзлаган мақсадларингизга боғланиб қолманг. Агар Худонинг мақсадига эришиш учун ҳар қандай тўлов тўлашга рози бўлсангиз, сизнинг бутун борлиғингиз ва эга бўлган ҳамма нарсаларингиз тўлиқлигича Исо Масихга тегишли бўлиши керак. У сиз билан хоҳлаган ишини қилиб, сиздан хоҳлаган нарсангизни тортиб олишига рози бўлишингиз даркор. Худога очиқ кўл билан, кўркувсиз яқинлашинг. Ахир, У сизни чин дилдан яхши кўриб, сизнинг манфаатингизни кўзлайди. Худога ўз розилигини берган ишончли одам ҳар қандай тўлов тўлашга тайёр туради. Худонинг иродасини бажариш у учун олий мақсадга айланади.

3. Ишончли одам Худонинг Каломидан завқланади

Еремиё пайғамбар шундай деган: “Айтган ҳар бир сўзингга ташна эдим. Сўзларингдан шодланар эдим, сўзларинг дилимга қувонч бағишлар эди. Зеро мен Сенга тегишлиман, эй Парвардигори Олам — Эгамиз.” (Еремиё 15:6). Худонинг Каломига ташнамисиз? Овқатга эҳтиёжингиз бўлгандай, Каломга ҳам эҳтиёжингиз борми? Каломдаги ҳар бир амрни сўзсиз бажарасизми? Ёки Каломдаги фақат ўзингиз хоҳлаган нарсаларгагина ишониб, сиз ўзингиз хоҳлаган амрларнигина бажарасизми?

Мен кўп йиллардан бери танийдиган бир дурадгор дўстим ҳафтасига ўн соат вақтини Муқаддас Китобни ўрганишга бағишлайди. Бу одам ҳеч қачон Инжил мактабида ўқимаган, у ҳатто колледжни ҳам битирмаган. У ўқимишли мутахассис бўлмаса—да, Калом унинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Мен авлиё Жеремининг айтган куйидаги сўзларини тўғри деб биламан: “Калом етарлича даражада саёзки, ҳатто келган гўдак ҳам унда чўкиб кетмайди, у кўрқмасдан Каломнинг ҳаёбахш сувларидан ичса бўлади. Шу билан бирга Калом шу қадар чуқурки, илоҳиётшунослар унга бемалол шўмғийдилару тубига асло ета олмайдилар.”

Бир куни мен жарроҳ қабулхонасига бордим. У жарроҳ бўлиш учун, кўплаб китобларни ўрганиб чиққан эди. Авваламбор Худо сақласину, аммо мени ёки оила аъзоларимнинг биронтасини операция қилиш зарурати туғилиб қолгудек бўлса, мен бу жарроҳга тўлиқ ишонган бўлардим. Мен шу ҳақда ўйлаганимда, ҳаёлимга бир фикр келиб қолди: биз Исонинг шогирдлари сифатида, ҳаётимизда биттагина китобни мукамал ўрганиб чиқишимиз зарур. Бу — Муқаддас Китоб. Лекин мен одамларга ҳафтасига беш соат вақтни Муқаддас Китобни ўқишга ва оятларни ёдлашга бағишлаш кераклигини одамларга айтганимда, улар худди имконсиз бир нарсани талаб қилаётганимдай менга қарайдилар.

Сиз қанча вақтингизни Муқаддас Китобни ўрганишга бағишлайсиз? Китобни ўрганишда маълум бир жадвалга риоя қиласизми? Китобни ҳар куни ўқийсизми? Каломга бўлган ташналигингиз қондириб бўлмайдиган даражада кучлими?

4. Ишончли одам хизматкор юракка эга

Бир марта Исо шогирдларига шундай деганди: “Бутпарастларга қаранглар, уларнинг ҳукмдорлари халқларига ўз ҳукмини ўтказадилар, катта амалдорлари элга зўравонлик қиладилар. Аммо сизларнинг орангизда бундай бўлмасин. Аксинча, орангизда ким катта бўлишни истаса, сизларга хизмат қилсин. Орангизда ким биринчи бўлишни истаса, сизларга кул бўлсин. Зеро Инсон Ўғли ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи бошқаларга хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни озод қилиш учун келган.” (Матто 20:25–28).

Британия шоҳона милиция академиясининг шиори — “Бошқармоқчи бўлсанг хизмат қил”. Исо Масих шогирдларининг оёқларини ювганда худди шу ҳақиқатни уларга амалда ўргатмоқчи эди (Юҳанно 13–бобга қаранг). Агар Исо Раббий бўла туриб, шогирдларининг оёқларини ювган бўлса, улар ҳам бошқаларга худди шундай йўлни тутишлари керак.

Кўпинча одамлар ўз мақсадини амалга оширишлари учун бошқаларни ёллайдилар. Устоз эса ўзини шогирдига бағишлайди. Шогирдим ҳаётида мақсадига эришсин, деб устоз унга ёрдам беради.

5. Ишончли одам инсоний кучга таянмайди

Муқаддас Китобда бу масала кўп ёритилган. Бу ҳақда Павлус шундай деганди: “Биз ўлимга маҳкум эканимизни сездик. Биз *ўзимизга эмас*, балки ўликларни тирилтирувчи Худога умид боғлашимиз учун шундай бўлди” (2Коринфликларга 1:9). У яна шундай деганди: “Менда, яъни башарий табиатимда яхши нарса йўқлигини аниқ биламан.” (Римликларга 7:18).

Дунёга ихлос қўйиши ва ўз кучига ишониш маъно жихатдан бир–бирига жуда яқин. Бу ибораларни яна “Худога ҳеч қандай эҳтиёж йўқдай яшаш”, деган сўзлар билан таърифлаш мумкин. Мисол учун, агар одам эрталаб ибодат қилмай ишига йўл олса, мен учун бундай одам ўз кучига ҳаддан ташқари кўп ишониб юборган бўлади. У ўз ҳаракати билан гўёки шундай сўзларни англатгандай: “Мен ушбу кунни Худонинг тўлиқ бошқарувисиз ҳам яшай оламан.”

Сиз қай даражада ўз кучингизга ишонишингизни билмоқчи бўлсангиз, айтаётган гапларингизга яхшилаб эътибор беринг. Сиз ўзингиз ҳақингизда кўп гапирасизми? Эришган муваффақиятларингиз билан мақтаниб, ўзингизнинг яхши томонларингизни кўп эътироф этасизми?

6. Ишончли одам ўзбошимча бўлмайди

Ҳозирги замонда одамлар “истаган нарсаларини қилишлари мумкинлиги” ҳақида кўп гапирадилар. Ҳокимиятни тан олишни хоҳламайдиган бугунги жамиятимизда кўпчилик “нима қилиш кераклигини ўзим яхши биламан”, деган тушунча билан яшайди. Аммо инсон Худонинг топшириғини якка ўзи бажара олмайди, чунки бу кўпчиликнинг ҳаракати билан амалга ошириладиган иш. Бу топшириқни фақатгина яқдил бўлган имонли биродарлар билан бирга бажариш мумкин. Шогирдлар орасида якка моховларга ўрин йўқ, шогирд ҳеч қачон: “Агар менинг айтганим бўлмаса, мен ўйиндан чиқаман,” — деб айта олмайди.

Бир ёш йигит менга шундай деган эди: “Мен Худога кулоқ соламан, лекин одамлардан бирон нарса ўрганишни истамайман.” Ўзини шундай тутган одам, ўзини ўзи алдаб яшайди. Нега десангиз, Худо ўз иродасини билдириш учун кўпинча ёнимиздаги одамларни ишлатади. Ҳа, Худо садоқатли одамларни қидиради. Бундай одамлар гуруҳнинг манфаати учун ўз ғояларидан воз кечишга тайёр бўлади.

7. Ишончли одам бошқаларни яхши кўради

Ҳаворий Юҳанно шундай деб ёзган: “Биз Худони севмаган эдик, У бизни севди ва Ўз Ўғлини гуноҳларимизни ювиш учун қурбонлик қилиб юборди. Ана, бу муҳаббатдир!” (1Юҳанно 4:10). Художўй бўлиш — Худога ўхшаш бўлиш демакдир. Худога ўхшаш бўлиш — одамларни яхши кўриш демакдир, чунки Худо одамларни севади.

Мен “Ер ёнғок” деган ҳажвий асарни ўқиганимда, Чарли Брауннинг шундай сўзларига дуч келган эдим: “Мен оламни яхши кўраман. Олам ажойибдир! Оламдаги одамлардан эса нафратланаман.” Бироқ Исо одамларни, деб инсоният тарихига қадам босди. У инсониятни кутқариш учун келган эди. Хушxabарнинг мағзи ҳам шундадир. Устоз одамларнинг ҳаётида иштирок этади. Садоқатли одам инсониятни яхши кўради.

8. Ишончли одам кечиримли бўлади ва кек сақламайди.

Ибронийларга мактуб муаллифи китобхонни шундай деб огоҳлантиради: “Эҳтиёт бўлинглар, тағин Худонинг иноятдан маҳрум бўлиб қолманглар. Ораларингизда аччиқ илдиз ўсишига йўл қўйманглар, акс ҳолда унинг захри муаммолар туғдириб, кўпларни ҳаром қилади.” (Ибронийларга 12:15). Бу парчада бировни койиш ва бировдан гап эшитиш ҳақидаги

вазият назарда тутилган. Бирор бир одамнинг камчилиги унинг юзига айтилганда, кўпинча бу одам хафа бўлиб қолади. Бундай вазиятда у шундай деб ўйлайди: “Унинг ўзи ким бўлибдики, менинг гуноҳларимни юзимга солади?! Кўзимдаги зирапчани олиб ташлашидан олдин, ўз кўзидаги ходани чиқариб олмайдами?!”

Мен ёш масихий бўлган пайтимда бу оят ҳақида ваъз эшитган эдим. Ўшанда Инжилнинг ҳошиясига шундай деб ёзиб қўйган эдим: “Аччиқлик ҳисси одамда рўй берган ёки шунчаки хаёлдан ўтган ҳақорат натижасида пайдо бўлади. Бунга қайси бири сабаб бўлгани муҳим эмас.” Кимдир ҳақиқатан ҳам сиздан фойдаланиб, сизни алдаган бўлиши мумкин, ёки шунчаки орада тушунмовчилик бўлиб, у мени алдади, деб ўйлашингиз мумкин. Мана шу иккита ҳолатнинг қайси бирига тушган бўлсангиз ҳам, эҳтиёт бўлинг. Кўнглингизда ўша одамга нисбатан аччиқ адоват илдизи томир отишига йўл қўйманг.

Донишманд бир авлиё шундай деган эди: “Биров ҳаётимни барбод қилишига асло йўл қўймайман. Қолаверса, бунинг учун ўша одамга қарши асло кек сақламайман.”

Аччиқ илдизнинг ўниб-ўсишига бир неча ҳолат сабаб бўлиши мумкин: ўзингизни бировларга солиштирганингизда, ёхуд бошқа масихий билан мулоқотда тушунмовчилик юз берганда, ёки сизда “мени алдашди”, деган ҳис пайдо бўлганда. Ҳар қандай бошқа гуноҳга қараганда, хафагарчилик ва кек сақлаш имонлиларни масихийча ҳаётда қарахт қилиб қўяди. Садоқатли масихий дилида кек сақламайди. У юрагини кекдан асрайди.

9. Ишончли одам ўзини тартибга солади

Муқаддас Китобдаги мени руҳлантирадиган оятлардан бири ҳаворий Павлус томонидан ёзилган: “Наҳот билмасангизлар, мусобақа майдонида ҳаммаси чопади-ю, аммо фақат бир киши мукофот олади. Сизлар ҳам шундай чопингки, мукофот олинглар! Мусобақада жонбозлик қиладиган ҳар бир одам ўз нафсини тияди. Улар фоний бир тож олиш учун, биз эса боқий тож олиш учун жонбозлик қиламиз. Мен аниқ бир мақсадни кўзлаб чопяпман. Нишонни кўзлаб муштлашяпман, токи зарбам ҳавога урилгандай бўлмасин. Баданимни чиниқтириб, ўзимга бўйсундираман, токи бошқаларга насихат қилиб туриб, ўзим мукофотдан қуруқ қолмайин.” (1Коринфликларга 9:24–27)

Бир куни хаёлимга шундай савол келиб қолди: “Масихий сифатида қандай энг даҳшатли ҳодиса ҳаётимда юз бериши мумкин?” Бу ҳақда мулоҳаза қилиб, қуйидагича хулосага келдим: агар ўлганимдан кейин Худо мени бир четга тортиб менга: “Хенриксон, сенинг ҳаётинг умуман бошқача бўлиши мумкин эди. Кел, сен эриша олмаган ўша ҳаётни сенга кўрсатай. Қанийди айтганимни қилганингда, қанийди Менга содиқ бўлганингда, қанийди Мен хоҳлагандай ўзингни тартибга солганингда эди?!”

Сиз ўзингизни тартибга соласизми? Васвасага қарши тура оласизми? Балки ҳаётингизда сиз енга олмаган ёмон одатларингиз бордир. Бундай одатингиз Худога хуш келмаслигини била туриб, ўзингизни оқлаётгандирсиз: “Агар Худо бу одатимни йўқ қилишни хоҳлаганида эди, менга куч берган бўларди.” — деб айтаётгандирсиз. Бу гапда жон бор, аммо ҳақиқат шундаки, Худо сизга керакли кучни бериб бўлган. Бу куч Муқаддас Рухда мужассамдир. Сиздан фақат шу кучни татбиқ этиш талаб қилинади. Бу кучни татбиқ қилиш учун эса, сиз ўзингизни тартибга солишингиз керак бўлади. Ўзингиз тўғри йўлдан бора олмаганингиз учун, ҳеч қачон Худони айбламанг.

Мисол учун, сиз бир кечани Муқаддас Китобни ўрганиш учун ажратиб қўйгансиз. Аммо телевизорда сиз ёқтирган кўрсатув бошланиб қолди. Шунда сиз, Китобни бошқа пайт ўқийман, деб қарор қиласиз. Ўша куни кечқурун сиз Китобни ўқимайсиз, кечгача телевизор кўриб, эрталаб туришга қийналасиз. Шу сабабдан эрталаб ишга кетишдан олдин ҳам Худо билан вақт ўткази олмайсиз.

Бундай тартибсизликка бир–икки марта йўл қўйсангиз, ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Муаммо шундаки, бир марта қилинган ишни иккинчи марта такрорлаш осонроқ бўлади ва шу тариқа тартибсизлик ҳаёт тарзига айланади. Ахир, фикрни эксанг ҳаракатни ўриб оласан. Ҳаракатни эксанг, одатга эга бўласан. Одатни эксанг, ўз абадиятингни белгилайсан.

Агар сиз фақат якшанба кунлари вақтингизни Худога бағишласангиз, ишончли одам бўла олмайсиз. Ишончли одам ҳаётининг ҳар бир жабҳасида Муқаддас Китоб ўғитларига риоя қилиб яшайди. Шогирднинг ҳаёти тартибли бўлади. Шогирд интизомга бўйсунди. Бундай ҳаёт кечириш осон эмас. Аммо Худо ҳеч қачон бизга осон ҳаётни ваъда қилмаган. Ўзини тартибга солиш осон бўлмагани учун ҳам, бугунги кунда ишончли ва садоқатли одамлар камдан–кам учрайди.

Олтин медаль фақат ўз устида тинмай ишлайдиган, ўзини интизомга бўйсундира оладиган, кайф–сафодан қочадиган, аниқ мақсадни кўзлаб, ўшанга етишга қарор қилган атлетчига берилади. Худо ҳам фақат шу турдаги одамларни хизматга чорлайди.

2–БОБ

Исо Масих — Раббий

“The Navigators” ташкилотининг ходимларидан бири ямайкалик эди. Бир неча йил олдин у Ямайкадаги она шаҳри Кингстон яқинида банан етиштирадиган бир компанияда ишлар эди. У жуда яхши ишчи бўлгани учун, кунларнинг бирида бошлиғи уни офисига чақириб қолди.

Хизматчининг ниҳоятда қобилиятли эканини кўргандан кейин, бошлиқ шундай деди: “Компаниямизда сени порлоқ келажак кутмоқда. Лавозимда тез кўтарилишинг мумкин. Бизга садоқатли одамлар керак. Агар компаниямизда муваффақиятга эришишни хоҳласанг, бутун ҳаётингни бананларга бағишлайсан.”

Йигит бир неча дақиқа бошлиғининг гапи ҳақида ўйлади, сўнг: “Ҳаётимни бананларга бағишлай олмайман”, деган қарорга келди. Биз ҳаётимиздаги энг биринчи ўринни Исо Масихга беришимиз керак, У ҳаётимиздаги ҳар қандай “бананлардан” ҳам устун бўлиши керак. Ахир, У — Раббийдир! Ушбу бобда биз Раббий мавзусига оид қуйидача пунктларни кўриб чиқамиз.

1. Биз хоҳлаймизми йўқми — Масих Раббий бўлиб қолавереди.
2. Қандай сабабларга кўра биз Масихни Раббий деб тан олишни хоҳламаймиз?
3. Масихни Раббий деб тан олишнинг маъноси нима?
4. Нега Исо бизнинг Раббимиз бўлмоқчи?

Келинглар, буларни бирма–бир кўриб чиқайлик.

Биз хоҳлаймизми йўқми — Масих Раббий бўлиб қолавереди.

“Худо бутун борлиқни Масих орқали яратган. Еру қўкдаги бор мавжудот, кўринадиган ва кўринмайдиган ҳар бир нарса, ғайритабиий кучлар, тахту салтанатлар, буларнинг ҳаммаси

Масих орқали, Унинг Ўзи учун яратилгандир. Масих бутун борлиқдан олдин мавжуд эди, бутун борлиқ У туфайли мустаҳкам турибди. Масих жамоатнинг бошидир, жамоат Масихнинг танасидир. Ҳамма нарсанинг ибтидоси Масихдир, У ҳаммадан устун бўлиши учун биринчи бўлиб ўликдан тирилтирилган.” (Колосаликларга 1:16–18).

Ҳаётингизда қанчалик кам нарсани танлашни қарор қилишингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Қаерда туғилишингизни сиз қарор қилганмисиз? Ота–онангизни ёки туғиладиган мамлакатингизни ўзингиз танлаганмисиз? Терингиз, кўзингиз, сочингизнинг рангини ўзингиз танлаганмисиз? Қандай қобилият ва инъомларга эга бўлишни ўзингиз қарор қилганмисиз? Бўйингизнинг баландлигини, ташқи кўринишингиз қандай бўлишини ўзингиз танлаганмисиз? Бу каби ҳамма саволларга жавоб битта: “ЙЎҚ”. Ҳаётингиздаги кўп нарсаларни танлашни сиз қарор қилмайсиз. Буларни ўзгартира олмайсиз ҳам!

Бу ҳолда, ҳаётингизнинг қайси томони сизга боғлиқ? Муқаддас Китобга кўра сиз ҳаётингизнинг кичик, аммо ўта муҳим қисмини, яъни иродангизни бошқарасиз. Масих иродангизнинг ҳам Раббийси бўлиши лозим. Сиз иродангизни Унга тобе қилишингиз керак. Бу дегани: Исо бутун борлиғингизнинг Раббийси бўлишини хоҳлайди. У ҳаётингизнинг фақат бир қисми билан кифояланиб қолмайди. Иродангизни Исога тобе қилар экансиз, шуни эсингизда тутинг: сиз хоҳлайсизми, йўқми — У ҳаётингизнинг асосий қисмини аллақачон бошқаряпти.

Қандай сабабларга кўра биз Масихни Раббий деб тан олишни хоҳламаймиз?

Ҳар бир одамнинг бунга ўзининг шахсий сабаблари бор. Аммо баъзи сабаблар тез–тез учраб туради.

1. Исо биздан биз хоҳламаган нарсани талаб қилиши мумкин

У талаб қилади ҳам! Агар талаб қилмаганида эди, ҳеч қандай муаммо бўлмас эди. Аммо билингки, сиз Масихни ўз Раббингиз сифатида қабул қилганингизда Усиздан сиз хоҳламаган нарсани талаб қилади.

Иброҳим Исҳоқни қурбонлик қилишни хоҳламаган эди. Мусо ҳам фиръавн ҳузурига боришни истамангади. Юсуф ҳам йиллар давомида қамокда ўз хоҳиши билан ўтирмаганди. Масих ҳам хочдаги ўлимга Ўзининг хоҳиши билан бормаган эди.

Ҳеч кимга хоч ёқмайди. Ҳеч ким ўлишни истамайди. Ўзлигидан кечишни ҳам ҳеч ким ёқтирмайди. Бироқ Масихни Раббий, деб тан олишнинг бутун моҳияти айнан шундадир. Шогирд Масихга бўйсунди. Ўзининг истакларини рад этиб, Масихнинг хоҳишларини бажаради. Шогирд ўзбошимчалик қилмайди, ўзини юксалтириб, ўз хоҳишларини бажармайди.

Агар Масих Раббийингиз бўлса, У ҳаётингизнинг ҳамма соҳаларини бошқармоқчи бўлади. Ўй–хаёлларингизни, юриш–туришингизни, режаларингизни, дам олиш вақтларингизни, мақсадларингизни тўлиқлигича Унга топширишингиз керак.

2. Биз учун нима яхши эканлигини ўзимиз биламиз, деб ўйлаймиз

Бу энг катта ёлғон! Агар ёш болани ўзини ёлғиз қолдириб кетсангиз, у бир балони бошлаб қолиши мумкин: дорини ичиб қўйиши мумкин, зарарли моддани еб қўйиши, катта кўчага югуриб чиқиб кетиши, ўткир пичокни ўйнаши ёки шунга ўхшаш хатарли нарсаларга қўл уриши мумкин. Ота–она фарзандини доим назорат остида ушлаши керак. Бу дегани: у фарзандининг ҳаётини доим бошқариб туриши лозим. Шундай ҳолат қонун талабига

мувофикдир. Борди–ю, ота–она фарзандининг ҳаётига бепарво бўлишса, улар жавобгарликка тортиладилар.

Биз вояга етганимизда эса, гўё ҳамма нарса ўзгариб қолгандай бўлади. Мана шунда биз хатога йўл кўямиз. Назоратсиз қолган ёш бола ўзига зарар етказиши мумкинлиги у ёқда турсин, ҳаттоки назоратсиз қолган қап–катта одам ҳам ўз бошига бало орттириб олиши турган гап.

Бир гуруҳ олимларнинг берган ҳисоботига кўра, АҚШдаги атом ракеталарнинг сони шунчалик кўпки, ер юзидаги ҳамма одамларни битта қолдирмай қириб ташлашга етар экан. Уларнинг айтишича, ер юзидаги ҳар бир эркак, аёл ва болага бир вагон атом ракетаси тўғри келаркан. Булар фақат АҚШдаги қуролларнинг сони, демак, бошқа мамлакатдаги қуроллар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг: биз милиция ходимларини ўзимизни назорат қилиш учун ёллаймиз. Яна аҳмоқлик қилиб: “Биз учун нима яхши эканлигини ўзимиз биламиз”, деб айтамыз.

3. Худо бизнинг манфаатларимизни кўзлаб иш тутушига ишонмаймиз

Агар Худо ҳаётимизни барбод қилмоқчи бўлганда эди, биз билан пачакилашиб ўтирмас эди. Агар бошимизга азоб–уқубат солмоқчи бўлганда эди, аллақачон расвоимизни чиқариб юборган бўларди.

Баъзи одамлар: “Нима, Худонинг мендан бошқа иши йўқми?!” деб айтишади. Бу гап тўғри эмас, аммо “Худо менга ёмонлик раво кўради”, — деб айтиш ғирт аҳмоқликдир.

Исо Масих менинг ҳаётим билан қизикмайди, деб айтишингиз умуман ўринсиздир. Аслида, Масих ҳаётингизнинг Эгаси бўлишни хоҳлайди. У ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасида иштирок этмоқчи бўлади. Еремиё пайғамбар орқали Унинг айтган гапларига бир қулоқ солинг: “Ахир, Мен сизлар тўғрингизда тузган режаларимни биламан. Бу режаларим сизларга қулфат эмас, фаровонлик олиб келади, ёруғ келажагу умид беради.” Эгамизнинг каломи шудир.” (Еремиё 29:11).

Масихни Раббий деб тан олишнинг маъноси нима?

Масихни Раббий деб тан олишнинг маъноси қуйидаги оятларда батафсил ёритилган. Масих бу ибодатни ўз шогирдларига ўргатган эди. “Сизлар эса бундай ибодат қилинглар: Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас номинг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо бўлсин. Бугунги ризқимизни бергин. Бизга қарши гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин. Бизни васвасага дучор қилмагин, аммо ёвуз шайтондан халос қилгин.” (Матто 6:9–13).

Эътибор беринг, ибодат “*Бизнинг осмондаги Отамиз!*” деган сўзлар билан бошланган. Исо: “Менинг Отам”, деб эмас, балки “Бизнинг Отамиз”, деб ибодат қилишни ўргатган. Шогирд каерга бормасин, у ердаги одамларни тушуниши керак, ўзини уларнинг даражасида тутиши керак. Шогирд ўзини етукликка эришган, ўз манзилига етиб келган одам, деб ҳисобламасин. Аксинча, у ўқиш жараёнида эканлигини тан олсин, бу дунёда ўзини мусофир деб билсин. Ҳаётида Худонинг мурод–мақсади амалга ошишига интилсин. Одамларнинг муҳтожликларига сезгир, камчиликларини кечирадиган бўлсин.

Сенинг муқаддас номинг улуғлансин. Исо ибодатда Ўзини эмас, Худони улуғлаган эди. Масихнинг Раббийлигини тан олиш – ўзлигингиздан воз кечиш демакдир.

Сиз машхур бўлмоқчимисиз? Бошқа одамлар сизни тан олишларини хоҳлайсизми?

Ҳаётингиздаги мақсадларингиз шахсий манфаатларингизга асосланганми? Масалан,

этиборга мувофиқ илмий кашфиёт қилиш, катта тадбиркор бўлиш, муҳим бир одам билан турмуш қуриш ва ҳоказо. Агар Масих сизнинг Раббингиз бўлса, у ҳолда сиз ўзингизнинг юксалишингизни эмас, Масихнинг улуғворилигини қидиришингиз керак.

Сенинг Шоҳлигинг келсин. Худо осмонда ҳукмронлик қилгани каби, ерда ҳам ҳукмронлик қилмоқчи.

Худо Ўз шоҳлигини қуряпти. Сиз бел боғлаб, Масихнинг шоҳлигини қуришга киришганмисиз ёки ўзингизнинг кичкина хонлигингизни қуриш билан оворамисиз? Балки сиз жамоатда болалар хизматини олиб бораётгандирсиз, ёки оқсоқоллар гуруҳига етакчилик қилаётгандирсиз, ёхуд бирор қурилиш лойиҳасини, ё миссионерлик ҳаракатини бошлаётгандирсиз, нима қилишингиздан қатъий назар, бутун этиборингиз нимага қаратилган? Лойиҳаларни олиб боришгами ёки ҳақиқатан ҳам Масихнинг шоҳлигини қуришгами?

Худонинг шоҳлигини биз Хушхабар айтиш орқали қурамыз. Биз одамларни зулматдан нурга, шайтоннинг зулмидан Худонинг ҳокимиятига олиб кирамыз. Хушхабар ёйишда сиз қанчалик фаолсиз? Имонсиз одамлар сизни ўзининг яқин дўсти, деб айта оладими?

Сенинг ироданг бажо бўлсин. Этибор беринг, Исо бу ерда ҳам “Менинг иродам бажо бўлсин”, демаган, аксинча, “Сенинг ироданг бажо бўлсин”, деб айтган.

Исо шунга ўхшаш яна бошқа бир гап айтган эди: “Мен Ўз–Ўзимдан ҳеч нарса қилолмайман. Отам Менга қандай айтса, шундай ҳукм қиламан, шунинг учун ҳукмим тўғридир. Зотан Мен Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини бажо келтиришни истайман.” (Юҳанно 5:30).

Агар сиз чин юракдан Худонинг иродасини қидирмасангиз ва ҳаётингизда уни татбиқ қилмасангиз, у ҳолда “Сенинг ироданг бажо бўлсин”, деб ибодат қилманг. Муқаддас Китобда Худонинг иродаси нима эканлигини билсангиз, ўшани қилишдан бошланг. Шунда Муқаддас Рух содиқлигини кўрсатиб, сизга Худонинг иродасини тўлиқ аён қила бошлайди.

Бугунги ризқимизни бергин. Биз бу сўзларни самимият билан айта оламизми? Ҳа, қачонки: “Менда бор ҳамма нарса Худодан келган ва Худого тегишли”, деб сидқидилдан ишонсак. Павлус бу ҳақда шундай деган: “Наҳот билмасангиз? Сизнинг баданингиз ўзингизда яшаётган Муқаддас Рухнинг маъбадидир. Баданни сизга Худо берган, сизлар ўзларингизга тегишли эмассизлар. Қиммат баҳо билан сотиб олиндингизлар. Шунинг учун баданингиз ва руҳингиз билан Худони улуғланглар. Чунки сизлар Худого тегишлисиз.” (1Коринфликларга 6:19–20).

Масих сизларни Ўз қони эвазига сотиб олгани учун, сиз ўзингизга тегишли эмассиз. Сиз Масихга тегишлисиз. Масихни Раббий, деб билган одам, бу ҳақиқатни тан олади, у ўзининг борлигини, эга бўлган нарсаларини ва умидларини Исога топширади.

Сиз учун кадрли бўлган нарсалар ҳақида ўйланг. Бу энг яхши кўрган биллур идишларингиз бўлиши мумкин, спорт мосламаларингиз, балки компьютерингиз ёки машинангиз бўлиши мумкин. Ўша нарса нима бўлишиндан қатъий назар, ўзингизга ўзингиз шундай савол беринг: “Бу нарса кимга тегишли?” Агар ўша нарсангиз ҳақиқатан ҳам Масихга тегишли бўлса, бу ҳолда Масих уни хоҳлаган тарзда ишлатишига сиз йўл қўйиб берасиз.

Бизга қарши гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам гуноҳларимизни кечиргин. Исо бизга шундай ибодат қилишни ўргатапти: “Мен бошқаларни қанчалик кечирсам, Сен ҳам мени шунчалик кечиргин”. Сиз шундай деб ибодат қилишга тайёрмисиз? Сиз бошқаларни қай даражада кечирсангиз, Худо ҳам сизни фақатгина ўша даражада кечиради.

Масихни Раббий, деб билган одам нафақат олишни — беришни ҳам билади. Иноят туфайли Худо Ўзини тўлиқлигича бизга бағишлайди. Биз ҳам Исони Раббимиз, деб тан олганимиз туфайли ўзимизни тўлиқлигимизча Худога бағишлашимиз керак. Ҳар бир одам Худонинг садоқатидан баҳраманд бўлишни истайди, бироқ айрим одамларгина Худога ўз садоқатларини намоён қиладилар.

Бизни васвасага дучор қилмагин. Исо Масих Отамизга ибодат қилиб, бизни васвасага бошловчи омиллардан асрашини сўраяпти. Ҳаётимиздаги кўп вазиятлар ёмон эмас, аммо шайтон улардан фойдаланиб, бизга зарар етказиши мумкин.

Масих “Бизни гуноҳга дучор қилмагин”, деб айтмаяпти. Аксинча, “Бизни васвасага дучор қилмагин”, демоқда. Бу дегани, биз нафақат гуноҳдан, балки ҳаётимизда васвасага сабаб бўладиган ҳар қандай нарсадан воз кечишимиз керак.

Бу нарса нималар эканлигини ўзингиз яхши биласиз. Агар Масихни Раббингиз, деб билсангиз, ҳамма нопокликлардан юз ўгирасиз.

Аммо ёвуз шайтондан халос қилгин. Хоин Яҳудо Исони миршабларнинг қўлига топширган куни, Исо шогирдлари учун худди шу сўзларни айтиб, ибодат қилган эди (Юҳанно 17:15га қаранг).

Биз Масихни Раббий деб билганимизда, курашда ўз кучимиз билан ғалабага эриша олмаслигимизни тан оламиз. Курашда фақатгина Масих бизга паноҳ бўла олади. Ҳеч ким ўз кучи билан шайтон устидан ғалаба қозона олмайди. Ҳаттоки, Масих ҳам хочдаги ўлими билангина шайтонни енгган эди.

Раббимиз Исонинг туғишган укаси Ёқуб шундай деб айтган: “Шундай қилиб, Худога итоат қилинглар. Иблисга қарши туринглар, шунда у сизлардан қочади.” (Ёқуб 4:7). Иблис биздан қочиши учун биздан иккита нарса талаб қилинади: биринчидан, биз Худога итоат қилишимиз керак, иккинчидан, Худонинг кучи билан иблисга қарши туришимиз лозим.

Нега Исо бизнинг Раббимиз бўлмоқчи?

Нега Масих ҳаётимиз билан қизиқади? Нега аянчли аҳволда эканлигимизда бизни ташлаб қўймайди? Муқаддас Китобдаги энг катта жумбоқ шудир. Аммо Муқаддас Китобда Масих бизни яхши кўриши ва ҳаётимиз билан қизиқиши ҳақида очиқ–ойдин ёзилган. У бизнинг Раббимиз бўлмоқчи. Мен ўз гуноҳларим ва ёвузликка бўлган мойиллигим ҳақида ўйласам, Масихнинг менга нисбатан бўлган севгисига лол қоламан.

Мен бир учувчини танийман. У тадбиркорлик ишлари билан кўпинча кичкина самолётда катта йўлдан узоқда жойлашган овлоқ жойларга учиб боради. Бир куни у қирлар узра учиб кетаётганида, пастда бир енгил машина олдинда кетаётган юк машинасидан ўтиб кетишга ҳаракат қилаётганини кўриб қолади. Енгил машинанинг ҳайдовчиси ўта сабрсизлик қилиб, ўзини йўлнинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига урар эди.

Шунда танишим самолётнинг тезлигини камайтириб, бу манзарани кузата бошлади. Ҳар сафар енгил машина юк машинани айланиб ўтаман деганда, қарама–қарши йўлга чиқиб қоларди ёки қирга тақалиб қоларди, ё бурулиш келиб қоларди, ё худ олдиндан машина чиқиб қоларди. Самолётдаги дўстим эса машинанинг олдидаги бир неча километр йўлни бемалол кўриб турарди. У шундай деб ўйлади: “Енгил машинадаги ҳайдовчи билан гаплаша олганимда эди, юк машинани қачон хатарсиз айланиб ўтиш мумкинлигини унга айтган бўлардим.”

Биз ҳам ҳаёт сўқмоқларидан юрар эканмиз, эртанги кунимиз бизга нима олиб келишини билмаймиз, кейинги ҳафтада нимага дуч келишимиз бизга қоронғу. Қайси вақт

хатар остида эканлигимизни билмай қоламиз. Аммо Масих ҳамма нарсадан воқиф, чунки У бутун мавжудотнинг Раббийси, бошиданоқ охири нима билан тугаши Унга аёндир.

У бизнинг Раббийимиз бўлишни хоҳлайди, ҳаётимизда иштирок этмоқчи. Турмуш сўқмоқларида қачон олға юришимиз ва қачон кутиб туришимиз кераклигини У бизга айтмоқчи. Эси бор қайси бир одам бундай илтифотли таклифдан воз кечар экан?!

3–БОБ

Шогирдликнинг баҳоси

Бир неча ой олдин мен бир тадбиркор билан бирга тушлик қилдим. Овқатланаётганимизда ундан: “Ҳаёлингиз нима билан банд?” — деб сўрадим. У менга корпорациясида маҳсулотнинг таннархини ва сотиладиган нархнинг мутаносиблигини текшириб чиқаётганини айтди. Ниҳоятда оддий нарса. Бизнесда инкирозга учрамаслик учун маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажати унинг сотиладиган нархидан баланд бўлмаслиги керак.

Ҳатто мен ҳам таннарх билан сотиладиган нарх орасидаги фарқнинг ниҳоятда муҳим эканлигини тушунаман. Агар маҳсулотни ишлаб чиқаришга беш доллар сарфласаму уни тўрт ярим долларга сотсам, тез орада инкирозга учрашим аниқ. Бу ҳақда мулоҳаза қилар эканман, масихий бўлишнинг имтиёзи, у учун тўланадиган баҳодан анча юқори эканлигини ўйладим. Дарҳақиқат, Худо бизнинг фойдамизни кўзлаган ҳолда, шогирдликни ўйлаб чиқарган. Шогирдлик Худога эмас, бизга ёрдам беради.

Худо бизнинг ёрдамимизга эмас, аксинча, биз Худонинг ёрдамига муҳтожмиз. Шундай экан, Худо бизга ёрдам бериш учун шогирдликни режа қилган.

Баҳор кунларининг бирида беш кишидан иборат бўлган бир оила кичкинагина машинасида Жоржиа штатидан ўтиб кетаётган эдилар. Кеч тушган, жаланинг кучлилигидан йўл аранг кўринарди. Улар секингина бораётганларида, йўл чеккасида кетаётган бир эркак билан аёлни кўриб қолишибди. Жалада қолган бу эр–хотин сувга бўкиб кетган эди. Машинадагилар тўхтаб: “Ёрдам керакми?” — деб сўрадилар, шу пайтда аёлнинг қўлида чақалок борлигини пайқадилар.

Аёлнинг гапига қараганда, уларнинг уйларида электрнинг қиска туташуви юз берибди, олов чиқиб, уйни таг–туги билан ёндириб юборибди. Уларнинг ўзлари эса зўрға қочиб, кутулиб қолишибди. Ҳозирда бир неча километр узокдаги шаҳарга, аёлнинг опасиникига кетаётган эканлар. Ўзларини тиклаб олгунларича, улар опасиникида яшаб туришларини айтди. Аёлнинг гапини эшитиб, машинадагилар уларга ачиниб кетишди. Машинада жой бўлмагани учун оила бошлиғи чўнтагидаги бор йигирма долларни чиқариб аёлга узатди—да, машинани ҳайдаб, йўлида давом этди. Машина қоронғуликка шўмғиб, кўздан ғойиб бўлди.

Машинадагилар йўлни давом эттирар эканлар, оила бошлиғи машинани тўхтатиб: “Сизнинг қанча пулингиз бор?” — деб сўради оила аъзоларидан. Улардан йиғилган пул юз долларга озгина етмас эди. У машинани орқага ҳайдади. Бояги эр–хотин ҳануз йўлида эдилар. “Бояги берган пулим ўзингиздами?” — деб сўради машинадаги оила бошлиғи.

“Ҳа.” — деб жавоб берди ҳайратда қолган аёл.

“Ундай бўлса, ўша пулни менга бериб туринг.” — деди у.

Саросимага тушган аёл кўлини чўнтагига солиб, йигирма долларни хайдовчига узатди. Машинадаги киши бу пулни кўлидаги бошқа пулга кўшиб, аёлга қайтариб берди—да: “Мана бу оиламиз номидан сизга ёрдам” — деди.

Мен бу ҳикояни биринчи бор эшитганимда: “Яхши ҳикоя экан! Худди Худонинг бизга нисбатан бўлган муносабатига ўхшайди—я!” — деган фикрга бордим. Худо бизга кўпдан кўп ажойиб инъомлар беради. Аммо шундай пайт келадики, У бизга: “Берганимнинг ҳаммасини, битта қолдирмай қайтариб бер”, — деб айтади. Чунки У биздаги боримизни Ўзининг чексиз манбасига кўшиб, бизга қайтариб бермоқчи бўлади.

Худонинг чексиз манбасига йўлни бизга шогирдлик очиб беради, у ҳаётимизда бизни юксак мақсад сари бошлайди. Шунда биз шунчаки кундалик тирикчилик билан чекланиб қолмаймиз. Шогирд орттирганимизда биз Худога эмас, Худо бизга мурувват кўрсатади. Шогирдлар бу ҳақиқатни англаб олишлари ниҳоятда муҳим.

Шунга қарамай, Исо Масих биз шогирдликнинг баҳосини билиб олишимизни хоҳлайди, зеро шогирдликнинг ўзига яраша тўланадиган баҳоси бор. Шогирдлик баҳоси — бизнинг жонимиз баҳосидир. Аммо унинг самараси тўланадиган ҳар қандай баҳодан ҳам юксакроқдир. Фақат аҳмоқ одамгина шогирдлик каби юксак имкониятдан воз кечади.

Келинлар, Луко Хушхабарининг 14–бобини кўриб чиқайлик. Ўша бобда Исо шогирдликнинг асосларини тилга олган.

1–оят: “Бир шанба куни Исо фарзийлар мазҳаби бошлиқларидан бирининг уйига меҳмонга борди. Уни зимдан кузатиб туришарди.” Исо қаерга бормасин ҳамманинг кўзи Унда эди. У ўзгача эди. У янги ҳаёт тарзининг Асосчиси бўлиб, шундай деганди: “Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман.” (Юҳанно 10:10). Исонинг бошқалардан ажралиб туриши ҳамманинг эътиборини Ўзига тортарди, барча Унинг истеъдодини кўрмоқчи бўлиб, Уни кузатиб турарди.

Нажоткоримиз Масихга хос бўлган бундай ҳолат барча солиҳ одамларга хосдир. Зеро масихий, яъни “Масих сингари бўлган” киши — Исо Масихнинг элчисидир. Биз Масихнинг шогирдлари бўлганимиз учун, дунёдаги ўзгаришларда фаол иштирок этамиз ва бутун дунё бизни кузатиб туради.

Раббимиз ҳеч қачон вазиятга қараб иш тутмаган, У доим виждон амри билан яшаган. Биз Унинг шогирдлари бўла туриб қандай яшаймиз? Вазиятга қарабми ёки виждон амри биланми?

Эски машинангиз бор, деб фараз қилайлик. Эскини ямайман деб эси кетар, дейилганидай, машинангиз сизга кўп муаммо туғдира бошлади дейлик. Уни сотиб юбормоқчи бўлдингиз. Сиз уни бозорга олиб чиққанингизда даллол: “Машинангиз дурустми?” — деб сўрайди. Шунда сиз учун виждонан жавоб беришга имконият туғилади. Бундай вазиятда сиз нима қиласиз? Алдайсизми ёки ҳақиқатни айтасизми? **ҲАҚИҚИЙ ШОГИРД ДОИМ, ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ҲАМ МУҚАДДАС КИТОБДАГИ ҲАҚИҚАТГА АСОСЛАНИБ ИШ ТУТАДИ.** Вазият унинг юриш–туришига таъсир ўтказишига у йўл кўймайди.

2–оят: “Исонинг олдида истиско дардидан кўл–оёқлари шишиб кетган бир одам келиб қолди.” Исо доим муҳтож одамлар билан алоқада эди. Улар доим Исонинг “олдида” эдилар. Исо Ўз хизмати давомида ёрдам сўраб келган одамдан ҳеч қачон юз ўгирмаган. Ҳатто Суриянинг Финикия ўлкасидан келган аёл ҳам Исонинг мурувватига сазовор бўлди. Бошида Исо унга ёрдам бермоқчи эмасди, аммо охир–оқибат унинг истагини бажарди (Марк 7:24–30).

Бундан биз ўзимиз учун яна бир қоидани ўрганиб оламиз: ШОГИРД ДОИМО МУҲТОЖ ОДАМЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛАДИ. Сиз Исонинг шогирди сифатида муҳтож бўлган одамларга ёрдам берасизми?

8–10 – оятлар: “Сизни тўй зиёфатига таклиф қилишганда, тўрга чиқиб олманг. Меҳмонга чақирилганлар орасида сиздан ҳам ҳурматлироқ бошқаси бўлиши мумкин. Икковингизни таклиф қилган мезбон келиб, сизга: “Жойингизни бу одамга бўшатиб беринг”, деб айтиши мумкин. Шунда сиз хижолат тортиб, пойгакда ўтиришга мажбур бўласиз. Шунинг учун, таклиф этилганингизда, пойгакда ўтиринг, токи мезбоннинг ўзи келиб сизга: “Дўстим, илтимос тўрга чиқинг”, — деб айтсин. Шунда бошқа меҳмонларнинг кўзида сизнинг ҳурматингиз ошади.”

Исо фарзий мазҳабидан бўлган бир бошлиқнинг уйида меҳмон бўлиб ўтирган эди. Овқат пайти келганда одамлар бир–бирини итариб, тўрга чиқишга ҳаракат қила бошладилар. Бундай ҳолатни кузатиб турган Исо бу вазиятни мисол қилиб олган ҳолда одамларга янги қоидани ўргатди.

Дастурхон атрофида ўтирганингизда, тўрга чиқиб олманг. Борди–ю мезбон ҳурматли бир меҳмон билан кириб қолса, сизни жойингиздан турғизади. Бу вазиятда мезбоннинг ўзи сизни турғизгани учун хижолат чекади. Келган ҳурматли меҳмон ҳам сизни овора қилганидан хижолат бўлиб қолади. Буни кузатиб турган бошқа меҳмонлар ҳам уялиб кетадилар. Қолаверса, сиз ҳам жойингиздан туришга мажбур бўлганингиздан уятга қоласиз.

Бундан кўра, дейди Исо, пастда ўтиринг. Шунда мезбон кирганда сиз каби ҳурматли меҳмон пастда ўтирганини кўриб, сизни тўрга чиқаради. Хаёлида эса: “Бу ниҳоятда камтарин одам экан”, — деб ўйлайди. Тўрга чиққанингизда, бошқа одамларнинг кўзи олдида ҳурматингиз ошади. Қандай яхши–я! Исо Ўзининг бу кўрсатмаси орқали сизда ижобий ҳис–туйғуларни уйғотади.

Юқорида айтиб ўтилган оятлардан шогирд ўзи учун катта сабоқ олиши мумкин. Зеро, ХУДОНИНГ АМРЛАРИ АСОССИЗ ВА ПУЧ АМРЛАР ЭМАС, АКСИНЧА, ХУДО АМРЛАРИНИ БИЗНИНГ МАНФААТИМИЗНИ КЎЗЛАГАН ҲОЛДА ЯРАТГАН. Худо осмонда ўтириб: “*Бу бандаларимнинг ҳаётини қандай қилиб янада мушкул қилсам бўлар экан?*”, деб бошини қотираётгани йўқ. АКСИНЧА, У: “*Бандларим фаровон ва тўла–тўқис ҳаётга эга бўлишлари учун уларга қандай кўрсатмалар берсам экан?*” — дейди. Худонинг қонуну амрлари бизга халақит бериш учун эмас, ёрдам кўрсатиш учун яратилган. Уларнинг мақсади бизни бахтли ва етук ҳаётга эриштиришдан иборат. Улар бизни нохуш вазиятлардан асрайди. Агар шогирд мана шу ҳақиқатни ўзлаштириб олса, кўп муаммоларнинг олдини олган бўлади.

11-оят: “Кимки ўзини юқори олса, пасайтирилади. Кимки ўзини паст олса, юксалтирилади”.

Бизнинг табиий хоҳишу истакларимиз аслида ёмон эмас. Улар Худо томонидан яратилган. Аммо биз ўша истакларни нотўғри йўл билан қонидиришга ҳаракат қилганимизда, улар ёмон натижаларга олиб келади.

Масалан, иззат–ҳурматга эга бўлиш, биринчи бўлиш, озод бўлиш ёки етакчи бўлиш истаги ва шунга ўхшаган бошқа бир талай истаклар аслида ёмон эмас. Бу истаклар Худо кўрсатган тарзда амалга оширилиши кераклигини Исо айтмоқчи. Биринчи бўлишнинг сири — охирги бўлиш. Яшашнинг сири — ўлиш. Озод бўлишнинг сири — Масихнинг қули бўлиш. Олишнинг сири — бериш. Етакчи бўлишнинг сири — хизматкор бўлиш. Юксалишнинг сири камтар бўлиб яшашдир.

Ҳамманинг яшагиси келади, аммо ҳеч ким ўлишни хоҳламайди. Ҳамма озод бўлгиси келади, аммо ҳеч ким қул бўлишни истамайди. Ҳамма олгиси келади, аммо ҳеч ким беришни хоҳламайди. Айнан шу масалада биз Худо билан тўқнашиб қоламиз.

Худо дунёни яратган. У бизни бунёд этган. Ҳаёт берган. Ҳаётимиз учун қоидаларни яратган ва биз ўша қоидалар асосида яшашимиз лозим. Кўпинча биз Худо берган ваъдаларга эришишни хоҳлаймиз, аммо ўша ваъдаларга эришиш учун товон тўлашни истамаймиз. Ўзимизнинг адашган онгларибизда шундай мулоҳаза қиламиз: “*Эҳтимол, бермай туриб олишининг иложи бордир. Биринчи бўлиш учун охирги бўлиш шарт эмасдир. Ўлмай туриб, яшаиш мумкиндир.*” Сўнг биз Худонинг қоидаларини четлаб ўтиб, ҳаёт билан ўйнаша бошлаймиз. Аммо Худонинг қоидаларини менсимаслик бутун ҳаётимизга зарар келтиради, буни бизга Муқаддас Китоб ўргатади. **ОДАМ БЕРМАЙ ТУРИБ ҲЕЧ ҚАЧОН ОЛМАЙДИ, ЎЛМАЙ ТУРИБ ҲАҚИҚИЙ ҲАЁТГА ЭРИШМАЙДИ.** Бу ҳақиқатни ўзлаштириб олган ва бу ҳақиқат бўйича яшаётган одамгина ҳақиқий шоғирд ҳисобланади.

15–24–оятлар:

Исо билан бирга дастурхон атрофида ўтирганлардан бири бу сўзларни эшитиб, Унга:

– Худонинг Шоҳлигида туз тотган киши бахтлидир! – деди. Исо ўз навбатида унга деди:

“Бир одам кечки катта дастурхон ясаб, кўпларни таклиф этибди. Зиёфат вақти етганда:

– Келинглари, дастурхон тайёр бўлди, – деб меҳмонларни чақирмоқ учун хизматкорини юборибди. Шунда ҳаммалари келишиб олгандек, узр сўрай бошлашибди. Биринчиси унга:

– Мен ер сотиб олдим, бориб уни кўришим керак. Илтимос, мени кечиринг, – дебди.

Бошқаси эса:

– Мен беш жуфт ҳўкиз сотиб олдим, уларни синагани боряпман. Илтимос, мени кечиринг, – дебди. Учинчи бирови ҳам:

– Мен хотин олдим, шунинг учун келолмайман, – дебди.

Хизматкор қайтиб келиб, хўжайинига вазиятни тушунтирибди. Хўжайин ғазабланиб, хизматкорига:

– Тез бўл, шаҳарнинг йўлак ва кўчаларини кезиб чиқ, кашшоқ, майиб, шол ва кўрларни бу ерга олиб кел, – дебди.

Хизматкор *бориб келиб:*

– Хўжайин, буюрганларингизни бажардим-у, яна ҳам бўш жой бор, – дебди. Шунда хўжайин хизматкорига:

– Йўлларга чиқ, сўқмоқларга бор, элни келишга қиста, токи уйим тўлсин, – дебди. – Сизларга айтаманки, чақирилган одамлардан бирортаси ҳам зиёфатимдан тотиб кўрмайди.”

Исо фарзий бошлиғининг уйда меҳмонлар билан бирга ўтираркан, меҳмонлардан бири хурсанд бўлиб: “Худонинг Шоҳлигида туз тотган киши бахтлидир!” — деб айтди. Шунда Исо буюк зиёфат ҳақида бир масал айтиб берди. Бу масал Осмондаги Шоҳлик, ҳамда Отамиз Худо ва Исо Масих хузурида бўладиган зиёфат ҳақида эди. Худонинг дастурхонидан тамадди қилиш таклифини рад этадиган биронта одам бормикан? Уни Ким таклиф қилганини билмасагина бундай таклифни рад этиши мумкин. Бу борада Павлус шундай деган эди: “Бу ҳикматни дунё ҳокимларидан ҳеч ким тушунмади. Тушунсалар эди, улуғ Раббимизни хочга михламас эдилар.” (1Коринфликларга 2:8). Римликлар ва яҳудий дин бошлиқлари Исо Масихнинг кимлигини билмаганлари учун, Уни хочга михлаган эдилар. Бугунги кунда одамлар Худонинг таклифини рад этиптилар, чунки уларни Ким таклиф қилганини улар англамаяптилар.

Буюк зиёфат ҳақидаги масалдан биз кундалик арзимас ташвишлар кўзимизни кўр қилиб, ҳаётдаги устун мақсадларни кўришимизга йўл қўймаслигини билиб оламиз.

Агар Раббимиз Исо бугунги кунда бу масални айтганида эди, ер ўрнига орзу қилинган уйни сотиб олишни мисол қилиб келтирган бўларди. Беш жуфт ҳўкиз ўрнига машина сотиб олиб, ижарага беришни мисол қиларди. Никоҳ ҳақидаги мисол эса ўзгармаган бўларди, чунки никоҳ масаласи асрлар оша ўшандай қолган.

Масиҳий бўлиш текинدير. Имонли одам бунинг учун ҳеч нарса тўлаши керак эмас. Зеро “...сизлар Худодан иноят топиб, имонингиз туфайли қутулгансизлар. Бу – Худонинг инъоми, сизнинг ютуғингиз эмас. Яна ҳеч ким: Мен савоб ишларим туфайли қутулганман, деб мақтанмасин.” (Эфесликларга 2:8–9). Аммо Исонинг шогирди бўлишнинг баҳоси бор. Бу баҳо — ўз ишларимиз билан эмас, Худонинг юмушлари билан банд бўлиш. Масиҳий одам осонликча ўз ташвишлари билан банд бўлиб қолади, ўзининг орзу ҳаваслари орқасидан қувиб бориб, ўз ишига берилиб кетади. Натижада эса ҳаёти учун бўлган Худонинг комил режасидан куруқ қолади.

Худонинг Руҳи камдан–кам вазиятларда одамга қаттиқ овоз билан гапиреди. Одатда Унинг майин овози одамнинг қалбига, у Муқаддас Китобни ўқиган пайтда гапиреди. **ХУДОНИНГ ОВОЗИГА ДИҚҚАТ ҚИЛГАН ОДАМГИНА ШОГИРД ҲИСОБЛАНАДИ.**

25–оят. “Катта бир оломон Исога эргашиб кетаётган эди.” Исонинг шаънига яхши сўз айтиш ғарб мамлакатларида доимий одат бўлиб келган. Сиёсатчи ўз нутқига Муқаддас Китобдан бир–икки оят кўшса борми, сайловда кўплаб кўшимча овоз олиши турган гап. Ҳиндистоннинг буюк сиёсат арбоби Ганди эса ҳақиқатан ҳам Исони ардоқлар эди. Дарҳақиқат, минглаб одамлар Исонинг кетидан эргашарди. Бироқ Унинг таълимотини тинглаш учун келган одамларга эътибор беринглар. “Ҳамма солиқчилар ва гуноҳкорлар Исонинг таълимотини тинглаш учун келар эдилар.” (Луқо 15:1). Ҳа, катта бир оломон Исога эргашарди, фақат солиқчилар ва гуноҳкорларгина Унинг таълимотини тинглар эдилар.

Ҳар доим шундай бўлиб келган ва шундай бўлиб қолса керак. Масиҳийлик — нажот эътиқоди. Бу эътиқод қийналиб кетган одамлар учун яратилган. Бундай одамлар ҳаётларида улуғроқ нарсага интиладилар, чунки Ўз кучи билан эришганларга қаноат қилмайдилар. Улар Исонинг гапларини чанқоқлик билан эшитадилар. Унинг таълимотига кулоқ солиб, айтганларини бажарадилар, шунчаки эшитиш билан чекланиб қолмайдилар. **ҲАР БИР ҲАҚИҚИЙ ШОГИРДНИНГ ҚАЛБИ ТУБИДА ИЛОЖСИЗЛИК РУҲИ ТАЛПИНИБ ТУРИШИ КЕРАК. БУ — ШОГИРДНИНГ ЭНГ МУҲИМ ФАЗИЛАТЛАРИДАН БИРИ.**

26–33– оятлар: “Агар ким Менинг ҳузуримга келса-ю, ўзининг ота-онаси, хотини, бола-чақаси, ака-укаси, опа-сингиллари ва ҳатто ўз жонидан кўнгил узмаса, у Менинг шогирдим бўлолмайди. Кимки ўз хочини кўтариб орқамдан юрмаса, Менинг шогирдим бўлолмайди. Сизлардан бирортангиз иморат қурмоқчи бўлсангиз, уни битириш учун маблағ етарлими, деб олдиндан харажатини ҳисоблаб чиқмайсизми? Бўлмаса пойдевор солиб, иморат кура билмасангиз, ўтган-кетган кўриб: “Бу одам қуришни бошлади-ю битира олмади”, – деб масҳара қилишади.

Ёки қайси подшоҳ бошқа бир подшоҳга қарши урушга борса, ўзимнинг ўн минг аскарим билан йигирма минг аскарга қарши чиқишга кучим етармикан, деб олдиндан ўтириб маслаҳатлашмас экан? Кучи етмаса, душман ҳали узоқдалигида унинг олдига элчи юбориб сулҳ сўрайди. Шундай қилиб, сизлардан ҳар бирингиз ўзингизнинг бор-йўғингиздан кўнгил узмасангиз, Менинг шогирдим бўлолмайсиз.”

Ана энди, биз шогирдликнинг баҳоси ҳақида сўз бошлаймиз. Биз яқинларимизнинг ҳаммасидан кўнгил узиб, фақат Исо Масиҳга боғланишимиз керак. Бу биринчи қадам.

Саҳрода китобининг 14–бобида Исроил халқи ваъда қилинган юртга кириш арафасида юз берган воқеани ўқишимиз мумкин. Ўша пайтда Кадеш шаҳрида бўлган Исроил халқи ўн икки айғоқчининг “шум хабарини” эшитади. Худо уларга ваъда қилган юртга кириш учун тўланадиган баҳо ҳаддан ташқари баланд эди. Ахир, у ерда улкан паҳлавонлар уруғидан бўлган Иноқ авлоди яшарди (Саҳрода 13:32–33га қаранг). Энг қийин дамда Исроил халқи

орқага чекинмоқчи бўлди. “Иноқ авлоди хотин–болачақамизни қириб юборади” — деб баҳона қилди улар.

Худо бизга, ёвуз душманга дуч келмайсизлар, деб ҳеч қачон ваъда қилмаган. У бизни Ўзи ваъда қилган юртга эсон–омон олиб боришини айтган. Бироқ саросимага тушган Исроил халқи хотин–болачақаларининг орқаларига яшириниб олди. Оилани рўқач қилиб, баҳона излаш — ишончсизликнинг илк аломатларидан биридир.

Исо Масихнинг шогирди доим Устозига эргашади. У ўз онасидан, отасидан, хотин–болачақасидан ёки эридан воз кечиб бўлса ҳам, Унинг айтганини қилади. Шогирдлик баҳоси мавзусини охиргача тушунтириш учун Исо яна иккита мисол келтиради — иморат қурган одамни ва жангга чиққан шоҳни.

28–оятда иморатни чала қурган одам тасвирланган. Сиз ҳам қачонлардир бирор бир ишни бошлаб, кейин охирига етказмаганмисиз? Ёки ваъда бериб, ваъда устидан чиқмаганмисиз? Қасам ичиб, уни бажармаганмисиз? Ундай бўлса, Сулаймон пайғамбар сизга бир насиҳат бермоқчи: “Ҳеч қачон гапиришга шошилма, қалбингда Худога ваъда беришда ховлиқма. Худо жаннатда, сен эса ердасан, шунинг учун камгап бўлгин... Худога назр атаганиндан кейин уни бажаришни орқага сурмагин. У нодонларни ёқтирмайди. Албатта ваъдангда тургин. Ваъда бериб, уни бажармасликдан кўра, умуман ваъда бермаслик яхшироқдир. (Воиз 5:1, 3–4)

Мен Форт Вортда яшаганимда тадбиркорлик ишларим билан тез–тез Даллас шаҳрига бориб турардим. Машинани трассадан ҳайдаб кетаётганимда катта, битмаган бино олдидан ўтардим. Бинонинг фақат шакли бор бўлиб, охиргача битмаган эди. Мен ойлар давомида ўша бино олдидан ўтардим, аммо ҳеч қандай ўзгаришни кузатмасдим. Кейинчалик билсам, бино қуришни бошлаган одам харажатларни нотўғри ҳисоблагани учун, бино битмай қолган экан. У банкдан олган кредитнинг ҳаммасини сарфлаб бўлибди, бироқ қурган бинодан ҳеч қандай фойда ололмабди. Ўша битмаган бино пухта тузилмаган режанинг рамзи бўлиб турарди.

ИМОРАТ ҲАҚИДАГИ МАТАЛНИНГ МАЗМУНИ ҲАМ ШУ: ИСО БУ МАТАЛДА ҲИСОБ–КИТОБНИНГ МУҲИМЛИГИГА УРҒУ БЕРГАН, ЯЪНИ ҲАР ҚАНДАЙ ОДАМ ШОГИРД БЎЛИШИДАН ОЛДИН ШОГИРДЛИКНИНГ БАҲОСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШИ КЕРАК. Ишни охиргача етказмоқчи бўлсангизгина, унга қўл уринг.

Исонинг маталда айтган қуйидаги сўзларига эътибор беринг: “Бу одам қуришни бошлади–ю битира олмади”. Далласдаги бинокор қура бошлаган биносини маблағ етмагани учун битира олмаган эди. Шогирд бўлиш эса маблағга эмас, инсоннинг иродасига боғлиқ. Чунки шогирд бўлишимиз учун Исо Масих бизга зарур бўлган ҳамма нарсани бериб қўйган (2 Бутрус 1:3). Бунга фақат ўз иродамизни қўшишимиз даркор.

Харажатни ҳисобга олиш ҳақида сўз юритар экан, Раббимиз Исо жангга отланган подшоҳ мисолини ҳам келтирган эди. Биз ҳам душманнимизга қарши жангга чиқишдан олдин икки саволга жавоб беришимиз керак. Биринчиси: мен мавжуд бўлган манбаларим билан душманни мағлуб қила оламанми? Иккинчиси: уни мағлуб қилиш учун қурбонларга тайёрманми? Агар бу иккита саволнинг бирига жавобингиз “йўқ” бўлса, у ҳолда элчи юбориб, дуншманингиз билан сулҳ тузинг.

Раббимиз Исо шундай деган эди: “Мана шу қоя устига Мен Ўзимнинг жамоатимни қураман. Ҳатто ўлим шоҳлигининг дарвозалари ҳам (*Юнон тилидан сўзма–сўз таржима*) жамоатимга бас кела олмайди. Дарвоза хужумни қайтариш учун ишлатилади, хужум қилиш учун эмас. Жангга чиққан аскар ўз душманига қарши дарвоза кўтариб хужум қилганини ҳеч эшитганмисиз?! Дарвоза душманни шаҳар ичкарасига киргизмаслик учун, ҳимоя тариқасида ишлатилади. Исонинг шогирди эса ўзини ҳимоя қилишга эмас, аксинча, шайтон кучларига қарши жанг қилишга чақирилган. У жаҳаннам дарвозаларини бузиб ўтиб, ёвуз кучларга асир бўлган одамларни Исо Масих номи билан озод этиши керак. Биз шу тарзда жанг

қилганимизда, ҳатто жаҳаннам дарвозалари ҳам бизга бас кела олмайди. Исонинг Ўзи бизга шуни айтган. Аммо ҳар бир жангда қурбонлар бўлгандай, биз ҳам қурбон беришга тайёр бўлишимиз керак.

Раббимиз шундай дейди: “Агар қурбон беришга тайёр бўлмасангиз, элчи юбориб, душман билан сулҳ тузинг.” Сиз масиҳий бўлиб туриб ҳам шайтон олдига бориб, шундай деб айтишингиз мумкин: “Менга қара, шайтон! Мен масиҳийман, ҳаётдан кўз юганимда жаннатга бораман. Аммо сен билан келишиб олмоқчиман: сен мени тинч қўйсанг, мен ҳам сени тинч қўяман. Мен Масиҳнинг содиқ шогирди бўлмайман. Сенинг шоҳлигингга ҳужум қилмайман, ҳокимиятинг остида асир бўлган одамларни қутқармайман. Бунинг эвазига сен ҳам мени тинч қўясан. Мен ҳузур–ҳаловатда, осойишта ҳаёт кечирай.”

Шайтон эса шундай жавоб беради: “Келишдик, дўстим!”

Аммо эсингизда тутинг, шайтон ёлғончи ва ёлғонлар отасидир. У сизни лақиллатиб кетмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Исога шогирд бўлмаган одам ўз ҳаётида шогирддан кўра минг ҳисса каттароқ товон тўлайди.

34–35–оятлар: “Туз – яхши нарса. Лекин туз ўз таъмини йўқотса, уни яна нима билан шўр қилиш мумкин? Ерга ҳам, гўннга ҳам ярамайди, уни ахлатга ташлаб юборадилар. Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!”

Исо шогирдлик тўғрисидаги таълимотини туз ҳақидаги матал билан яқунлайди. Кўп вақт давомида мен бу маталнинг мазмунини шогирдлик билан ҳеч боғлай олмаган эдим. Сўнг, бир куни таъми йўқ туз — Исога шогирд бўлишдан воз кечган одамни тасвирлашни тушуниб қолдим. Аслида, Худонинг хоҳиш–иродасига кўра, ҳар бир имонли одам Исонинг шогирди бўлиши керак. Аммо Худо билан қилган аҳдидан қайтган имонли ҳеч нарсага ярамайдиган одам бўлиб қолади. Бундай одамга нажот бера олмайсиз, чунки у нажот олиб бўлган. Уни ишлата олмайсиз, чунки у хоҳламайди. Бундай одам гўё таъмини йўқотган тузга ўхшаб қолади. Одамлар бундай тузни ташлаб юборадилар.

Бундай одам ҳар ҳафта жамоатга боришини сиз кўрасиз. У бошқаларга ўрناк бўлишнинг ўрнига ўзини ёмон тутати. Сиз фарзандингизга бундай одамни кўрсатиб, шундай дейсиз: “Ўғлим, анави одамни кўряпсанми? У ҳам имонли, аммо Исонинг ҳақиқий шогирди эмас, чунки шогирдлик баҳосини тўлашдан бош тортди. Бу қилмиши билан ҳақиқий ҳаётдан воз кечиб, шунчаки кунини ўтказиб юрибди. Исо бундай одамларни “таъмини йўқотган туз”, деб атайди. Ўғлим, ҳеч қачон бундай одамга ўхшаган бўлмагин.”

Кортез 1519 йилда етти юзта одами билан Мексикани забт этмоқчи бўлиб, Вера Круз бандаргоҳига етиб келганда, атайин ҳамма кемаларига ўт қўйиб, ёндириб юборган эди. Унинг соҳилда турган бутун командаси кемаларнинг ёниб, Мексика кўрфазига чўкиб кетаётганини томоша қилиб турарди. Энди улар учун орқага чекинишга ҳеч қандай имконият қолмаганди. Улар учун биргина йўл — олға юриб, қандай бўлса ҳам Мексикани забт этиш йўли қолган эди.

МАСИХНИНГ ШОГИРДИ БЎЛИШНИ ҚАТЪИЙ ҚАРОР ҚИЛИБ, ШОГИРДЛИК БАҲОСИНИ ТўЛАГАНИНГИЗДА, ЎЗИНГИЗ УЧУН ЧЕКИНИШГА БИРОНТА ЙўЛ ҚОЛДИРМАНГ. Шогирдлик баҳоси қанчалар баланд бўлмасин, уни тўлиқ тўлашга қарор қилинг. Агар бундай қарор қилишга жазм қила олмасангиз элчингизни юбориб душманингиз билан сулҳ тузинг.

Худо ва инсон табиатини тўғри тушуниши

Инсон ҳаётидаги ҳар бир муаммо — унинг Худо ҳақидаги нотўғри тушунчага бориб тақалади. Сизнинг Худойингиз қанчалик катта бўлса, муаммоларингиз ҳам шунчалик кичкина бўлади. Худойингиз қанчалик кичкина бўлса, муаммоларингиз ҳам шунчалик катта бўлади. Бу ниҳоятда оддий. Агар сизнинг Худойингиз катта бўлса, муаммо бўлиб кўринган ҳар бир вазият имкониятга айланади. Борди—ю Худойингиз кичкина бўлса, ҳар бир муаммо тўсикқа айланади.

Ҳар бир шогирд, биринчидан, Худо кимлигини ва иккинчидан, ўзининг кимлигини аниқ тушуниши керак.

Сиз ким эканингизни билмай туриб, ҳеч қачон Худонинг Кимлигини тушуна олмайсиз. Шу билан бир қаторда, Худонинг Кимлигини билмай туриб, ўзингизнинг кимлигингизни ҳам била олмайсиз. Бу икки тушунча бир—бири билан чамбарчас боғлиқдир. Худонинг Кимлигини ва ўзимизнинг кимлигимизни биз Ишаё китобининг 40–66–оятлардан топишимиз мумкин.

Худонинг табиати ва феъл–атвори

Ишаё 40:3–5

Бир овоз шундай хайқирмоқда:
 “Сахрода* Эгамизга йўл ҳозирланг,
 Чўлда Худойимизга тўғри йўл очинг.
 Ҳар бир жарлик юксалади,
 Ҳар бир тоғу тепалик пасаяди.
 Ўнқир—чўнқир жойлар текис бўлади,
 Ўйдим—чуқур ер текислик бўлади.
 Ўшанда Эгамизнинг улуғворлиги зоҳир бўлади,
 Бутун жонзот биргаликда буни кўради.
 Ҳа, Эгамиз Ўз оғзи билан шуни айтди.”

Муқаддас Китобда ёзилишича Худо Ўзини аён қиладиган улуғвор Худодир. Сокин вақтимизнинг моҳияти ҳам шу: Худонинг салобатини кўриш, Унинг улуғворлигидан баҳраманд бўлишдир. 4–оятда ёзилишича, Худо биз билан мулоқотда бўлиш учун ҳар қандай тўсикни олиб ташлади. Сўнгра, ёзилишича, Худо бизга Ўз улуғворлигини зоҳир қилди ва бу бизнинг ташаббусимиз эмас, балки Худонинг ташаббуси эди. Масиҳийлик дунёдаги бошқа эътиқодлардан ўз ноёблиги билан фарқ қилади, чунки масиҳийликда биз Худони эмас, Худо бизни қидиради.

Ишаё 40:10–11

Мана, Эгамиз Раббий қудрат ила келади,
 Қудрати ила ҳукмронлик қилади.
 Унинг Ўзи тақдирлайди,
 Мукофотини Ўзи билан олиб келмоқда.
 Чўпон каби У Ўз сурувини боқади,
 Қўзиларни қўлларида кўтаради.
 Уларни кўтариб, бағрига босади,
 Қўзилари билан бирга она қўйни
 Эҳтиётлаб ҳайдаб боради.

Бир томондан Худо ўта қудратли, бошқа томондан эса ўта меҳрибон эканлигига эътибор беринг. Бизнинг Худойимиз қудратли Худодир, ахир, У бутун борликни яратган (Ишаё 40:26, 28). Довуд пайғамбар Забурда У ҳақда шундай деган: “Самолар бунёд бўлган Эгамизнинг каломидан, самодаги жисмлар яралган Унинг нафасидан.” (Забур 32:6). Ҳар қандай модда энергиядан мавжуд бўлганини бизга илм–фан ўргатади. Ҳақиқатан ҳам, Худо бутун коинотни Каломининг қудрати билан яратган. Унинг Сўзи яратувчи энергиядир.

Ишаё китобининг 40–боб, 11–оятда Худо қўйларни боқаётган чўпон қиёфасида тасвирланган. Худо бизни боқиб, бизга ғамхўрлик қилишини биз айнан шу оятлардан билиб оламиз. Муҳтожликларимизни қондиришни Худо Ўз зиммасига олган. Бизга йўл кўрсатишни У Ўзининг вазифаси деб билади.

Ишаё 40:13–14

Ким Эгамизнинг руҳига йўл кўрсатади?!
Ким Унга маслаҳат беради?!
У кимга маслаҳат солган?!
Ким Унга насиҳат берган?!
Ким Унга адолат йўлини ўргатган?!
Унга билим берган борми?!
Идрок йўлларини Унга кўрсатган борми?!

Бу саволларнинг ҳаммаси риторик саволлардир. Бу саволларга жавоб – ҳеч ким. Нимага Худога ҳеч ким маслаҳат бермаган? Нега ҳеч ким Унга адолат йўлини ўргатмаган? Бунинг жавоби оддийдир: У бировнинг ёрдамига муҳтож эмас. Зеро Худонинг Ўзи шундай деган:

Ахир, Мен Худоман, бошқаси йўқ!
Мен Худоман, Менга ўхшагани йўқ!
¹⁰ Охирида нима бўлишини бошидаёқ айтаман.
Юз бермаганларни олдиндан билдираман.
‘Ниятларим бажо бўлади,
Барча истакларимни ижро этаман’ (Ишаё 46:9–10).

Ишаё 40:15–17:

Элатлар челақдаги бир томчи сувдайдир,
Улар тарози палласидаги чанг кабидир.
Мана, оролларни ҳам Эгамиз чангдай кўтаради.
Лубнон юртидаги ҳайвонлар қурбонликка озлик қилади,
Ўрмонларининг дарахлари эса етарли ўтин бўлмайди.
Жамики элатлар Эгамиз олдида ҳеч нима эмас,
Эгамиз назарида улар арзимас, бўшлиқдир.

Бу оятларда олам тўғри сўзлар билан тасвирланган. Дунёдаги ноҳақликка қараб, тушқунликка тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Одамзоднинг бузқлиги, ёмонликка бўлган мойиллиги, ўзини назорат қила олмаслиги, ривожланиб бораётган технологиялар муаммоларимизга ечим топмай, қайтага чуқурлаштириб юбориши инсониятни беадаб ва бағри тош қилиб қўймоқда. Уруш йўқ жойда одамлар жиноятга қўл уради. Жиноят қилмаса, жаналлашади. Жанжал бўлмаса, табиий офат юз беради. Қачон қарамайлик, ёмон воқеалар содир бўлади.

Дунё кучлари одамзоднинг такдирини белгиламайди. Иқтисодиёт, сиёсат ва маърифат раҳнамолари унинг келажагини танламайдилар. Худонинг айтишича, энг буюк халқлар ҳам

челакдаги бир томчи сувдайдир, тарози палласидаги чанг кабидирлар. Ҳамма нарсани Худонинг Ўзи бошқариб туради.

Ишаё 40:28

Наҳотки билмайсан? Наҳотки эшитмагансан?
Эгамизнинг Ўзи абадий Худо–ку!
Бутун оламни У яратган–ку!
У чарчамайди, ҳолдан тоймайди,
Унинг донолигини билиб бўлмайди.

Худо ҳеч қачон чарчамайди, Унинг янги фикрлари тугамайди. Ҳар қандай вазиятда нима қилишни ва қаерга боришни билади. У баркамол Худодир ва ҳамма нарсани назорат қилиб туради. У ҳеч қачон хатога йўл қўймайди. Агар биз шунга ишонсак кўп муаммоларимиз ўз ўзидан ечим топади.

Фақат иккитагина шахс сизга зарар етказиши мумкин бу — сиз ва Худо. Шайтон сизга ҳеч қандай зарар етказа олмайди. Буни сиз Аюб китобида яққол кўришингиз мумкин. Аюб китобининг 1–бобида биз Худо билан шайтон орасидаги суҳбатни ўқиймиз. Ўша суҳбат давомида шайтон Худога шундай дейди: “Сен Аюбнинг хонадонини, ўзини, бор нарсасини ҳимоя қиласан–ку!” Ҳақиқатан ҳам Худо ҳар бир фарзандини ҳимоя қилади. Худонинг рухсатисиз шайтон унга қўлини ҳам теккиза олмайди.

Худо бизга фақат яхшиликни раво кўради, бу — Муқаддас Китобдаги энг яхши хабардир. У бизга зарар етказмоқчи эмас. У биз ҳақимизда фақат яхши нарсаларни ўйлайди. Ҳар биримизга энг юксак яхшиликни ният қилади. У бизга зарар етказа олмайди ва шу томондан Ўзини чеклаб қўйган, зотан У бизга берган Ўз ваъдаларига содиқдир.

Демак, сизни хонавайрон қила оладиган сизнинг ўзингиздир, бошқа ҳеч ким эмас. Худо изн бермаса бошқа биров сизга зарар етказа олмайди. Агар шундай бўлмаганида эди, Худо тақдирларимизни тўлиқ назорат қила олмаган бўларди. Худо тиззасини муштлаб: “Ишқилиб бу хизматкоримни машина уриб кетмасайди ёки самолётда ҳалок бўлмасайди” — деб осмонда ўтирмайди. Уни бундай ҳолда тасаввур қилишимизнинг ўзи телбалиқдир.

Сиздан бошқа ҳеч ким ҳаётингизни барбод қила олмайди. Муқаддас Китобдаги таълимотга кўра, инсон ўз ҳаётига ўзи зомин бўлади. Сизнинг энг ашаддий душманингиз — сизнинг ўзингиздир. Борди–ю сиз Худонинг эзгулигига ишониб, Унга итоат этсангиз, ҳеч ким ҳаётингизни барбод қила олмайди. Ҳеч ким сизни Худонинг комил хоҳиш–иродасидан қайтара олмайди.

Ишаё 42:1–4

Эгам айтар: “Мана Менинг қулим,
Ўзим уни қўллаб–қувватлайман.
Мен Ўзим уни танлаганман.
Ундан жуда мамнунман.
Мен унга Ўз руҳимни бердим,
У элатларга адолат келтиради.
У бақир–чақир қилмайди, қаттиқ гапирмайди,
Кўчаларда овозини баланд кўтармайди.
Эзилган қамишни синдирмайди,
Тутаётган пиликни ўчирмайди,
Содиқ бўлиб, адолат келтиради.
Ер юзида адолат ўрнатмагунча
У ҳолдан тоймайди,

Унинг жасорати сўнмайди.
Денгиз ортидаги юртлар
Унинг йўл-йўриқларини кутади.”

Бу парча — Исо Масих ҳақидаги каромат. “Хукм қилиш ҳуқуқини Отам Худо Менга берган” — деб айтади Исо (Юҳанно 5:22–23). У доим виждонан иш тутиб, адолатли хукм қилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, У дунёнинг фосиқлигидан тушқунликка тушмайди, толиқмайди. Бизнинг Худойимиз Ўз хукми билан “Ер” деб номланган бу сайёрамизда ҳақиқатни ўрнатади.

Ишаё 42:8

Мен Эгангизман!
Менинг номим шудир!
Мен шухратимни бировга бермайман,
Ўзимга муносиб бўлган ҳамду санони
Бутлар билан баҳам кўрмайман.

“Мен шухратимни бировга бермайман” — деб Худо бизга қайта-қайта айтади. Павлус ҳам буни таъкидлаб, Коринфдаги жамоатга ёзган мактубида шундай деган эди: “Инсоний нуқтаи назардан доно бўлганингиз кўп эмас, қудратли бўлганингиз кўп эмас, олижаноб бўлганингиз ҳам кўп эмас” (1Коринфликларга 1:26–29). Ҳа, Худо Ўз улуғворлигини намоён қилиш учун камситилган ва хўрланган одамларни танлаб, уларга донолик беради.

Рухонийлар Бутрус билан Юҳаннони ўқимаган, жоҳил одамлар деб аташган эди (Хаворийлар 4:13га қаранг). Шундай бўлса-да, бу ўқимаган, оддий балиқчилар Янги Аҳд тўпламининг етти китобини ёзишган. Бу китобларнинг мазмуни шу қадар чуқурки, асрлар давомида буюк алломалар унинг мағзини тўлиқлигича чақа олмаганлар.

Ишаё 43:11–13

Мен Эгангизман!
Ёлғиз Мен Эгангизман,
Мендан бошқа қутқарувчи йўқ.
¹² Мен Ўзим айтдим, қутқардим, билдирдим,
Орангизда бошқа бирон худо йўқ.”
Эгамизнинг каломи шудир:
Мен Худоман, сизлар Менинг шоҳидимсиз.
Ҳа, азалдан буён Мен Ўшаман,
Ҳеч ким Менинг қўлимдан қутқара олмайди.
Мен қилганимни ким бекор қила олади?!”

Муқаддас Китобда айтилишича, Худо инсониятнинг Қутқарувчисидир. Фақатгина У бизга нажот бера олади. Демак, фақат Унинг паноҳидагина биз бехатар ва фаровон ҳаётга эга бўламиз. Юқоридаги оятда Худо: “Мендан бошқа қутқарувчи йўқ” — деб айтади. Давлатимиз бир қатор ижтимоий лойиҳалар орқали фуқароларининг ҳаётини фаровон қилишга уринади. Корхоналар ўз ишчиларига нафақа тўлайди, касалхоналар халққа бепул тиббий хизмат кўрсатади, давлат маошларни оширади, яхшироқ иш ўринларини яратади. Инсон ўз кучи билан ҳаётини бехатар ва фаровон қила олади, деган гапга бизни ишонтиришади. Аслида эса, фақатгина Худо бизни қутқара олади, фақатгина У бизга фаровон ҳаёт бера олади. Фақатгина У инсониятни ҳақиқий хавфсизлик билан таъминлай олади.

Ишаё китобидан кўриб чиққан бобларимиз Худонинг табиатини бизга аён қилади. Бу мавзу ниҳоятда чуқур ва завқлидир. Биз уни умумий кўриб чиқдик, холос. Худонинг буюк

улуғворлигини англашни бошлаганимизда, бизнинг муаммо ва ташвишларимиз аслида кичкина ва эътиборсиз эканлигини кўрамыз.

Инсоннинг табиати ва феъл–атвори

Ишаё 40:6–7

Бир овоз: “Эълон қил!” деб айтди,
Иккинчиси: “Нимани эълон қиламан?” деб сўради.
Биринчи овоз шундай деди:
“Инсон зотининг ҳаммаси майсадай,
Уларнинг барча содиқлиги дала гули кабидир.
Уларнинг устидан Эгамизнинг нафаси эсганда
Ўтлар қурийди, гуллар сўлиб қолади.
Мана, бу халқ майсанинг ўзи.

Муқаддас Китобнинг ҳеч бир жойида инсоният буюк, ўз тақдирини ҳал қиладиган зот сифатида тасвирланмаган. Аксинча, Худо инсонни бугун бор, эртага эса йўқ бўладиган дала ўтига ўхшатган. Исо Масихнинг укаси Ёқуб инсон ҳаёти ҳақида шундай деган: “Ҳаёт ўзи нима? Ҳаётингиз – бирпас кўриниб, кейин парланиб кетадиган буғ каби нарса” (Ёқуб 4:14). Демак, инсонни тўлиқ тушуна олишимиз учун унинг ҳаётидан сўз бошлашимиз керак.

Инсон ҳаёти қанчалар қисқа эканлигини тушунганимизда, уни тўғри нарсага ишлатишни қарор қиламыз. Довуд пайғамбар шундай деганди:

Бизни душманларимиз олдига чекинтирдинг,
Ғанимларимиз бизни талон–тарож қилди.
Бизни қўйлар каби емишга бердинг,
Халқлар орасига бизни ёйиб юбординг.
Халқингни қора чақага сотиб юбординг,
Уларни сотишдан ҳеч наф кўрмадинг.
Биронтаси бойиб кетганда,
Уйининг ҳашамати ошиб кетганда,
Ваҳимага тушма!
Оламдан ўтганда, у ўзи билан ҳеч нарса олиб кетмайди,
Бойлиги ҳам унинг ортидан қабрга эргшиб бормайди.
(Забур 43:11–13, 17–18)

Довуд даврида рўй берган ҳодиса–воқеалар ҳозирда ҳам рўй бермоқда. “Одамлар ерларни ўз номлари билан аташмоқда”. Мериленд, Пенсильвания, Виржиния ва Шимолий Каролина штатлари бунга мисол бўлиб хизмат қилади. Мичиган штатида бир бадавлат одам яшар эди. У хайрия ишларига кўп маблағ ажратгани учун кўчаларни, мактаб ва кутубхоналарни унинг номи билан аташган. У ўлимидан олдин шаҳар оқсоқолларининг олдига шундай бир таклиф билан борди: “Агар шаҳарни менинг номим билан атасангиз, ҳамма бойлигимни сизларга бераман” — деди. Ҳаёт қисқа бўлгани учун одамлар уни ардоқлайди, абадиятга интилиб, қайси йўл билан бўлса ҳам ҳаётда из қолдиришга тиришади.

Ишаё 47:8–10

Энди бунга кулоқ сол! Эй ҳашаматни севувчи!
Бехатар ўтириб, ўзингча айтасан:
“Мендан бошқа малика йўқ,
Тул қолмасман, фарзанд доғини кўрмасман.”

Мана шу иккаласи ҳам
Бир кунда бошингга тушади:
Ҳа, кўп сеҳр—жодулар қилардинг,
Афсунларингнинг кучи кўп эди.
Шунда ҳам тамомила болаларингдан айрилсан,
Тул бўлиб қолсан.
Ўз ёвузлигингга ишондинг,
“Мени ҳеч ким кўрмайди”, дединг.

Донолигинг, билиминг сени йўлдан адаштирди,
Ўзингга: “Мана, мен!
Мендан бошқаси йўқ”, дединг.

Инсон абадиятга нотўғри йўл билан эришмоқчи бўлгани учун, Худонинг мақсадига қарши чиққан бўлади. Юқоридаги оятларда Бобил ҳақида сўз юритилган, аммо бу сўзлар бутун инсониятга ҳам тегишли.

Ишаё пайғамбар Масихнинг келишини башорат қилиб, шундай деган эди:
“Ҳаммамиз қўйлардай йўлдан адашдик,
Ҳаммамиз ўз йўлимиздан кетдик.
Ҳаммамизнинг айбларимизни
Эгамиз Унинг зиммасига юклади. (Ишаё 53:6)

У яна шундай деб ёзган эди:

Ҳаммамиз ҳаром бўлиб қолдик,
Яхши ишларимизнинг ҳаммаси ҳайз латталари кабидир.
Япроқлар каби сўлиб боряпмиз,
Айбларимиз шамол каби бизни учириб кетяпти. (Ишаё 64:6)

Биз Худо ва инсон табиатини тўғри тушуна бошлаганимизда, инсон ҳаётидаги ҳамма кўргуликлар унинг гуноҳкорлиги ва аҳмоқлиги натижасида содир бўлишини англай бошлаймиз. Инсоннинг ҳаётида юз берган барча яхши нарсалар эса, Худонинг инояти ва шафқати туфайли юз беради. Одатда, одамлар бу тушунчага қарши чиқишади. Улар тескарисини айтиб, ҳамма ютуқлар, баракатлар ва тараққиётни одамнинг истеъдоди ва буюклигига боғлашади. Фалокату кулфатлар юз берганда эса, ҳеч иккиланмай Худони айблашади.

Барча яхшилик Худодан келишини, ёмонлик ва ноҳақлик эса инсоннинг гуноҳкорлиги натижасида юз беришини тан олмаган одам Худонинг Кимлигини билмайди, инсон табиатини ҳам тушунмайди. Кўпинча биз реал воқеликни кўра олмаганимиз учун ҳаётимизда юз берадиган баъзи нохуш ҳодисаларни кўргулик деб биламиз. Аслида эса, бу ҳодисалар Худо тузган баркамол режанинг ифодаси бўлади. Мисол қилиб, Гўлготадаги хочни олсак бўлади. Исо хочда жон берган куни биз Исонинг шогирдлари ўрнида бўлганимизда эди, Исонинг ўлимини фожиа деб қабул қилган бўлардик. Уч кундан кейин, якшанба куни аёллар Исонинг қабри бўш эканини кўрганларида, яна бир нохуш ҳодиса юз берган, деб ўйлаган эдилар. Агар биз ҳам уларнинг орасида бўлганимизда эди, улар каби “Исонинг жасадини ўғирлаб кетишган”, деган фикрга борган бўлар эдик.

Бироқ 2000 йил ўтгач, хочни ва бўш қабрни биз фожиа деб эмас, ғалаба деб биламиз. Яқин одамимиз ҳаётдан кўз юмганда, биз буни фожиа деб қабул қиламиз. Худо эса шу каби оғир жудолик орқали Ўзининг юксак ва гўзал режасини амалга оширади.

Худонинг инсонга бўлган садоқати

Ишаё китобининг 40–66–боблари Масихга бағишланган. Бу боблардаги Худонинг баъзи ваъдалари Масихга, бошқалари эса Исроил халқига қарата айтилган. Аммо Муқаддас Рухнинг таъкидлашича, “Эгамизнинг режалари тоабат собит туради, Унинг ниятлари наслдан–наслга ўтиб боради” (Забур 32:11). Ишаё китобининг бу машхур бобларида Худо ва инсон табиати ҳақида ёзилган бўлса–да, биз бу боблардан ўз ҳаётимиз учун Худонинг кўп фойдали насихатлари ваъдаларини ўрганиб оламиз.

Ишаё китобининг 58–боб, 10–12–оятларида Худонинг бизга берган куйидаги ваъдасини диққат билан ўқиб чиқинг:

Очлар учун жон куйдирганингизда,
Мазлумларнинг жонига оро кирганингизда,
Нурингиз зулматда ҳам порлайди,
Энг қоронғу даврингиз ёп–ёруғ кундуздай бўлади.
Эгамиз доимо сизга йўл кўрсатади,
Қақраган ерларда ҳам жонингизга озик беради,
Шунда сиз суғорилган боғдай,
Сувлари қуримас булоқдай бўласиз.
Қадимги вайроналарингиз қайта тикланади,
Кўхна пойдеворларни қайта кўтарасиз.
Шунда сизларни: “Бузуқ деворни Тикловчи,
Кўчаларни қайта Қурувчи”, деб чақиради.

Сизнинг нурингиз зулматда порлайди. Худонинг Ўзи сизларга йўл кўрсатади. Ҳаётингизнинг қийин, қақраган дамларида, Эгамиз жонингизга ором беради. Сизлар келажакдаги кўп насллар учун асос бўласиз, аммо буларга етишиш учун бир шартни бажаришингиз даркор. Бу шарт — оч ва қийналган одамларга ўзингизни бағишлашингиздир. Агар қийналганларга ёрдам беришни сиз ўзингизга мақсад қилиб қўйсангиз, Худо ҳам Ўз навбатида сиз ҳаёлингизга ҳам келтирмаган даражада бекиёс барака беради.

Бу — Худонинг бизга бўлган содиқлигидир. Худо бизни севгани учун, Исонинг мукамал нажоти орқали бизни қутқаради. Биз ўзгариб, Исо Масихга ўхшаб борганимиз сари атрофдаги одамларнинг ҳаётига ижобий таъсир ўтказа бошлаймиз. Натижада уларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар рўй беради. Имонлининг ҳаётдан мақсади ҳам шу. “Шогирд орттиришининг” моҳияти ҳам шундан иборатдир.

Сизларга бир вазифа бермоқчиман. Ишаё китобининг 40–66 бобларини қайта кўриб чиқинг. Ўша бобларни уч марта ўқинг. Биринчи марта ўқиганингизда Худонинг табиати ҳақида ўрганиб олган ҳамма нарсани ёзинг. Иккинчи марта ўқиганингизда эса, инсон табиати ҳақида нималар ўрганганингизни ёзинг. Учинчи марта ўқиганингизда Худонинг инсонга бўлган садоқати ҳақидаги оятларни кўчиринг. Худонинг садоқати ҳақидаги мавзу сизни лол қолдиришига аминман. Худонинг буюклигини ва инсоннинг гуноҳга бўлган мойиллигини ўрганиб чиққанингиздан кейин Худонинг бизга бўлган меҳр–шафқати қанчалар бекиёс эканлигини кўрасиз.

Хушхабар ҳақида

Шогирдлик Исо Масихга бағишланишдан бошланади. Шогирднинг хоҳиш–истаклари Масихнинг хоҳиш–истаклари билан бир хил бўлади. Шогирд орттириш эса Хушхабардан бошланади. Бир одам шундай деган эди: “Масихий кишининг ҳаётдаги мақсади — жаннатни гавжум қилиб, дўзахни бўм–бўш қолдиришдир.”

Хушхабарни тарғиб қилишда Исо Масихнинг Ўзи бизни бошқариши керак. Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 4–бобида Исонинг қай тарзда Хушхабар айтганини кўрсак бўлади.

Имкониятдан фойдаланиш

4–оят: “Исо йўл-йўлакай Самариядан ўтиши керак эди.”

Исо Масих давридаги Фаластин юртининг харитасига қарасак, Қуддусдан Жалилагача энг қисқа йўл Самария орқали ўтар эди. Аммо одамлар бу йўлдан камдан–кам юришарди. Улар Самария орқали бормаи, Қуддусдан Иордан бўйига тушиб, эгри–бугри дарё қирғоғи бўйлаб Жалилага боришарди.

Яхудийлар самарияликлардан ҳазар қилишарди. Бунинг сабаби қуйидагича эди: Оссурия шохлиги шимолий Исроил юртини мағлуб қилганда, у ерда яшаган Исроилнинг ўнта қабиласини сургун қилган эди. Юртда қолиб кетган одамлар бошқа халқлар билан чатишиб кетиши натижасида самарияликлар вужудга келган эди. Шу сабабдан яхудийлар улардан ҳазар қилиб, улар билан ҳатто мулоқот қилишни истамас эдилар. “Оқсуяк” яхудийлар самарияликларга дуч келмаслик учун ҳар қандай узоқ масофани босиб ўтишга ҳам тайёр эдилар.

Исо эса Самарияга бормоқчи бўлди. Нима учун? Нега У жирканч самарияликларнинг худудидан ўтмоқчи бўлди? Чунки Хушхабар ҳамма халқлар учун эканлигини У кўрсатмоқчи эди. Худонинг хабари фақат танланган одамлар учунгина эмас, у ҳар бир эркак, ҳар бир аёл, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ва ҳар бир ирқ учун мўлжалланган.

Масихга бағишланган ҳар бир шогирд бундан ўзига сабоқ олиши керак. Халқларга нажот хабарини етказишни — шогирд ўзига мақсад қилиши керак. У Нажоткоримиздан ўрнак олиб, “солиқчи ва гуноҳкорларнинг дўсти” бўлмоғи даркор. Афсуски, кўп имонлилар “дунёдан йироқ бўлишни” “дунёвий одамлар” билан алоқаларни узиш, деб тушунишади. Хушхабарни ёйиш — дунёвий одамлар билан дўст бўлишдан бошланади. Шогирд Муқаддас Китобдаги қонун–қоидаларга сидқидилдан риоя қилиши керак, бироқ одамларнинг ўзларича ўйлаб топган қоидаларини бажаришга мажбур эмас.

9–оят: Самариялик аёл Унга шундай деди: “Яхудийлар самарияликлар билан алоқа қилмайдилар.”

Масих бу аёлга мурожаат қилиши билан: “Мен бутун дунё билан алоқа қиламан” – деган маънони англатаётган эди.

Исо Ёқубнинг кудуғига етиб борганида, ниҳоятда чарчаган ва чанқаган эди (6–7–оятларга қаранг).

Унинг аҳволини тушуниш осон. У дам олиб, чанқоғини қондириши керак эди. Аммо У муҳтожлигини қондириш билан чекланиб қолмай, Хушхабар айтиш учун ўз аҳволдан фойдаланди.

Мен Юҳанно Хушхабарининг 4–бобидаги бу мавзуни ўқиганимда, виждоним анча қийналди. Чунки чарчаган пайтимда мен чарчоғимни баҳона қилиб, Хушхабар айтмайман. Шарқий қирғоқда бўлиб ўтган конференцияни мисол қилиб келтиришим мумкин. Шанба ва якшанба давомида мен тўрт ёки беш марта воизлик қилиб, ўнлаб одамларга интервью бергандим. Қаттиқ чарчаганимдан, бошқа ҳеч ким билан гаплашмоқчи эмасдим. Уйга қайтиб кетар эканман, самолётга биринчилардан бўлиб чиқдим. Ойна томонга ўтириб, ёнимга ҳеч ким ўтирмаслиги учун ёнимдаги ўриндиққа сумкамни қўйдим. Чарчоғимни баҳона қилиб, ҳеч кимга Хушхабар айтмадим.

Исо дам олгани ўтирганда, кудукқа сув олгани келаётган бир самариялик аёлни кўриб қолди. Буни “яхши имконият” деб ҳам айтиб бўлмас эди, чунки бу аёл самариялик эди. Исо эса — яҳудий. Яҳудийлар самарияликлар билан алоқа қилмас эдилар. Бундан ташқари у — аёл, Исо эса эркак эди. Эркаклар аёллар билан мунозара қилмас эдилар. У аёл фоҳиша эди. Исо эса — солиҳ одам. Солиҳлар бузуқлар билан гаплашмасдилар. У аёлдан ҳамма юз ўтирган эди. Исо эса донг таратган Устоз эди. Бу аёл беобрў ва шарманда эди. Исо эса бу аёл билан гаплашиб, Ўз шаънига доғ тушуриши мумкин эди.

Бир куни мен кичкина бир самолётда сафарга кетаётган эдим. Самолётдаги жойимни эгаллаганимдан кейин, чамаси олтмиш ёшдан ошган, тўлачадан келган бир аёл менинг ёнимга ўтирди. Кўринишдан у хушчақчақ ва хушмуомала эди, у ҳамма билан кулиб гаплашар, ҳазил–хузул қиларди.

Жойига ўтирганда мен унга: “Жуда бахтли аёл экансиз–а!” — дедим. У мен томон энгашиб, кўлини елкамга қўйди–да: “Қанчалар бахтсиз эканимни сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз” — деди, — “Менинг бир дунё пулим бор, аммо эрим қазо қилган. Яқин дўстларим ҳам йўқ. Яшашдан мақсадим қолмаган.”

Бу аёлнинг кўринишидан у Масихнинг Хушхабарига муҳтож эканлигини ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган бўлардим. Аммо у юрагини тўкиб сочганда, унга қанчалар Масих кераклигини англадим. Кўринишдан Хушхабар учун “ёмон имконият” бўлиб туюлган бу вазият, аслида аъло имконият эди.

Хушхабар айтишнинг қодалари

Раббимизнинг ҳаётидан биз Хушхабар айтишнинг бир қатор усулларини ўрганиб олишимиз мумкин. Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 4–бобидан саккизта усул эътиборга лойиқдир. Булар ҳақида мулоҳаза қилар эканмиз, онгимиз зийраклашиб, Муқаддас Китобдан янгидан–янги усулларни ҳам топишимиз мумкин.

1. Ёрдам сўранг, шунда имкониятга йўл очилади

Шу вақт самариялик бир аёл сув олгани келиб қолди. Исо унга: “Менга ичгани сув бер,” — деди (Юҳанно 4:7).

Бошқалар биздан миннатдор бўлишини ҳаммамиз ёқтирамыз, чунки шунда ўзимизни муҳим ва керакли деб ҳис этамыз. Зотан инсон табиати шундай тузилган. Исо самариялик аёлдан сув сўраганда, унинг муҳим ва керакли эканлигини кўрсатди. Исо Ўзининг муҳтожлигини аёлга айтиши орқали шундай бир муҳит яратган эдики, аёл ўзини эркин сезиб, ўз муҳтожликлари ҳақида ҳам тортинмай гапира оладиган бўлди.

Университетга ўқишга кирган бир йигит биология дарсида гўзал бир курсдоши билан танишди. Кўп йигитлар у қизнинг кўнглини олишга ҳаракат қилишарди, аммо ҳеч бири уддасидан чиқа олмас эди. Бу йигит бошқача йўл тутишга қарор қилди. Бир куни у қизнинг олдига бир илтимос билан борди: “Жемпиримнинг тугмаси тушиб қолди, уни тикиб бера

олмайсизми?” — деб сўради. Қиз рози бўлди. Қилган яхшилиги учун йигит уни миннатдорчилик сифатида ресторанга таклиф қилди.

Бирорта одам билан дўст тутинмоқчи бўлсангиз, ўша одам қанчалар муҳим эканлигини турли хил йўллар билан кўрсатишингиз мумкин. Мисол учун, тоғда чанғи учаётганингизда ёнингиздаги одамга: “Мутахассис эканингиз кўриниб турибди. Чанғини яхшироқ уча олишим учун менга ҳам бир–иккита сирини ўргатиб қўйинг.” — деб айтишингиз мумкин. Уй бекаси ҳам худди шундай йўл тутиши мумкин, у кўшнисидан бирор овқатнинг рецептини ёки бошқа бирор бир нарсани сўраши мумкин.

2. Ҳар бир одамга тўғри ёндашинг

Исо аёлга деди: “Худо сенга қандай инъом бермоқчи эканлигини ва сендан сув сўраган Одам ким эканлигини сен билмайсан. Билганингда эди, ўзинг Ундан сув сўраган бўлар эдинг ва У сенга ҳаётбахш сувни берган бўларди” (Юҳанно 4:10).

Исо бу аёлга инъомни таклиф қилиб, уни қизиқтириб қўйган эди. Камдан–кам одам бундай таклифни рад эта олади.

Тўйимиздан кейин озгина вақт ўтар–ўтмас хотинимнинг туғилган куни бўлди. Мен хотинимга совға қилиш учун чиройли биллур идиш сотиб олдим. Совгани машинаминг багажиди қолдирдим. Кечкурун совға берадиган фурсат етиб келганда эса, хотинимга: “Сен учун чиройли совға олиб қўйдим” — дедим. Хотиним совғага шунчалик қизиқиб қолган эдики, уни олиб келмагунимча ҳол–жонимга қўймади.

Раббимиз Исо қайси одамга қай йўл билан ёндашиш кераклигини жуда яхши биларди. Юҳанно Хушхабарининг 3–бобида Исонинг Никодим билан қилган суҳбати ҳақида ёзилган. Никодим дин арбоби бўлгани учун Исо унга илоҳиёт томонидан ёндашиб: “Сиз қайтадан туғилишингиз керак” — деб айтганди.

Бир куни машҳур Библия ўқитувчиси Х. Клей Трамбл, поездда кетаётган эди. Унинг ёнида ўтирган йўловчи вискини очиб, Трамблга ҳам ҳўплашни таклиф қилди. Трамбл рад этди. Бир неча дақиқадан сўнг, йўловчи вискини яна таклиф қилди. Трамбл яна рад этди. Йўловчи учинчи бор вискини таклиф қилганда, шундай деди: “Кўп ичаётганим учун мени ёмон одам, деб ўйлаётган бўлсангиз керак–а?!” — деди.

“Йўк, — деб жавоб берди Трамбл. — Менга ҳа деб ичишни таклиф қилганингиз учун, боядан бери сизни жуда саҳий одам, деб ўтирибман.” Бу сўзлар йўловчининг қалбини шунчалик очдики, улар манзилга етиб бормасларидан олдин йўловчи Исони Нажоткор сифатида қабул қилди.

3. Фақат сиз хоҳлаган саволларга жавоб беринг, қолганларига эътибор қилманг

Самариялик аёл Исога: “Сиз яҳудий бўлсангиз, мен эса Самариялик аёл бўлсам, қандай қилиб мендан сув сўрашга журъат этдингиз?!” — деб айтган эди (Юҳанно 4:9). Аммо Исо бу ҳақда гапиришни истамай, гапни бошқа томонга буриб кетди. Сўнг 20–оятда самариялик аёл қаерда сажда қилиш ҳақидаги масалани кўтарди. Бу масалада ҳам яҳудийлар билан самарияликлар бир–бири билан келиша олмас эдилар. Аммо бу сафар Исо аёлнинг саволига жавоб беришни лозим топди.

Хушхабар айтганингизда, муҳим саволларга эътибор бериб, ўшаларга тўхталинг. Муҳим саволлар одатда Худони билиш ҳақида бўлади. Исо аёл билан гаплашганида аёлнинг муҳтожликларига эътибор берарди, қолган саволларга эса вақтини сарфлаб ўтирмасди.

Сизлар одамлар билан Масих ҳақида гаплашганингизда, турли хил саволлар пайдо бўлади. Мисол учун, баъзи одамлар сиздан: “Муқаддас Китобда, туғишган синглингга уйланма, деб айтилган бўлса, унда Қобил кимга уйланган?” — ёки — “Нажот хабарини умрида эшитмаган одамлар жаннатга борадими ёки дўзахгами?” — деб сўрашлари мумкин.

Авваламбор, берилган савол қай даражада муҳим эканлигини аниқланг. Баъзи одамлар учун бу савол ниҳоятда муҳим бўлади, бошқалар эса шунчаки гапни асосий масаладан олиб қочиш учун савол беришади. Саволнинг муҳим ёки муҳим эмаслигини билиш учун, савол берган одамга шундай десангиз кифоя: “Бу саволнинг жавобини билсангиз, Масихга бўлган муносабатингиз ўзгариб қоладими?” Агар одам “йўқ” деб жавоб берса, демак бу савол муҳим эмас. Ҳақиқатан ҳам муҳим бўлган савол одамни Худога яқинлаштиради. Борди-ю, одам “ҳа” деб жавоб берса, демак, қўлингиздан келганча ўша саволга жавоб беринг. Агар жавобни билмасангиз: “Жавобни билмайман”, — деб тўғриси айтиб қўя қолинг. Лекин: “Ўша саволга жавоб топаман”, деб ваъда қилинг.

4. Одамнинг дардини билишга ҳаракат қилинг, шунда унинг муҳтожлигини аниқлай оласиз

Самариялик аёл Исонинг сув олишга ҳеч нарсаи йўқлиги ҳақида гап бошлаганида, Исо унга:

— Бориб, эрингни бу ерга чақириб кел, — деди.

— Менинг эрим йўқ, — деди аёл.

— Эрим йўқ, деб сен тўғриси айтдинг, — деди Исо. — Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас. Сен тўғриси айтдинг! (Юҳанно 4:16–18)

Шу гапи билан Исо аёлнинг шахсий дунёсини батамом фoш этган эди.

Худо инсонни ўзгартира олиши ҳақидаги яхши хабар — Хушхабардир. Бу Хушхабар ҳар қандай инсоннинг дардига малҳам бўла олади. Шунинг учун биз бировга Хушхабарни тарғиб қилганимизда, авваламбор, суҳбатдошимизнинг дардини билишимиз керак. У бизга ўз юрагини очиб, дардини айтиши учун керакли шарт–шароит яратишимиз даркор.

Сиз йўлда кетаётганингизни бир фараз қилинг. Ғоибдан олдингиздан бир нотаниш одам чиқиб қолиб, сизга ёпишганча: “Кўринишинг яхши эмас. Мен билан юр! Сени ўзим операция қилиб, даволайман” — деса, нима қилган бўлардингиз? Мен бўлганимда, ўнг–сўлимга қарамай, қочган бўлардим.

Биз ҳам Хушхабар айтганимизда ўзимизни ўша одамдай тутмайлик. Кўчада дуч келган одамнинг олдига бориб: “Дўстим, нажот олмоқчимисан?” — деб айтишингиз яхши эмас. Ундан кўра ўша одам билан яқинроқ танишишга ҳаракат қилинг. Унга Исо Масих ҳақида айтишингиздан олдин унинг ҳаёти билан қизиқинг. Унинг дарди нима, ўй–хаёли нима билан банд эканлигини билинг.

Бир неча ой олдин мен татилдан ўқишга қайтиб келган бир талаба қиз билан гаплашиб қолдим. Суҳбатимиз давомида қиз социалогия факультетида ўқиётганини айтди. У жамиятшунос бўлишни хоҳлар экан. “Нимага бу йўланишни танладингиз?” — деб сўраганимда, “Одамларга ёрдам бермоқчиман”, — деб жавоб берди у. Шунда мен: “Жамиятимизнинг энг катта муҳтожлиги нимада?” — деб сўрадим. Бу савол жуда қизгин ва чуқур мулоҳазаларга йўл очиб берди. Суҳбатимиз давомида мен ўша талаба қизга Хушхабарни айтишга муваффақ бўлдим.

5. Қанчалик қийин бўлмасин, доимо ҳақиқатни айтинг

“Сизлар — самарияликлар кимга сажда қилаётганингизни билмайсизлар, бизлар эса кимга сажда қилаётганимизни биламиз. Чунки нажот яхудийлардан келади.” (Юҳанно 4:22). Яхудийлар, нажот улар орқали келишига ишонганлари учун, самарияликлар улардан юз ўгирганди. Агар самариялик аёл Исонинг бу гапини аввалроқ эшитганида эди: “Войбўй, кетворган яхуйдий экан—ку бу! Ўзича ҳамма нарсани биламан деб ўйлайди—я?!” — деган фикрга бориши мумкин эди. Аммо Масихнинг қатъият билан айтган гаплари аёлга кучли таъсир қилган эди. У Масихнинг шахсиятига ишчонч ҳосил қилиб, Унинг Нажоткор эканлигини тан олди. Агар биз ўзимиз ишонган ҳақиқат ҳақида мужмал гапирсак, тингловчилар гапларимиздан шубҳаланиб қоладилар.

Баъзи пайтларда масихийлар Худонинг қилган ишларидан уялиб қоладилар. Кўпинча имонсизлар шундай савол беришади: “Нимага Эски Аҳд даврида Худо бутун халқларни қириб ташлар эди?” Бизга шундай савол беришганда, биз ичимизда: “Нима десам экан? Худони қандай оқласам бўларкан?” — деб ўйлаб қоламиз.

Сизлар Хушxabар айтганингизда, баъзи одамлар тик кўзингизга қараб туриб: “Исо Масихга ишонмаган одам дўзахга тушадими?” — деб сўраб қолиши мумкин. Сиз бу саволга нима деб жавоб берасиз? Ўзингиз ишонган ҳақиқатни айтасизми ёки гапни буриб кетасизми?

Аммо бу дегани — илоҳий ҳақиқатни гапирганимизда одамларни қандай бўлмасин ўз фикримизга ишонтиришимиз керак, дегани эмас. Аксинча, камтар, сабр—тоқатли ва юмшоқ бўлишимиз керак (2 Тимўтий 2:24–25га қаранг). Шу билан бирга одамларга ҳақиқатни айтишга интилишимиз лозим.

6. Имкон қадар суҳбатдошингизнинг гапини қўллаб—қувватланг

Бу қоида 5—рақамдаги қоидани мувозанатга келтиради. Яхудийлар билан самарияликлар “Худого қаерда сажда қилиш керак” ҳақидаги оддий масалада ҳам келиша олмас эдилар (Юҳанно 4:20–24). Масих аёлнинг гапини иложи борича қўлламоқчи бўлиб, шундай деди: “Гапингда жон бор. Аслида Худого на бу тоғда, на Куддусда сажда қилишади. Худо Рухдир ва биз Унга руҳда ва ҳақиқатда сажда қиламиз.”

Бир дўстим ўз оғайнисига Хушxabар айтаётганида, оғайниси унга: “Мен католикман сен эса протестантсан”, деб гапни тўхтатмоқчи бўлди. “Қизик, — деди дўстим, — сен католик бўлсанг ҳам, бошқа протестант оғайниларимдан кўра сен билан яхшироқ чиқишаман.” Бу гапи билан у оғайнисининг кўнглига йўл топиб, суҳбатни давом эттирди.

7. Мавзудан четлашманг

Исо самариялик аёлга: “Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас.” — деб айтганида, аёл гапни буриб юборди. У шахсий масаладан илоҳиётга оид масалага кўчиб, сажда ҳақидаги мавзуни кўтарди. У илоҳиёт ҳақида берган саволи билан ўз ахлоқига оид мавзудан қочди.

Одамларга Масих ҳақида гапирганингизда, улар юракларини очишни бошлаганларида, бирданига шахсий қарорлардан қочиб, гапни бошқа мавзуга буриб юборишлари мумкин. Бундай вазиятда улар одатда шундай савол беришади: “Масих ҳақидаги Хушxabарни бирон марта эшитмаган одамларнинг ҳоли нима бўлади?”

Аммо мавзудан четлашмасликка ҳаракат қилинг. Суҳбатдошингизни секингина мавзуга қайтариб: “Ҳозир гап Хушxabарни эшитмаган одамлар ҳақида эмас, сиз ҳақингизда кетяпти. Мана, сиз Хушxabарни эшитдингиз, бу ҳақда сизнинг қарорингиз нима?” — деб сўранг. Борди—ю, суҳбатдошингизни юқоридаги савол ҳақиқатан ҳам қизиқтираётган бўлса, кўлингиздан келганча бу саволга жавоб топиб беринг (3—қоидага қаранг).

8. Сезгир бўлинг, инсон ҳаётидаги Муқаддас Рухнинг ишига эътибор қаратинг

Исо Масих самариялик аёлни менсимаслиги мумкин эди, аммо бундай қилмади. У аёл билан суҳбат қуриб, айтилган гаплар борасида мулоҳаза қилишига имкон берди. Агар бу хикояни эътибор бериб ўқисангиз, аёл ўз ташаббуси билан нажот олмоқчи бўлди, Исо уни мажбурламади. У ҳақиқатан ҳам бу нажотни ўзи хоҳлади.

Ҳаворийлар китобининг 2–боб, 36–38–оятларида шунга ўхшаш бошқа бир вазиятни кузатишимиз мумкин. Ҳосил байрами куни Бутрус ҳалойиқ олдида нутқ сўзлади. У одамларга “Масихни Нажоткорингиз сифатида қабул қилинглари”, деб айтмаган эди. Одамларга нима қилишлари кераклигини демаганди. Бутрус ўз нутқида Исонинг Нажоткор эканлигини таъкидлади. Унинг нутқи одамларни ларзага солди. Муқаддас Рух уларнинг қалбларида ишлагани учун, улар нажотни қабул қилдилар. Бутрус уларни мажбурламади. Улар ташаббусни ўз қўлига олиб, Бутрусдан: “Биродарлар, энди биз нима қилайлик? — деб сўрадилар.

Бутрус уларга шундай жавоб берди: “Тавба қилинглари, ҳар бирингиз Исо Масихнинг номи билан сувга чўминглари, токи гуноҳларингиз кечирилсин.”

Одамлар билан Масих ҳақида суҳбатлашаётганингизда, уларнинг Масихга бўлган муносабатидан қалблари қанчалик очиқ ёки ёпиқ эканлигини билишингиз мумкин. Буни самариялик аёлнинг мисолида кўрсак бўлади. Бошида у Масихни “яхудий”, деб чақирган (Юҳанно 4:9). Сўнг, Унга “Ҳазрат!” деб мурожаат этган (Юҳанно 4:11). Ундан кейин “пайғамбар” деган (Юҳанно 4:19). Ниҳоят, Уни “Масих”, деб тан олган (Юҳанно 4:29).

Ишингизни сидқидилдан бажаринг

Исо Худонинг иродасини Ўзига озуқа деб биларди. У фақат Худони мамнун қилиш ҳақида ўйлар эди. У шогирдларига шундай деганди: “Менинг овқатим — Мени Юборганнинг иродасини адо этиш, Унинг ишини тугатишдир. Сизлар: “Экинлар тўрт ойда етилади”, деган иборани ишлатасизлар. Мен эса сизларга айтаман: Кўзларингизни очинглари! Экинзорларга қаранглари! Ҳосил етилган, ўрим–теримга тайёр бўлган” (Юҳанно 4:34–35). Исо бу ерда Ўз инъомларини ишга солиш ҳақида сўз ҳам очмаган, “Менга одамлар билан вақт ўтказиш ёқади”, деб айтмаган. У бор–йўғи “Худонинг иродасини бажаряпман” деган.

Кўпинча масихийлар Хушхабар айтишдан бош тортишади. Улар: “Хушхабар айтишга қобилиятим йўқ” ёки “Хушхабар айтиш менга ёқмайди”, деб баҳона қилишади. Мен бундай одамларни тушунаман. Хушхабар айтиш — душманга қарши жанг қилиш билан баробардир. Муқаддас Китобда буни “руҳий жанг” деб аташади. Биз Хушхабар айтганимизда одамларнинг жонлари учун олишамиз, зулмат кучларига қарши жанг қиламиз. Жанг қилиш ҳаммага ҳам ёқавермайди, буни очиқчасига тан олишимиз керак.

Денгиз флотида хизмат қиладиган бир ҳарбий офицер менга шундай деган эди: “Денгизчиларни ҳарбий машғулотларга олиб чиқишни жуда яхши кўрардим. Парадларда қатнашиш менга ёқарди. Бироқ Вьетнамга борганимдан кейин, жангда кўп одамларимни йўқотдим. Уруш қанчалик даҳшатли эканини ўша ерда билдим. Урушдан ҳазар қиламан.”

Жисмоний жанг қай даражада даҳшатли бўлса, руҳий жанг ҳам шу даражада даҳшатлидир. Агар сизга жанг қилиш ёқмаса, сизни тушунаман, менга ҳам жанг қилиш ёқмайди. Камдан–кам одамга бу иш ёқиши мумкин. Аммо бизга ёқадими, ёки йўқми, биз Хушхабар айтиб, жанг қилишимиз керак.

Ўзимизга фақатгина бир савол беришимиз мумкин: Хушхабар айтишимиз Худонинг иродасими ёки йўқми? Муқаддас Китобга асосланиб айтишимиз мумкинки, бу — Худонинг иродаси. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Шогирд орттириш хизмати Хушхабар айтишдан бошланади.

6–БОБ

Шогирд орттириш ҳақида

Ҳозирги замонда содиқ одамларга талаб ниҳоятда катта. Ижтимоий ташкилотларнинг аксарият қисми ўз сафига қўшилган одамларнинг сони билан мақтанади. Одамлар Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятларига, ёшларнинг Скаут ташкилотига, аёллар муассасасига ёки турли хил бошқа ташкилотларга ўз ҳаётини бағишламоқдалар. Шуниси етмагандай, кундан кунга жамиятимиз Худодан узоқлашиб, мол–дунёга берилиб кетмоқда. Театр, шаҳар клуби, от чоптириш, телевизор, футбол ва бир дунё бошқа спорт турлари вақтимизни олади.

Бугунги кунда ёш йигит бирон ташкилотда каттароқ лавозимга эришмоқчи бўлса, у ўзини бутунлигича ўша ташкилотга бағишлаши керак. Бунинг учун кунига саккиз соат, ҳафтасига олти кун тинмай ишлашининг ўзи етарли эмас. У турганда ҳам, ётганда ҳам, нафас олганда ҳам ташкилотнинг манфаатини кўзлаб, иш тутиши керак.

Бундай рақобат даврида Исо Масихнинг чақирғи янада қатъийроқ тус олади. Исо шундай дейди: “Кимда–ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб, орқамдан юрсин.” (Лука 9:23). Бугун ҳам Исо, ҳар доимгидай, содиқ шогирдларни чорламоқда. Фақат якшанба куни жамоатга келиб, қолган пайти эса ўз билганидан қолмай, хоҳлаганича яшаб юрган одамларни Исо шогирд деб атамайди. Зеро Исонинг ҳақиқий шогирдлари бу дунёнинг қадриятлари бўйича яшмайдилар, дунё оғушидан ўзларини олиб қочадилар. Улар дунёда яшашади, аммо бу дунёга тешли эмаслар. Улар фақат Исони ўз Хўжайини деб билишади. Ҳаётларини бошқаришни фақат Исога ишониб топширишади. Уларнинг вақти, пули ва маблағи қаерда ва қачон сарф қилинишини Исо белгилайди.

Исо Масихнинг элчилари сифатида биз Исо учун шогирдлар орттиришга чақирилганмиз. Биз шогирд орттитар эканмиз, баъзан оддий, аммо кўпинча назардан четда қоладиган қоидаларга риоя қилишимиз керак. Китобнинг олдинги бобларида биз Худога хизмат қиладиган одамнинг фазилатлари ҳақида сўз юритган эдик. Бу ерда эса биз шогирд орттиришда эътиборга лойиқ бўлган баъзи қонун–қоидаларга тўхталиб ўтамиз. Мен сизларга узундан–узун қоидалар рўйхатини бермоқчи эмасман, шунчаки сизларни мулоҳаза қилишга ундамоқчиман.

1. Одамлар ташкилотга эмас, мақсадга содиқ бўлишлари керак

Ташкилот қанчалар катта бўлмасин, Худо учун юксак қадриятга эга эмас. Худо мақсад беради. Ташкилот эса ўша мақсадга хизмат қилиши даркор. Ташкилот деганда, мен ташкилий ҳаракатни назарда тутяпман, бу — имонлилар жамоати бўлиши мумкин, масиҳий ташкилот ёки жамоат ичидаги кичкина бир гуруҳ, мисол учун, аёллар гуруҳи, ёшлар гуруҳи ёки табиркор эркаклар гуруҳи бўлиши мумкин.

Биз бошиданоқ ташкилот очмаймиз, ташкилот учун президент, вице–президент, котиба ва ҳоказоларни ёлламаймиз. Аксинча, биз Худонинг иродасини бажаришга ҳаракат қиламиз. Худо ишимизга барака бериб, кенгайтириб юборганда, зарурият туғилган пайтдагина ташкилот очамиз.

Исонинг шогирди ташкилотнинг муваффақиятини кўзлаган ҳолда, одамлардан садоқатни талаб қилиши нотўғри. Бундай қилмаслик учун у жуда эҳтиёт бўлиши керак. Кўп имонлилар бу тузоққа тушиб қолишади. Мисол учун, бизнинг жамоатимизда якшанба кундаги мактабда болалар сони камайиб қолса, жамоат оқсоқоллари болаларни мактабга олиб келиш учун машинани ташкил қилишади. Четдан қараганда, бу гўё ёрдамга ўхшайди, аслида эса, жамоатга келган одамларнинг сони биз учун шунчалик муҳимки, Худонинг одамлар ҳаётида ишлаши эмас, келган одамларнинг сони бизни кўпроқ қизиқтиради. Агар биз бутун эътиборимизни одамларнинг дардини енгиллаштиришга қаратсак, одамларнинг сони ўз–ўзидан кўпайиб бораверади.

Исо шундай деганди: “Мен ердан юқорига кўтарилганимда, ҳаммани Ўзимга жалб қиламан.” (Юҳанно 12:32). Кейинги оятда Юҳанно Исонинг айтган бу сўзларининг маъносини тушунтириб, Исо Ўз ўлими ҳақида гапирганини айтади. Бу оятларда ўзгармас ҳақиқат битилган. Демак, биз ўз хизматимиз орқали Исони улуғлаганимизда Исонинг Ўзи одамларни жалб қилади.

Бир куни мен Юқори Мичигандаги жамоат йиғилишига қатнашишга муяссар бўлдим. Ҳар йили одат бўйича, жамоат чўпони жамоат оқсоқоллари билан бирга жамоатдаги хизмат гуруҳларни текшириб чиқишарди. Улар хизмат гуруҳларни икки босқич асосида баҳолашарди: 1) Танлаган мақсаднинг талабга мувофиқлигини. 2) Мақсадга қай даражада эришганларини.

Агар бирорта гуруҳ бу икки босқичнинг бирортасидан ўта олмаса, гуруҳ тарқатиларди. Нақадар яхши фикр! Қанийди, бу қондани ҳамма жамоатларга тадбиқ қила олсак. Бу ишимиз билан жамоатларни соғломлаштиришга катта ҳисса қўшган бўлар эдик.

Бир аёл жамоат юборган миссионерлар учун ибодат қилишга қарор қилди. У ҳафтада бир марта аёлларни йиғиб, ибодат қиладиган бўлди. Биринчи ҳафта улар Жоунз хонимникида йиғилишганларида, Жоунз хоним турли хил пишириклар билан уларни меҳмон қилди. Кейинги ҳафта улар Смит хонимникига борганларида, Смит хоним Жоунз хонимдан қолишмай деб, дастурхонни чиройлироқ қилиб безатди. Ҳафталарга ҳафталар, ойларга ойлар улашиб, йиғилишда ибодатдан кўра еб–ичиш биринчи даражага чиқди. Аёллар дастурхон атрофида кўпроқ ўтириб қолишадиган бўлишди, ибодатга эса камроқ вақт сарфланарди. Бу ибодат гуруҳи яхши мақсад билан хизматни бошлаган эди, аммо вақт ўтиб, аёллар асосий мақсаддан четлашиб кетдилар.

Мен бир неча марта ҳарбий ётоқхона, барак ва землянкаларда аскар йигитлар билан суҳбат қуриб, уларга Масих ҳақидаги Хушхабарни айтганман. Кўпинча мен уларга Масих ҳақида гапирганимда улар: “Сиз қайси деноминациядансиз?” — деб мендан сўрашарди. Нима бало, биз одамларни ўз деноминациямизга шогирд қиляпмизми?! Одамларни Худога содиқ бўлишга чақиришимиз керак, ўз деноминация ёки ташкилотимизга эмас. Мен ўз тажрибаларимдан шуни ўргандимки, суҳбатдошларимиз бизнинг асл мақсадимизни жуда яхши тушунадилар.

2. Биз Худога эмас, Худо бизга илтифот қилишини одамлар билиши шарт

Ҳаворий Юҳанно бизга Исо билан юз берган қизиқ воқеани баён қилади. Ҳалойиқ Исо Масихни шоҳ қилмоқчи бўлди, аммо Исо уларнинг бу хоҳиши ёмон ниятга асосланганини сезиб, уларга ҳақиқатни очикчасига айтди. Юҳаннонинг ёзишича, “Ўша вақтдан бошлаб кўп

шогирдлар Исодан юз ўгириб, Унга эргашмайдиган бўлдилар. Шунда Исо ўн икки шогирдига юзланиб: ‘Сизлар ҳам кетмайсизларми?!’ — деди.” (Юҳанно 6:66–67). Бундай ҳолатни бир тасаввур қилиб кўринглар–а!

Ўша пайтда Исо Ўзига ачинди, деб ўйламайман. Йўқ, У яна бир бор шогирдликнинг баҳосига урғу берган эди.

Агар биз бу қоидага риоя қилмасак, бетайин, садоқатсиз одамларни шогирд қиламиз. Қонунлар китобининг 20–боб, 8–оятда Худонинг жангчига бўлган талаби ҳақида шундай ёзилган: “Орангизда кўрқувдан юрагини олдириб қўйган одам борми? Бор бўлса, уйига қайтиб кетсин. Бўлмаса биродарлари ҳам унга ўхшаб чўчиб қолади.”

Худога эргашиб ёки эргашмасликни одамнинг ўзи қарор қилади. Ҳамма Худога муҳтож, аммо Масих учун одамларнинг сони эмас, сифати, уларнинг чексиз садоқати муҳимроқдир. Биз ҳам Масихнинг элчилари сифатида Ундан ўрнатилган олишимиз керак.

Мен яшаган шаҳарчада имонлиларнинг бир жамоати бор эди. Бир куни мени у ерга воизлик қилишга таклиф қилишди, чунки чўпони сафарга кетган эди. Жамоат оқсоқоли менга кўнғироқ қилиб, бу таклифни берганда мен унга: “Керак бўлса, якшанба мактабида ҳам дарс беришим мумкин”, — дедим. Аммо у таклифимни рад этиб, мактаб учун ўқитувчи борлигини ишонтириб айтди.

Эрталабки йиғилишдан сўнг мен эшик олдида одамлар билан сўрашиб турар эканман, якшанба мактабининг муовини олдимга ҳаллослаб югуриб келди–да, кўлимга дарсликларни тутқизиб қўйиб: “Илтимос, ўсмирларимизга дарс ўтиб беринг. Жаноб Гриффин бугун келмабди,” — деди ўтинч билан.

Аммо мен унга тайёр эмаслигимни айтдим, чунки жамоат оқсоқоли билан гаплашганимда, у менга ўқитувчи борлигини айтганди. Мактаб муовини кетмоқчи бўлиб, араз билан ўгирилди. Унинг минғирлаб айтган шу сўзларини эшитдим: “Сиз дарс ўтмасангиз, ҳеч ким ўтмайди. Мен ҳам дарсга тайёр эмасман. Мен ҳам дарс ўтмайман!”

Мен дарсликларни қулочкашлаб турар эканман: “Нимага бундай нарса содир бўлди?” — деб ўзимга ўзим савол бердим. Мен бу ҳақда яна кўп ўйлаб юрдим. Кейин, бунга сабаб бир неча ой олдин юз берган воқеалар бўлса керак, деган фикрга келдим. Ўша пайтда мактаб муовини ўқитувчиларни ишга олмоқчи бўлиб юрганди. У кимдан илтимос қилмасин, ҳаммаси бирин–кетин: “Йўқ, мен мактабда дарс бера олмайман, кўлимдан келмайди”, — деб рад жавобини берарди.

Жаноб Элиотни мисол қилиб олишимиз мумкин. Аслида жаноб Элиот болаларни ўқита олади, бунга унинг кўзи етади. Агар мактаб муовини унга: “Жаноб Элиот, сиз болаларга дарс бера олмайсиз, бунинг учун билимингиз етарли эмас. Аммо ноилож қолганимиздан сиздан дарс беришингизни сўрамоқчимиз.” — деганда эди, Жаноб Элиот дарғазаб бўлиб жамоатдан чиқиб кетган бўларди. Жаноб Элиот болаларни ўқита олмаслигини шунчаки баҳона қилган, у бунинг учун вақтини ва билимини қурбонлик қилгиси келмаган.

Муовинга ҳамма рад жавобини бергандан кейин, у нима қиларини билмай, ялинишга ўтади. Шунда ниҳоятда бир одам рози бўлиб: “Хўп, бўпти! Сиз айтганингиз учун дарс ўтаман”, — дейди. Энди бир ўйлаб кўринг–чи, бу одамнинг дарсга муносабати қандай бўлади? У дарсга истар–истамас тайёрланади ва буни кино кўрган пайтида қилади. Хоҳласа дарсга келади, хоҳламаса йўқ, якшанба куни бошқа иш чиқиб қолса ўша ерга жўнайди.

Бизнинг садоқатимиз Нажоткоримизга хуш ёқади, содиқлигимиз Унга улуғворлик келтиради. Аммо садоқатимиз орқали биз Худога илтифот кўрсатяпмиз, деб ўйлашимиз нотўғри. Биз Унга эмас, У бизга илтифот қиляпти. Агар жамоатимиздаги хизматларда муносиб одамлар ишламаса, бундай хизматларни тўхтатишимиз керак. Жамоатдаги хизматларда номуносиб одамлар ишлагандан кўра, умуман ҳеч қандай хизмат бўлмагани яхшироқдир.

3. *Ўзингизни тадбиркорликка урманг, тадбиркор бўлиб етишинг*

Бу қоидага кўра, ҳар қандай ишни кичкина қилиб бошлаб, кейин уни аста–секин кенгайтириш керак. Шунда ишингизнинг асоси мустаҳкам бўлади. Агар бошидан катта нарсага ёпишсангиз, ишингизни мустаҳкам қилиб қура олмайсиз, қилаётган ишингизнинг кўриниши катта бўлгани билан ичи пуч бўлади. Тажриба орттириб, тадбиркор бўлиб етишган одам бутун эътиборини ва ҳаракатини бир мақсад сари йўналтира олади, ўзини тадбиркорликка урган, тажрибасиз одам эса бундай қила олмайди. У бутун куч–қувватини ҳар томонга сарфлайди (Ҳикматлар 24:27).

Мен сиз билан бирга кийик овига чиқмоқчи бўлдим, деб фараз қилайлик. Мақсадимиз иложи борича кўпроқ кийик овлаб келиш. Эрта саҳарда кенг бир майсазорда биз ўттиз–қирқтача кийикнинг ўтлаб юрганини кўриб қолдик. Бизнинг иккита милтиғимиз бўлиб, бири — 30,06 оптик мўлжалга эга, иккинчиси эса — автоматга ўхшаган милтик, бир отганда бир нечта ўқ узгани билан, фақат яқин масофага отади.

Мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб:

- Автоматни ишга сол! Ҳамма кийикларни отиб ўлдирамиз, — деб пичирлайман сизга.
- Йўқ! — деб пичирлайсиз сиз, — кийиклар узокда, автомат билан отсак, биронтасини ҳам ўлдира олмаймиз. Ундан кўра 30,06 мўлжалли милтиқдан фойдаланайлик, ҳеч бўлмаганда битта кийикни, омадимиз чопса — иккитасини ўлдирамиз.
- Вой, бу милтиқни ишлатсак, қолган кийиклар қочиб кетади–ку! — деб эътироз билдираман мен.

Шунда биз бир қарорга келишимиз керак бўлади. Биз учун нима муҳим? Биронта кийикни ўлдира олмасак ҳам, кийикларга тариллатиб ўқ узганимизми? Ёки бир–иккита кийикни ўлдириб, уйга олиб борганимизми (бу ҳолда қолган ҳамма кийиклар қочиб кетади)? Ишончим комилки, ҳаммамиз бир овоздан битта ёки иккита кийикни ўлдиришга муваффақ бўлишни танлаган бўлардик.

Хизматимизда ҳам биз доим мўлжалга аниқ уришимиз керак, шу билан бирга хизматимизни асрашимиз лозим. Бу икки ҳаракат худди томирларнинг уришидай муттасил бўлмоғи даркор. Бошида ўзингизга фақат бир–иккита шогирд олинг, бутун эътиборингизни ўшаларга қаратиб, ҳаётларига чуқур таъсир ўтказинг. Ўша шогирдларни мустаҳкам қилиб, ўстирганингиздан кейингина янги шогирдлар олишингиз мумкин. Нечта шогирдни эпласангиз, шунчасини олинг, ундан кўпини олманг.

4. *Иш — одам учун, одам иш учун эмас*

Эҳтиёт бўлинг, одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни шогирд қилманг. Бизнинг мақсадимиз одамларга ёрдам бериш, уларни ўз манфаатимиз учун хизмат қилдириш эмас.

Исо Масих бир ёш, бой ва бадавлат яҳудий бошлиқни учратганида, унга шундай деганди: “Борингизни сотинг, пулини камбағалларга тарқатинг... Кейин келиб, Менга эргашинг.” (Луқо 18:22). Масих Ўз хизмати учун ундан пул сўрамади, аксинча унга ёрдам бериб, пулпарастлик иллатида халос қилмоқчи эди.

Ибодат қилиб, шогирдингизнинг мухтожлигини аниқланг, сўнг унга ёрдам беринг. Унинг кўлидан нима иш келишини суриштириб, ундан биронта хизматни кутманг. Унинг қобилиятлари ва инъомларига эътибор беришнинг вақти келади. Бошида эса эътиборингизни шогирднинг мухтожлигига қаратинг. Исо учун одамнинг кўлидан нима келишидан кўра, унинг шахсияти муҳимроқ. “Сизнинг вазифангиз Худо яратган шахс бўлиш, қолган ҳамма ишни эса Худонинг Ўзи бажаради.”

5. Шогирдни ҳар томонлама ривожлантиринг

Ривожланиш — таълим–тарбия демакдир. Айримларингиз: “Биз шогирд орттириш ҳақида гаплашаётган эдик–ку, таълим–тарбиянинг бунга нима алоқаси бор?” деб айтишингиз мумкин. Ҳа, биз шогирд орттириш ҳақида гаплашаётган эдик, аммо масихийларнинг ҳаётида шогирд орттириш билан таълим–тарбия чамбарчас боғлиқ, биз яшаган жамиятимизда эса бундай эмас. Келинглар, сизларга бир мисол келтирай.

Бир йигит денгиз флотига ҳарбий хизматга бормоқчи бўлди. У хизматга ёзилганда, уни военкоматда мулойим бир офицер кутиб олиб, унга хизмат қилишнинг афзалликларини батафсил тушунтириб берди. Йигит шартномага қўл қўйиб, кемага етиб боргандан кейин уни сержант кутиб олди. Бу сержант дунёдаги энг ёмон, зулмкор одам эди. Йигит ўша заҳоти: “Нима қилиб қўйдим?!” деб ўйлайди. Аммо кеч эди, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмасди. Сержантни военкоматдаги офицер умуман қизиқтирмасди, сержант уни ҳатто танимас ҳам эди. Йигитни хизматга олган ва унга таълим–тарбия берган одамлар бошқа–бошқа эдилар.

Масихийлар орасида эса бундай эмас. Муқаддас Китобга кўра, Масихнинг армиясига қўшилган ҳамма аскарлар кўнгилли хизматчилардир. Улар шартнома билан боғлиқ эмаслар ва хоҳлаган пайтларида кетишлари мумкин. Масихнинг армияси сафига қўшилган ҳар бир шогирд таълим–тарбия олишни бошлайди. Шогирдларимиз, уларнинг манфаатини кўзлаётганимизни ва уларни ҳар томонлама ривожлантирмоқчи эканимизни улар билишлари керак.

Таълим–тарбия тушунчасини соддалаштириш учун, мен уни уч қисмга бўлдим: таълим бериш, амалда ўргатиш ва шакллантириш. Таълим бериш деганда, билим бериш назарда тутилган. Ўргатиш деганда, олган билимни амалда қўллашни ўргатиш назарда тутилган. Шакллантириш деганда эса, феъл–атворни шакллантириш назарда тутилган. Ҳар бир шогирд бу уч йўналишда ривожланиши керак.

Мисол учун, биз шогирдга Хушхабар айтишни ўргатмоқчимиз, дейлик. Биз ўтириб, унга Хушхабар айтишнинг турли усулларини кўрсатишимиз мумкин. У одамларга Масих ҳақида гапиришни ўрганади. Хушхабардаги турли мавзуларга оид калит оятларни ёдлайди. У ҳатто, Хушхабар айтишда қўл келадиган мисолларни ҳам ўрганиб олиши мумкин. Аммо бу билимлар Хушхабар айтиш учун етарли бўлармикан? Йўқ, чунки у тажрибада бу билимларни қўллаб кўрмаган, ҳеч кимга Масих ҳақида гапирмаган.

Энди биз шогирдга олган билимларини амалда қўллашни ўргатишимиз керак. Биз биргаликда Хушхабар айтишга чиқамиз, икковимиз ҳам ҳаяжонланамиз. У мендан ҳам кўпроқ ҳаяжонда, шунинг учун Хушхабар айтишни мен бошлайман, деб келишиб олганмиз. У фақат кузатиб туриши керак. У бир неча марта Хушхабар айтишимни кузатгандан кейин, мен уни ҳам суҳбатга тортаман. У Хушхабар айтишга анча кўникиб, тажриба орттиргандан кейин, суҳбатнинг асосий қисмини ўзи олиб борадиган бўлади. Бора–бора у Хушхабарни бошдан охиригача ўзи айтадиган бўлади, мен эса кузатаман. У Хушхабарни мендан ҳам яхшироқ айтишни ўрганиб олган бўлиши ҳам мумкин. Мана энди, унга Хушхабар айтишни ўргатиб бўлдим, деб айтсак бўладими? Йўқ, асло.

Шогирдингиз Хушхабар айтишни ипидан игнасигача ўрганиб олса ҳам, Хушхабар айтишни ёқтирмайди, дейлик. Балки у: “Одам барибир пешанасидагини кўради. Кимни қутқаришни ва кимни ҳалок қилишни Худонинг Ўзи билади.” — деган ғояга ишонардир. Бу ҳолда шогирд: “Хушхабар — Худонинг ташаббуси билан амалга ошади, У бизнинг ёрдамимизга муҳтож эмас”, — деб умуман Хушхабар айтишни ташлаб қўйиши мумкин.

Энди ривожланишда сўнги босқичга ўтадиган фурсат келди — шогирдимизнинг феъл–атворини шакллантиришимиз керак. Шогирднинг кадриятларини ўзгартиришимиз лозим, бу ўзгариш унинг бутун шахсиятига ижобий таъсир кўрсатади. Ривожланишнинг бу босқичи осон кечмайди, чунки одамнинг феъл–атворини шакллантириш унга билим беришдан ёки ўша билимни амалда қўллашни ўргатишдан анчагина мушкулдир. Инсоннинг

фeъл–aтвopини қандай қилиб шакллантириш мумкин? Унинг шахсиятига қандай қилиб таъсир ўтказиш мумкин? Қуйида бир нечта маслаҳатлар берилган:

- Шогирдда қайси фазилат етишмаса, Муқаддас Китобдан ўша фазилат ҳақидаги оятларни топиб, шогирдга ўргатинг. Худонинг назарида бу фазилат қандай афзалликларга эга эканлигини шогирдга кўрсатинг.
- Ўша фазилат кенг қўлланиладиган муҳитни яратинг. Агар шогирд Хушхабар кенг қўлланиладиган муҳитда бўлса, Хушхабар айтишни у ўзига одат қилиб олади.
- Энг муҳими — шогирд учун ибодат қилишингиз, унга етишмаган фазилатни Худонинг Ўзи унда шакллантиради.

Муқаддас Китобда Исо ҳақида шундай ёзилган: “Исо улғайиб, йиллар ўтган сари доно бўлиб борарди. У одамларнинг ҳам, Худонинг ҳам меҳрини қозонарди (Лука 2:52). Раббимиз болалигидан тўрт томонлама ривожланган:

ДОНО БЎЛГАН – ақлан

УЛҒАЙГАН – жисмонан

ХУДОНИНГ МЕХРИНИ ҚОЗОНГАН – руҳан

ОДАМЛАРНИНГ МЕХРИНИ ҚОЗОНГАН – ижтимоий томондан

Биз шогирд орттирганимизда уларнинг тўрт томонлама ривожланишига эътибор беришимиз керак. Шогирдларни ўстириш учун, биз ҳар томонлама мукамал мутахассис бўлишимиз лозим, дегани эмас. Бутун ривожланишни ўзимиз бошидан–охиригача бажаришимиз шарт эмас, шунчаки ривожланиш бўлаётганига ишонч ҳосил қилишимиз даркор.

Шогирдингизнинг ривожланишига жамоат ҳам ўз ҳиссасини қўшади, ахир, биз ҳаммамиз Масиҳнинг бир танасини ташкил қиламиз. Ишингизга керакли мутахассисларни жалб қилинг. Ўзингизнинг Тўмўтийингизни ривожлантираётган экансиз, худди болани ўстираётган ота–онадай, керакли бўлган ёрдам ва эътиборингизни ундан аяманг.

6. Меҳр билан койиш орасида мувозанат бўлсин.

Муқаддас Китобда меҳр–муҳаббат — энг кенг ёритилган мавзу ҳисобланади. Худо бизга меҳр боғлагани учун, биз ҳам бир–биримизга нисбатан меҳр–оқибатли бўлишимиз керак. Эсингизда бўлса, Масиҳ севгини шогирдликнинг белгиси, деб айтган эди: “Сизларга янги амр беряпман: бир–бирингизни севинглар. Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам бир–бирингизни шундай севинглар. Агар орангизда муҳаббат хумрон бўлса, ҳамма шундан сизлар Менинг шогирдларим эканингизни билиб олади.” (Юҳанно 13:34–35).

Биз Масиҳнинг шогирдлари эканимизни одамлар нимадан билиб олади? Ёд олган оятларимизданми? Ёки жамоатга тез–тез катнаб турганимизданми? Ёхуд биз имонга олиб келган одамларнинг сониданми? Йўқ, Масиҳ бизга шундай деган: “Агар орангизда муҳаббат хумрон бўлса, ҳамма шундан сизлар Менинг шогирдларим эканингизни билиб олади.” Демак, орамиздаги меҳр–муҳаббат одамларга бизнинг кимлигимизни намоён қилади.

Аммо бу меҳрда койишга ҳам ўрин топилиши керак. Имонлилар жамоатидаги энг катта камчиликлардан бири — бир–биримизнинг хулқ–aтвopимизга эътибор бермаслигимиз. Сулаймон пайғамбар бу мавзуни кўтариб, шундай деган: “Ошкора танбeҳ пинҳона меҳрдан яхшироқ. Душманнинг ширин сўзи эмас, дўстнинг калтаклаши садоқатни кўрсатади.” (Ҳикматлар 27:5–6).

Бир куни дўстим менга шундай деди: “Сулаймоннинг ҳикматларида танбeҳ ҳақидаги оятларни ўқидим. Энди Худога ибодат қилиб, ҳар ҳафта камида бир одам менга камчиликларим ҳақида айтсин, деб сўраяпман.” Бу осон нарса эмас, тўғрими?

“Мазах қилувчига танбeҳ берма, бўлмаса сендан нафратланади. Донога танбeҳ бер, шунда сени севади.” (Ҳикматлар 9:8). Нимага одамлар бизга танбeҳ беришдан кўркишади? Чунки

орадаги муносабатнинг бузилишини исташмайди, жанжал чиқишидан кўрқишади. Улар ҳаётимиздаги иллатларни кўрганларида бизга танбеҳ бермаслик учун ўзларини тутиб туришади, улар бизни доно эмас, мазахчи деб ўйлашса керак—да, шунинг учун шундай йўл тутишади.

Қачон охириги марта биронтаси олдингизга келиб, сизга камчилигингиз ҳақида айтган? Агар ҳеч ким сизга камчилигингизни айтмаган бўлса, бу камчилигингиз йўқ дегани эмас. Ҳар биримизда ўзимизга яраша камчилигимиз бор. Одамлар сизга ишонч ҳосил қилиб, ҳақиқатан ҳам доно одам эканингизга ишонганларидан кейингина, камчилигингизни айтишга журъат этишади.

Худонинг чексиз меҳри одамларни шогирдликка жалб этади. Муқаддас Китобга асосланган ҳақиқий меҳрда танбеҳга доим ўрин бўлади. Сидқидилдан Худони севган шогирд меҳрни ҳам, танбеҳни ҳам тўғри қабул қила олади. Танбеҳ олганда ўз ҳолига ачиниб, хафа бўлган одамни эса Масиҳ хизматга чорлай олмайди.

7. Одамларга хизмат қилинг, шу орқалигина уларни шогирдликка жалб қила оласиз

Етакчи аслида хизматкордир. Чести Пулларни кўпчилик “Жаноб Денгизчи”, деб қақиради. У бир марта шундай деган эди: “Денгиз флотида бизга буйруқ берадиган эмас, етакчилик қиладиган одам керак. Бошлиқ одамларга буйруқ беради, етакчи эса ўзи намуна кўрсатиб, қилган иши орқали одамларга қандай йўл тутиш кераклигини ўргатади.

Шогирд орттиришда бу энг қийин масалалардан биридир. Бошқаларнинг бизга хизмат қилиши ҳаммамизга ёқади, аммо энг шимариб бошқаларга хизмат қилиш ҳаммага ҳам ёқавермайди. Бошқаларга хизмат қилиш одамларни шогирдликка чорлашнинг ягона йўлидир. Ўз хоҳиши билан бировга хизмат қилаётган одамни кўришдан ҳам кўра кўпроқ хайратга соладиган нарса борми?! Охириги марта қачон хотинингизга идишларни ювишда ёрдам бергансиз ёки уйдаги бошқа юмушларни бажаргансиз? Болангизга ёрдам бериш учун қачон охириги марта унинг тўшагини йиққансиз? Қачон хонасини йиғиштиришга ёрдам бергансиз?

Худонинг Каломини ўқиган одамлар ўзларини хизматчи деб атагиси келади, аммо амалда ҳеч ким хизматкордай хизмат қилишни хоҳламайди, шунингдек, бошқалар ҳам унга нисбатан хизматкордай муносабатда бўлишини истамайди. Бу иллатимиз худбинлигимизга асосланган ва биз ундан холи бўлишимиз керак.

8. Хоҳлайсизми, йўқми сиз тарбиялаган одам ўзингизга ўхшаган бўлади

Муқаддас Китобдаги қўзимизни очадиган ҳақиқат шудир. Ҳаммамиз ҳам Павлусга ўхшаб: “Мендан ўрناق олинглар!” деб айта олмаймиз, биз дин қобиғига бурканиб олиб, ўзимизга ва шогирдларимизга шундай деймиз: “Павлус айтган бу сўзларни мен айта олмайман, сизлар мендан эмас, Масиҳдан ўрناق олинглар”. Аслида эса биз хоҳлаймизми, йўқми шогирдларимиз биздан ўрناق олишади.

Сиз биродарингизга имонда ўсишга ёрдам берганингизда у табиий тарзда, худди, фарзанд ота—онасига тақлид қилгандай сизга тақлид қилади. У айтган гапларингизга қараб эмас, сизга қараб ўзгаради. У сизга ўхшаган инсон бўлиб етишади. Шогирд устозидай бўлишига ўзим қайта—қайта гувоҳ бўлганман. Чўпон ҳар сафар Хушхабар айтиш ҳақида воизлик қилиши мумкин, аммо ўзи намуна кўрсатиб, Хушхабар айтмаса, бошқалар ҳам Хушхабар айтишмайди. Ҳар бир одам ўзига ўхшаган инсонни тарбиялаши ҳақидаги мисоллар Муқаддас Китобда жуда кўп келтирилган. Мисол учун, Иброҳим ўзининг жонини асраб қолиш учун Сорани синглим, деб айтган (Ибтидо 20:2). Унинг ўғли Исҳоқ ҳам худди шундай йўл тутган

(Ибтидо 26:7). Муқаддас Китобда олий руҳоний Элах фарзандларига ёмон тарбия бергани ҳақида ёзилган (1Шоҳлар 2:12–17). Элахнинг шогирди пайғамбар Шомуил ҳам устози сингари фарзандларига безътибор бўлиб, яхши тарбия беролмаган (1Шоҳлар 8:1–5).

Шогирдингиз қандай инсон бўлишини хоҳласангиз, ўзингиз ҳам худди шундай инсон бўлишингиз даркор. Шогирдингиз ҳам ўзингизга ўхшаган бўлади, бунга ишончингиз комил бўлсин. Шу сабабдан мазкур китоб “Худо қандай инсонларни хизматга чорлайди?” деган мавзу билан бошланган. Шогирдингиз ижобий фазилатларга эга бўлиши учун, аввал ўзингиз ўша фазилатларга эга бўлишингиз керак.

Агар ўзингизда керакли фазилатлар йўқ эканлигини сезсангиз, ўзингиз устингизда ишлашни бошланг. Китобнинг биринчи бобига қайтиб, санаб ўтилган фазилатларни амалда қўлланг.

7–БОБ

Шогирд ўстириш дастури — оталик қилинг

Шогирд орттириш Хушхабар айтишдан бошланади. Агар биз фақат имонлилар орасида шогирдларни ўстирсак, Худонинг Шоҳлиги учун янги одамларни олиб келмаган бўламыз. Биз Хушхабарни самарали тарзда, яъни, имонсиз одамлар орасида ёйишимиз керак. Тимўтий сингари шогирдларимизни имонсизлар орасидан топишимиз лозим.

Шогирд орттиришнинг биринчи қадами Хушхабар айтиш бўлса, иккинчи қадами — шогирдни етук инсон қилиб ўстириш. Жанг қилиб, одамни шайтоннинг чангалидан кутқариш бу бир нарса, кейин ўша одамга вақт ажратиб, уни имонда ўстириш ва Исонинг суратига қараб туриб ўзгаришига ёрдам бериш — бу бутунлай бошқа нарса. Моддий оламда ота–онанинг фарзандига нисбатан жавобгарлиги бола туғилгандан кейин бошланади. Сўнгги йиллар давомида ота–она фарзандига ғамхўрлик қилади, уни ўқитади, унинг ривожланишига эътибор беради. Бундай ҳол, то бола катта бўлиб, ўз оиласини қурмагунча, давом этади. Ана шундан кейингина бола ўз ҳаёти ва оиласи учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Шогирдни ўстириш — руҳий фарзандга ғамхўрлик қилишни билдиради. Бу жараёнга қуйидагилар қиради: Масихда янги туғилган чақалоқларни парвариш қилиш, то улғайиб, мустақил инсон бўлмагунларича, уларнинг ривожланишига ёрдам бериш.

Муқаддас Китоб бизга Худонинг оталик юраги ҳақида ўргатади. Биз Ишаё китобининг 40:66–оятини кўриб чиққанимизда, бу ҳақда ўқиган эдик. Масихнинг Ўзи Худога нисбатан “бизнинг Отамиз” деб мурожаат қилишни бизга ўргатади. Худо бизга оталик меҳрини кўрсатганидай, биз ҳам ўстираётган ёш масихийларга худди шундай меҳрни кўрсатишимиз керак. Бағритош она ўз чақалоғини ташлаб кетганини эшитганимизда, ғазабланиб кетамиз, аммо руҳий чақалоқлар безътиборликдан нобуд бўлаётгани бизнинг виждонимизни қийнамайди. Бундай чақалоқлар ёлғиз қолиб, дунёга кетиб қолади.

Кўп масихийлар шогирд ўстиришдан кўркишади, чунки ўзларини бунга номуносиб деб билишади. “Масихийча ҳаётдан тажрибам кам, руҳий ота–она бўла олмайман, — деб ўйлашади. — Ҳали ўзим кўп нарсани ўрганишим керак, ўзимга руҳий ота–она керак.” Одамнинг бундай ўйлаши табиий, номуносиблик ҳақидаги ўй–хаёллар доим бўлади. Бундай вазият фарзандни дунёга келтирган (жисмоний) ота–оналарнинг вазиятига жуда ўхшаш.

Фарзандларини ўстириб, доимо уларнинг ҳамма саволларига жавоб топган ота–онани мен умримда учратмаганман.

Руҳий фарзандни ўстириш — фаҳм–фаросат ила ёш масиҳийга оталик қилиш дегани. Ёш масиҳийни етук инсон қилиб тарбиялаш учун биз сизга айрим кўрсатмаларни бермоқчимиз. Янги туғилган чақалоққа нисбатан ота–онанинг мажбурияти нималардан иборат? Келинг, айрим асосий мажбуриятларни кўриб чиқайлик.

Имонга янги келган биродарга ғамхўрлик кўрсатиб, муаммоларни ҳал этинг

Тўнғич фарзандимиз Дебора Лин дунёга келганда, шифокорлар унга диафрагма пардасининг деформацияси деган ташхис қўйишган. Ўпканинг қон билан кислород алмашинуви содир бўладиган қисмида парда ҳосил бўлган экан. Бундай касалликка чалинган болаларнинг аксарияти ўлади. Шифокорларнинг айтишича, қизимизнинг яшаб кетишига ўн фоиз имконият бор эди. Қизимизни шахарнинг энг тажрибали болалар шифокори муолажа қилаётганини билганимиздан сўнг, ўзимизда йўқ хурсанд бўлиб кетдик. У қизимизни дарров бошқа беморлардан ажратиб қўйиб, яшаб кетиши учун зарур бўлган ҳамма муолажаларни қилди. Худонинг инояти туфайли қизимиз яшаб кетди. Бугунги кунда Дебор Лин чиройли ёш жувон бўлди.

Шифокорнинг Деборага кўрсатган ғамхўрлиги бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилади. Биз ҳам ўша шифокор сингари Масиҳдаги ёш имонлиларга ғамхўрлик қилишимиз керак. Сиз ёш масиҳийга устозлик қиляпсиз, деб тахмин қилган ҳолда сизга куйидагича кўрсатмаларни бермоқчимиз:

1. Шогирдингиз билан Худонинг нажот режасини синчиклаб кўриб чиқинг.

“Худонинг гувоҳлиги шундан иборат: Худо бизга абадий ҳаёт берди ва бу абадий ҳаётнинг манбаи Худонинг Ўғли Исодир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Худонинг Ўғлига эга бўлмаган одамда эса ҳаёт йўқ.” (1Юҳанно 5:11–12)

Худонинг Ўғлига эга бўлган ҳар бир одамда ҳаёт бор. Сиз шогирдингизга шундай савол беришингиз мумкин: “Исо Масиҳ ҳозир қаерда?” Масиҳдаги бу гўдак қандай жавоб беришидан қатъий назар, Масиҳ унинг юрагида эканлигини ҳам айтиши керак. Бу оятнинг мазмунини тушунтириш учун Муқаддас Китоб ва унинг ичидаги қаламни шогирдга мисол қилиб келтирсангиз бўлади. Агар Муқаддас Китоб шогирдга тегишли бўлса, унга шундай деб тушунтиринг: Муқаддас Китоб бу — Исо, китоб ичидаги қалам эса абадий ҳаёт. Абадий ҳаёт Исонинг ичидадир.

Минг афсуски, кўп имонлилар йиллар давомида ишончсизлик туманида яшашади. Улар Муқаддас Китобдаги нажот тўғрисидаги мавзуни тушунмаганлари учун, нажотга эга ёки эга эмаслиги ҳақида доимо гумон қилишади. Аммо ёш имонли тоабат Худонинг фарзанди эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилмагунича имонда ўсиб улғаймайди.

2. Шогирдингиз учун ибодат қилинг.

Янги Аҳдда ёзилган ибодатларнинг аксарият қисми имонсизлар учун эмас, аксинча, имонли биродарларнинг ўсиши учун берилган. Мисол учун, Эфесликларга мактубдаги Павлуснинг иккита машҳур ибодати эфесликларнинг ўсиб улғайиши тўғрисида эди (Эфесликларга 1:15–23, 3:14–20).

Масиҳий сифатида ибодатни, мен энг машаққатли меҳнат деб биламан. Шу билан бирга ибодат, шогирдни ўстиришда энг муҳим қисм ҳисобланади. Агар шогирдингиз учун ибодат қилишга қийналсангиз, Павлуснинг Эфесликлар ибодатига хос ва ўхшаш бўлган Муқаддас Китобдаги оятларни ўқиган ҳолда, ибодат қилинг. Сиз ўзингиз учун Янги Аҳддаги

ибодатларни ўрганиб чиқишингиз мумкин, шогирдингизни ўстиришда ўшалардан фойдалансангиз, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ибодатда мен бошқа бир усулни ҳам қўллаймаман: ўзим учун қандай ибодат қилсам, шогирдим учун ҳам худди шундай ибодат қиламан. Чунки мен нимада қийналсам шогирдим ҳам шунда қийналса керак, деб ўйлайман. Ахир, Муқаддас Китобда шундай деб ёзилган: “Бошингизга тушган синовлар ҳамманинг бошига тушадиган инсоний синовлардир.” (1Коринфликларга 10:13). Ҳаммамизнинг бошимизга тушадиган қийинчиликларнинг ва синовларнинг негизи бир.

3. Имонга келган шогирдингиздан тез–тез хабар олиб турунг

Шогирдингиздан тез–тез хабар олиб турунг, айниқса, имонга эндигина келган пайтида. Шогирдингиз учун бу осон давр эмас, чунки шайтон бор кучи билан унга хужум қилишни бошлайди. Рухий жангдан хабари бўлмаган одам саросимага тушиб қолиши мумкин. Ахир, жангда унга ёрдам берадиган Худонинг ҳақиқатини у тўлиқ билмайди.

Чақалок туғилганидан кейин биринчи ўн кун давомида доимо онасининг ёнида бўлади. Сўнг ўсгани сари, онадан мустақил бўлаверади. Биз жисмоний дунёда кузатган бу ҳол рухий дунёда ҳам содир бўлади.

Сиз ёш масиҳийга бера оладиган энг катта ёрдам — далда. У энди Худонинг оиласига мансуб эканлигини айтинг, сизлар биродар эканингизни у билсин. Шайтон уни алдашга ҳаракат қилади: “Бундай васваса ва синовлар фақат менда бўлса керак”, деган фикрлар унда пайдо бўлади. Шогирдингизга, бундай синовлар ҳаммамизда бўлишини айтинг. Унга: “Кўркма, бу васвасаларга қарши турган пайтингда мен сен билан бўлиб, сенга ёрдам бераман”, — деб айтинг.

Сифатли озуқага эътибор беринг

Биз кичкинтой Дебора Линни касалхонадан уйга олиб келганимизда, Дебора касалликни енгган эди, аммо энди биз уни ўз вақтида овқатлантириб туришимиз керак эди. Биз уни ўзимиз хоҳлаган вақтда эмас, у хоҳлаган пайтда овқатлантиришимиз лозим эди. Кўпинча, қизимиз энг ноқулай пайтда овқат егиси келиб қоларди. Лекин биз унга ҳеч қачон: “Қизалок, музлатгичда ҳамма нарса бор, хоҳлаганингча олиб егин”, — деб айтмаганмиз.

Имонга янги келган одамнинг рухий озуқаси таркибига ҳеч бўлмаган–да, қуйидагилар кириши керак:

1. Худо билан доимий тарзда ўтказиладиган сокин вақт.

Марк Хушхабарининг 1–боб, 35–оятда Исонинг доимги одати ҳақида ёзилган: “Эртаси кун тонгда, ҳали ёруғ тушмасдан олдин, Исо ўрнидан туриб, уйдан чиқиб кетди. Кимсасиз жойга бориб, ибодат қилди.” Ҳар кунимизни биз сокин вақтдан бошлашимиз даркор. Чунки Раббимиз билан ўтказган бу вақт давомида биз рухий озуқа оламиз. Сокин вақтга ибодат ва Каломни ўқиш қиради. Ибодат қилганингизда қуйидагиларга эътибор беринг:

Улуғлаш. Худони олқишлаб, Унга сажда қилиш. Муқаддас Китобдаги ҳамду саноларни ибодат қилиб айтишни шогирдингизга ўргатинг. Мисол учун, 1Солномалар 29:11–14 оятлардаги ҳамду сано.

Тавба. Ўзимизнинг гуноҳкорлигимизни тан олиб, Худога муҳтож эканимизни айтиш. “Борди–ю, гуноҳларимизни эътироф этсак, содиқ ва адолатли бўлган Худо гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ёмонликдан фориг қилади.” (1Юҳанно 1:9). Бу оят “масиҳийларнинг совуни”, деб аталади. Фараз қилайлик, жажжи қизим гапимга кирмай, кўчага чиқиб, лой ўйнади. У йиғлаганича келиб, кечирим сўраганида мен уни кечираман, сўнг ваннахонага олиб кириб, чўмилтираман. Чўмилтириб бўлганимдан кейин кийимларини ҳам юваман. Қизимнинг кўчага чиқиб, лой ўйнаганидан ҳеч қандай асорат қолмайди. Исо

Масих ҳам худди шундай йўл тутади, бу ҳақдаги ваъдани У бизга ИЮҳанно 1:9—оятда берган.

Шукр қилмоқ. Римликлар китобининг 1—бобида келтирилган узундан—узун гуноҳлар рўйхати 21—оятда “шукр қилмадилар” сўз бирикмаси билан бошланади. Имонга келган ҳар бир одам масихий ҳаётининг илк дамларидаёқ шукр қилишнинг аҳамиятини ўрганиши керак. Худо Ўз илтифоти туфайли бизга берган барча баракатлари учун, Унга шукр айтишимиз керак. Муқаддас Китобда шундай ёзилган: “Ҳар бир неъмат, ҳар бир мукамал ҳадя юқоридан, самовий нурлар Отасидан тушади. Унда ҳеч қандай ўзгариш йўқ, ўзгарувчан кўланка ҳам йўқ.” (Ёкуб 1:17)

Шафоат. Биз доимо оиламиз, дўстларимиз, жамоатимиз ва мамлакатимиз учун ибодат қиламиз. Шогирдингизга шафоат қилишни ўргатганингизда, ибодат дафтаридан фойдаланишни ўргатсангиз бўлади. Дафтарнинг биринчи бетини вертикал чизик ёрдамида икки қисмга бўлинг. Бетнинг чап томонига “Нима учун ибодат қилдим” деб ёзинг, ўнг томонига эса “Худонинг берган жавоби” деб ёзинг. Нима учун ибодат қилганингизни ёзганингизда, ибодат қилинган санани кўйинг. Худонинг берган жавобини ёзганингизда ҳам санани ёзинг. Имонга янги келган шогирд учун бу ниҳоятда яхши усул, чунки бу усул ёрдамида у Худонинг қилаётган ажойиб ишларини яққол кўра олади.

Сокин вақтни мазмунли ўтказишга ёрдам берадиган адабиётлар ниҳоятда кўп, менинг ўзим иккитасидан фойдаланаман: “InterVarsity” нашриёти томонидан чоп этилган “Сокин вақт” ва “The Navigators” нашриёти томонидан чоп этилган “Худо хузуридаги етти дақиқа” китобларидан.

Шогирдингиз сокин вақтни доимий равишда ўтказадиган бўлсин, бунинг учун бошида сокин вақтни у билан бирга ўтказинг. Мисол учун, у имонга келганидан кейин, дастлабки биринчи ҳафта давомида ҳар куни эрталаб у билан сокин вақт ўтказинг. Иккинчи ҳафта эса буни кун ора қиладиган бўлинг, кейинги бир—икки ой давомида ҳафтада бир марта эрталаб учрашиб турунг. Қолган кунлари сокин вақтни у мустақил равишда ўтказсин.

Шогирдингиз дастлаб Худо билан узок вақт эмас, балки қисқа вақт ўтказишни бошласин. Мен юқорида айтиб ўтган “Худо хузуридаги етти дақиқа” китоби айнан шу мавзуда сўз юритгани учун менга жуда ёқади. Шогирдингиз бошида Худога ҳар куни узлуксиз тарзда етти дақиқа вақтини ажратсин. Бошидан сокин вақтга бир соат вақтини ажратиб, сўнг ихлоси қайтиб, Худо билан умуман вақт ўтказмагандан кўра, қисқа бўлса ҳам вақт ажратгани яхшироқ.

2. Муқаддас Китобни ўқиш.

“Янги туғилган чақалоқ соф она сутини тусагандай, Худо каломини орзу қилинлар, токи у калом билан озикланиб, ўсиб бориб, нажотга эришинлар.” (1Бутрус 2:2). Шогирдингиз билан Янги Аҳд китобларидан ёки Забурдан қисқа парчаларни ўқишни бошланг. Каломни сокин вақтда ҳам ўқинг.

Муқаддас Китобни ўқишда жуда яхши натижа берган усуллардан бири қуйидагичадир: сокин вақтингизда Янги Аҳддан битта ёки иккита парчани ўқинг. Ўқиган парчаларни мулоҳаза қилар экансиз, ўзингизга ёққан оятни белгилаб қўйинг. Ўша кун учун танланган оят ўша бўлади. Ҳар куни эрталаб, олти кун давомида Калом ўқир экансиз, ўзингизга ёққан оятни танланг. Еттинчи куни эрталаб эса танлаб олинган оятларингиздан энг яхшисини танланг. Сўнг уни бир парча қоғозга ёзиб, ёд олинг.

3. Каломни ўрганishi.

Шогирдни ўстиришда энг асосий мақсадлардан бири ёш масихийга Калом ўқиб, рухий озуқа олишни ўргатиш. Шогирдингизни етук масихийлар билан таништиринг. У бошқа масихийлардан насихат олиб, кўп нарсаларни ўрганиши мумкин. Аммо эсингизда бўлсин, шогирдингиз мустақил равишда Худонинг Каломидан ўзи учун рухий озуқа оладиган бўлиши керак, зеро бунинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Дебора қизим чақалок бўлган пайтида, уни кўлимга кўтариб, сўргич орқали сут ичирап эдим. У шунчалик ширин эдики, унинг кўзчалари ва бурничасига термулиб хурсанд бўлардим. У катта бўлгани сари унга мустақил овқат ейишни ўргата бошладик. Бу жараён шу қадар муҳим эдики, у қўлчалари билан овқат еса ҳам хурсанд бўлардик. Вақти келиб, қизим овқатни чиройли қилиб ейишни ўрганади. Биламан, бу осон кечмайди, лекин унга яхши одатларни ўргатиш ҳам жуда муҳимлигини билар эдик.

Шогирд ўстиришнинг дастлабги вақтларида, сиз чўпонингиз билан бирга янги туғилган рухий фарзандингизни ўзингиз озиклантиришингиз керак бўлади. Имонга янги келган масихийлар учун мустақил равишда Каломдан рухий озуқа олиш — ниҳоятда мушкул ишдир. Кўпинча бу ҳаракат диндорлик ва самарасизлик тусини олиши мумкин. Шу сабабдан кўп янги масихийлар Каломни ўқимай кўядилар. Бундай ҳавф борлигидан бохабар экансиз, шогирдингиз билан Калом ўқишни давом эттириб, унинг ўзи ҳам ўқишига ҳам далда беринг.

Каломни ўрганиш борасида жуда кўп китоблар ёзилган, аммо афсуски, Каломни мустақил тарзда ўрганишга йўл–йўриқ кўрсатадиган китоблар жуда кам. “The Navigators” нашриёти Муқаддас Китобни ўрганиш учун бир қатор қўлланмаларни чоп этган. Ўша қўлланмалар орасида “Шогирдлик режаси” деган бир китоб бор. Бу китобнинг моҳияти — янги масихийга шогирдлик асосларини ўргатишдир. Аммо китоб бу мавзу билан чекланиб қолмай, ўқувчига Муқаддас Китобни мустақил равишда ўқишни ва Каломни Худонинг Руҳи ёрдамида тушунишни ўргатади. “Moody Press” нашриёти чоп этган, Ирвинг Л. Женсеннинг “Муқаддас Китобни мустақил ўрганиш” деган қўлланмаси ҳам Каломни ўрганишда катта ёрдам беради. Мен бу китобни етук масихийларга тавсия қилган бўлар эдим. (Муҳаррирнинг тавсияси: бу мавзуда “Victor Books” нашриёти чоп этган Ханс Финзелнинг “Муқаддас Китобга калит” ва “Каломни очиш” деган китобларни ҳам ўқишингиз мумкин.)

Муқаддас Китобни ўрганишда қай усулни қўллашингиздан қатъий назар, куйидаги икки босқичга эътибор беринг: шогирдингиз Каломни ўзи ўқисин, сўнг ўқиган нарсаси борасида бошқа имонлилар билан мулоҳаза қилсин. Бошқа имонлилар ҳам бу мавзу билан таниш бўлишлари керак. Биринчи ҳафталарда шогирдингизга Каломни ўрганишда ёрдам беринг. Ўрганиш жараёнини қадамма–қадам амалга оширинг.

Шогирдингизга ҳеч қандай шарт қўймай у яхши кўринг.

Меҳр–муҳаббатнинг кўпи бўлмайди. Одамларга қанча меҳр берсангиз кам. Аммо кўпчилик меҳрни нотўғри маънода тушунишади, “Ҳаддан кўп меҳр берсам, одам эрқаланиб талтайиб кетади”, деб ўйлашади. Одамга меҳр бериш билан уни талтайтириб юбориш — бошқа–бошқа нарса. Жамиятшунос ва руҳшуносларнинг айтишича, ёшлигида меҳр кўрмаган бола кейинчалик ҳақиқий севги ва меҳр–муҳаббат нима эканлигини умуман тушуна олмайди. Бундай одам бошқаларга меҳр бера олмайди, бошқаларнинг меҳрини ҳам қабул қила олмайди. Ҳар бир инсон меҳр–муҳаббатга муҳтож. Биз Масихдаги рухий фарзандларимизни меҳрда ўстиришимиз керак. Шундай экан, шогирдингизга доим меҳр кўрсатинг.

1. Шогирдингизни уйингизда тез–тез меҳмон қилиб туринг. У ўзини сизнинг оилангиз аъзосидай ҳис қилсин.

Бир неча йиллар олдин Боб Вилер исмли бир дурадгор менга Исони танитган. Унинг қилган энг катта иши — мени ўз оиласига олиб кириши эди. Унинг уйи — менинг уйим бўлиб қолди. У ерда мени доим очиқ кўнгил билан кутиб олишар эди. У ерда неча марта овқатланганимнинг ҳисоби ҳам йўқ. Мен Боб ҳақида ўйлаганимда 1 Коринфликларга мактубнинг куйидаги ояти эсимга тушади: “Биродарлар, Стефаннинг хонадонини биласизлар: Ахаяда биринчи имон келтирганлар улар бўлиб, азизларга хизмат учун ўзларини топширдилар.” (16:15). Бу оят мен учун ниҳоятда азиз бўлиб қолган. Шунинг учун хотиним икковимиз оиламиз шу сўзларга муносиб бўлишига кўп ҳаракат қиламиз.

2. Шогирдингиз жамоатда иштирок этсин.

Ибронийларга мактубнинг муаллифи бизни шундай деб огоҳлантиради: “Баъзи одамларга ўхшаб, йиғилишларимизни қолдирмайлик. Аксинча, Раббимизнинг келадиган куни яқинлашиб қолганини билиб, бир–биримизга янада кўпроқ далда берайлик.” (Ибронийларга 10:25).

Имонлилар жамоатидаги муҳит одамга ижобий таъсир қилиб, ўсиш ва ривожланишга туртки беради. Боб мени ўз жамоатига олиб борган куни ҳозирдагидай эсимда. Унинг дўстлари менинг дўстларим бўлиб қолди. Уларнинг дўстлиги ва берган далдаси руҳий ўсишим учун асосий омил бўли хизмат қилди.

Жамоатда мен бошқа имонлиларнинг ҳаётини кузатиб, уларга тақлид қилиб яшадим. Мен кўп эски одатларимдан воз кечиб, янги фазилатларни ўзлаштириб олишим керак эди. Жамоат менга бу ўзгаришда катта ёрдам берди.

3. Шогирдингизни ўзингиз билан бирга олиб юринг.

Исо Масих ҳақида шундай ёзилган: “Исо ўн икки одамни танлаб олиб, уларга ҳаворийлар деб ном берди. Сўнгра деди: ‘Мен билан бирга бўлишларингиз учун сизларни танлаб олдим. Мен сизларни ваъз айтишга юбораман.’” (Mark 3:14). Шогирдингизни ўзингиз билан сафарга олиб боринг, бирга татилга чиқинг, бирга спорт билан шуғулланинг, бирга меҳнат қилинг. Шунда Ҳикматлар 27–боб, 17–оятда ёзилган ўғит юзага келади: “Темир темирни ўткирлайди, инсон эса дўстини.”

Шогирдингизни шартсиз қабул қилинг

Эсимда бор, ёшлигимда бошимга келган ҳар қандай фикримни отамга кўрқмасдан айта олар эдим, чунки отам мени койимаслиги ва тўғри тушунишини билардим. Отамнинг бу фазилатини юксак даражада кадрлар эдим. Ёшим ўтгани сари отамнинг бу фазилатини бебаҳо деб биламан. Бу фазилатни мен ўзимда ҳам ривожлантирдим, отам менга қандай муносабатда бўлган бўлса, мен ҳам болаларимга шундай муносабатда бўляпман.

Кўпинча биз ичимиздаги дардимизни кимгадир айтишимиз керак. Аммо бошқалар бизни нотўғри тушунмасин, деб биз юрагимизни очиб тўқишдан кўрқамиз. Шунинг учун шогирдингизнинг ишончини қозонинг, у сизга юрагини оча оладиган бўлсин, дардини, кўрқувларини, муаммоларини, шахсий масалаларини кўрқмасдан айтадиган бўлсин. Сиз ундан юз ўгириб кетмаслигига у амин бўлиши керак.

Бутрус шундай деб айтган: “Аввало бир-бирингизни ихлос билан севинглар. Чунки севги кўп гуноҳларни ювади.” (1Бутрус 4:8). Ўзимизга паст баҳо бериш кўпчилигимизга мансуб бўлган иллатдир. Бу иллатни меҳр орқалигина йўқ қилиш мумкин. Меҳр–муҳаббат одамлар аро муносабатларимизни малҳам каби тузатади. Турмуш ўртоғингизга, фарзандингизга ёки биродарингизга Масихда улғайишга ёрдам берганингизда кўпинча ўзингизни бундай ишни қилишга номуносиб деб сезасиз, бу тўғри. Аммо бу ишни меҳр билан билан қилсангиз албатта яхши натижага эришасиз.

Шогирд ўстиришни уддалай олмайман, деб хавотир олишингиз табиий ҳол. Юқоридаги қоидаларга амал қилсангиз анча ёрдам оласиз, аммо хавотир туйғусидан тўлиқ холи бўла олмаслигингиз ҳам мумкин. Сизга фақат бир маслаҳат бермоқчиман: шогирдингизни яхши кўринг, уни оилангиз аъзоси деб билинг. Қолган ишни эса Худонинг Ўзи бажаради.

8–БОБ

Шогирд ўстириш дастури — асосларни ўргатинг

Исо Масихнинг издоши шогирд орттириш хизматини бошлар экан, хаворий Павлус ишлаб чиқарган беш босқичли мақсадга дуч келади. Келинглар, 1Салоникаликларга 1:5–10–оятларда ёзилган Павлуснинг бу мақсадини кўриб чиқайлик:

1. Қатъий қарор: “Ахир, биз Хушхабарни сизларга қуруқ сўзлар билан эмас, балки Муқаддас Рухнинг кудрати ва тўлиқ ишонч билан келтирдик. Орангизда бўлганимизда, сизларнинг манфаатингизни кўзлаб, қандай яшаганимизни биласиз.” (1Салоникаликларга 1:5). Павлус Салоникаликларга Хушхабарни Муқаддас Рухнинг кудрати билан айтган эди. У Каломни шу қадар ишонч билан гапирган эдики, уни тинглаган одамлар Масихни қабул қилишга қатъий қарор қилдилар.
2. Шогирдлар: “Сизлар биздан ва Раббимиздан ўрнак олдингиз. Ахир, кўп азоб–укубат чекканингизга қарамай, Муқаддас Рух берадиган қувонч билан Худонинг сўзини қабул қилдингиз” (1Салоникаликларга 1:6). Масихнинг шогирдини биз — имонлиларнинг ва Раббимизнинг издоши деб таърифласак бўлади. Чунки одамлар Раббимизнинг халқига эргашиб, Раббимизнинг Ўзига эргашишни ўрганадилар. Салоникаликлар Павлусга эргашишни хоҳлаганлари учун Павлус уларга устозлик қилди. Павлус Муқаддас Китобга мувофиқ ҳаёт кечириб, Худога доим итоат қилгани учун Салоникаликлар Павлусга хайрихоҳлик билдирган эдилар.
3. Ўрнак бўлмоқ: “Шундай қилиб, Македония ва Ахая ўлкаларидаги барча имонлиларга ўрнак бўлдингиз.” (1Салоникаликларга 1:7). Салоникаликлар атрофдаги барча имонлиларга ўрнак бўлдилар. Уларнинг ибратли ҳаёти бутун Юнонистон аҳолиси учун намуна эди.
4. Кўпайиш: “Раббимизнинг каломи сизлардан фақатгина Македония ва Ахаяга ёйилиб қолмади. Сизларнинг Худога бўлган имонингиз ҳамма жойда машҳур бўлди. Шунинг учун энди бизнинг бирор нарса гапиришимизга ҳожат қолмади” (1Салоникаликларга 1:8). Павлус қаерга бормасин, Хушхабарни эшитган одамларга дуч келарди, чунки Салоникалик имонлилар у ерларга Павлусдан олдин бориб, Хушхабар айтган эдилар. Павлуснинг Салоникадаги хизмати шу қадар самарали эдики, у ердаги имонлилар

Павлусдан Хушхабар айтишни ўрганиб, шу заҳотиёқ бошқаларга Хушхабар айтишни бошлаган эдилар.

5. Бағишланиш: “Сизлар барҳаёт ва ҳақиқий Худога хизмат қилайлик, дея бутлардан юз ўгириб, ...Худонинг Ўғли Исонинг самодан тушишини кутяпсизлар” (1Салоникаликларга 9–10). Бу оятда ёзилишича Салоникаликлар куйидагиларни қилишган:

- Улар бутлардан юз ўгиришган
- Ҳақиқий Худога юз буришган
- Имонлимиз, деб қуруқ гап билан чекланиб қолмай, Худога фаол хизмат қилишган
- Исо Масиҳнинг келишини кутишган

Шу пайтгача биз одамни имонга олиб келиш ҳақида ва уни Масиҳда руҳан ўстириш ҳақида сўз юритдик. Энди эса эътиборимизни масиҳийлик ҳақидаги илк сабоқлардан Масиҳнинг шогирди бўлиб етишишга қаратамиз. Биз бу жараёни тарбия жараёни деб атаймиз.

Тарбия жараёни

Луғатда бу сўз куйидагича изоҳланган: болани боқиб ва таълим бериб катта қилиш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрлик.

Таълим–тарбия жараёнида биз одамдаги яширин қобилиятларини юзага чиқариб, ривожлантирамыз. Шунда ўша одам Худога янада самаралироқ тарзда хизмат қила оладиган бўлади. Аммо, эсимизда тутишимиз керакки, тарбиячи ҳеч қачон Муқаддас Рухнинг ўрнини эгаллай олмайди. Биз одамнинг қалбига қўл суқиб унинг қадриятларини ўзгартира олмаймыз. Тўғри, ҳаётда қадриятлари умуман нотўғри бўлган одамларни кўп учратамыз, уларни ўзгартирмоқчи бўламыз, аммо бу ишни биз Муқаддас Рухга қўйиб беришимиз керак. Бу Унинг вазифаси, бизнинг вазифамиз эмас.

Тарбиячи шогирдига фақат мақсадга етишига ёрдам бериши мумкин. Агар шогирд ўз ҳаётини тўлиқлигича Худога бағишламаган бўлса, Масиҳнинг шогирди бўлиш учун қурбон бўлишга тайёр бўлмаса, Худонинг нуқтаи назари уни қизиқтирмаса, бундай шогирдга тарбиячи кўп нарса бера олмайди. Шунинг учун китобнинг аксарият қисми масиҳийча ҳаётнинг илк асосларига бағишланган. Борди–ю, шогирд ўзини Исо Масиҳга бағишлаган бўлса, Исонинг хоҳиш–иродасини сидқидилдан бажармоқчи бўлса, тарбия жараёни осон ва кизиқ ўтади.

Сўнги тадқиқотлар натижасига кўра тарбиячи шогирдининг ривожланишига қўшадиган ҳиссаси куйидаги икки омил билан чегараланиб қолар экан: 1) вақт ажратиш; 2) ўқишга имкон яратиш. Шогирднинг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган қолган ҳамма омиллар шогирднинг ўзига боғлиқ бўлади. Жавобгарлик туйғуси, жон–жаҳд билан ишлаш, ўқишга чанқоқлик, зийраклик, ўзгаришларга очиқ бўлиши ва шу каби бошқа омиллар шогирднинг ўз қўлидадир.

Демак, тарбиячи шогирдидаги ўзгаришни тўлиқ бошқара олмайди. Бироқ шогирд ўз устида самарали тарзда ишлай олиши учун тарбиячи уни керакли ўқув қуроллари ва ўрганиш усулларини билан тўлиқ таъминлай олади. Шунда тарбиячи йўлбошчи вазифасини бажариб, шогирдга мақсадига эришишга ёрдам беради.

Одамларни Масихнинг шогирди қилиб етиштириш учун турли хил қурооллар, метод ва усуллар мавжуд. Бу усулларни шогирдликнинг умумжаҳон қоидаларидан ажрата оладиган бўлиш керак. Келинглари, сизларга қоидалардан бирини мисол қилиб келтирай. Исо шундай деган эди: “Агар Менинг сўзларимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар.” (Юҳанно 8:31). Демак, шогирдлик қоидаларидан бири — доимо Каломга риоя қилиш экан. Муқаддас Китобни ўрганишга ва қалит оятларни ёд олишга ёрдам берадиган қўлланмалар кўп, аммо Каломга риоя қилиш одамнинг ўз измида. Имонга янги келган одам Каломни ўрганиш усуллариغا кўп қизиқиши мумкин, аммо ёдингизда тутинг, Каломга риоя қилиш унданда муҳимроқ. Усул ҳеч қачон мақсаддан устун келмаслиги керак.

Имонга янги келган масиҳий билан ишлар экансиз, унга шундай савол бериб кўришингиз мумкин: “Шогирд дегани нима?” У сизга турли хил жавоблар берганидан кейин, унга: “Кел, кейинги ҳафта давомида Юҳанно баён қилган Хушхабарни ўқиб чиқайлик, — деб таклиф қилинг, — Шогирд ким эканлигини ўша Хушхабардан ўрганиб оламиз.”

Кейинги ҳафта давомида у билан учрашиб туриб, Юҳанно Хушхабарининг шогирд мавзусидаги ҳамма оятларни кўриб чиқсангиз бўлади. Сўнг ўша янги масиҳийдан: “Шогирд бўлишни хоҳлайсанми?” — деб сўрашингиз мумкин. Ўша одам рози бўлди, дейлик. Шунда унга Юҳанно 8:31ни ўқиб бериб: “Худонинг Каломига риоя қилиш учун нима қилиш керак?” — деб сўрашингиз мумкин. У бу ҳақда ўйлашига бир ҳафта муҳлат беринг, аммо бошидан унга жавобини айтиб қўйманг. У жавобни ўзи топиши жуда муҳим. Кейинги сафар учрашганингизда, Каломга риоя қилишнинг бир нечта усули билан уни таништирсангиз бўлади.

Аммо учрашув бошида шогирддан бу мавзу борасида қилган мулоҳазалари ва чиқарган хулосаларини эшитинг. Фараз қилайлик, шогирдингиз: “Худонинг Сўзига риоя қилиш учун, Каломни билиш керак”, деб айтиши мумкин. Шогирднинг ўзи Каломни ўқишни, изоҳлашни ва оятларни ёд олишни таклиф қилиши мумкин. Энди шогирдингизга буларни амалга ошириш йўллари ҳақида мулоҳаза қилишни вазифа тариқасида беринг. Унинг вазифаси — ибодат қилиб, Худодан йўл-йўриқ олишдир.

Сизлар яна учрашганингизда бир нарсага дуч келишингиз аниқ, шогирд ўзи учун ниҳоятда баланд мақсадларни қўйган бўлади. Вазифаларингиздан бири ўша мақсадларни реал воқеликга муносиб тарзда ўзгартиришдан иборат. Бу мақсадлар қандай бўлишидан қатъий назар, эсингизда тутинг, улар шогирдингизнинг ўзидан чиққан фикр, шогирд булар ҳақида ибодат қилиб, ҳаёти учун Худодан ризолик олган.

Шогирдингиз билан Каломни ўрганар экансиз, унга шогирдлик қоидаларини топишга ёрдам беринг. У Каломдан ўзи учун хулоса чиқариб олсин.

Бу каби машғулотларни шогирдингиз билан фақат индивидуал тарзда ўтказишингиз мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳақда биз шогирдни ўстиришга бағишланган бобда айтиб ўтган эдик. Гуруҳ ёки оммавий ўқишлар индивидуал ўқишларнинг ўсиб боришига ёрдам беради, холос. Ҳар бир шогирдга алоҳида-алоҳида ёндашишнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Қайси фазилатлар шогирд учун асос ҳисобланади?

Бир неча йил олдин мен бир дўстим билан учрашиб, унга шогирдини ўстиришда кўмак бердим. Биз янги масиҳий учун нималар зарур эканлиги ҳақида гаплашганимизда: “Масиҳнинг шогирдида қандай фазилатлар мавжуд бўлиши керак?” — деган саволга дуч келдик. Биз бу ҳақда анча мулоҳаза қилганимиздан кейин, бу масалани ўрганиб чиқишга қарор қилдик. Кейинги сафар учрашганимизда, шогирдда мавжуд бўлиши керак бўлган ҳамма фазилатларнинг рўйхатини туздик. Рўйхатимиз узундан-узун, худди бозордан сотиб олинadиган нарсалар рўйхатига ўхшаб қолди! Шунда биз шогирдда ривожлатирадиган

ҳислатлар билан унда бўлиши шарт бўлган энг муҳим фазилатларни бир–бирдан ажратишга қарор қилдик.

Биз қайтадан ишга киришдик. Изланишларимиз натижасида асосий деб билган фазилатларимиз “The Navigators” чиқарган ғилдирак шаклидаги схемада аниқ кўрсатилган.

The obedient Christian in Action - Амалдаги итоаткор масиҳий

Christ – Масиҳ

Witnessing – Хушхабар

Fellowship – Биродарлик

Prayer – Ибодат

Word – Калом

Ғилдирак расми “The Navigators” нашриёти рухсати билан чоп этилган.

Бу расм Худога итоат қилиб яшайдиган масиҳийнинг рамзидир. Бундай одам Масиҳга қалбининг тўридан жой беради, у доим Муқаддас Рухга тўлиб юради.

Ғилдирак гупчаги

Ғилдирак гупчаги — Исо Масиҳдир. У — бутун ҳаётимизнинг маркази. Ҳаворий Павлус бу ҳақда шундай ёзган: “Энди яшаётган мен эмас, балки Масиҳдир. У менинг ҳаётимни бошқаряпти. Ҳали тирик эканман, Худонинг Ўғлига бўлган имон билан яшайман. Ахир, У мени яхши кўриб, Ўзини мен учун фидо қилган.” (Галатияликларга 2:20).

Ғилдиракнинг гупчаги икки асосий вазифани бажаради: 1) ғилдирак юриши учун зарур бўлган кучни беради, 2) ғилдиракнинг йўналишини белгилайди. Бу муҳим вазифани имонли кишининг ҳаётида Исо бажаради.

Ёшлигимдаги бир воқеани аниқ эслайман. Менинг дўстим машинанинг ғилдирагини уйимиз олдидаги қирдан думалатиб ўйнаётган эди. Бир пайт ғилдирак бошқа томонга юмалаб кетиб, йўлидаги гулларни пайҳон қилди, тўсикқа урилиб сакради—да, кўшнимизнинг девори устига бориб тушди. Ғилдирак бошқарувни йўқотиб, муаммо туғдирганди. Масиҳийнинг ҳаётини Исо Масиҳ бошқариб, йўналишини белгилайди. Агар Масиҳ ҳаётимизни бошқармаса, биз кўп муаммоларга дуч келиб, одамларга азият етказамиз, ўзимизга кийинчиликлар туғдириб, кўп нарсани барбод қиламиз.

Ғилдирак кегайлари

1. Калом

Ғилдиракнинг асосий кегайларидан бири бу Худонинг Каломидир. Муқаддас Китобда шундай деб ёзилган: “Масиҳнинг каломи сизда чуқур ўрнашиб, яшнаверсин. Донолик билан бир-бирингизга таълим беринг, насиҳат қилинг. Забурларни хониш қилиб, мадҳиялар ва руҳий кўшиқлар билан, чин кўнгилдан миннатдорчилик билдириб, Худони тараннум этинглар.” (Колосаликларга 3:16).

“The Navigators” нашриётининг асосчиси Доусон Тротман бир расмни ишлаб чиқди. “Қўл” деб ном олган бу расм (уни куйида кўришингиз мумкин) масиҳийга ўз ҳаётида Каломни қай тарзда қўллашини ўргатади. Каломни ўрганишнинг бешта асосий йўли бор: эшитиш, ўқиш, ўрганиш, ёд олиш ва Калом ҳақда мулоҳаза қилиш. Каломни чуқур ўрганмоқчи бўлган одам ушбу беш йўлнинг ҳаммасидан бирдай фойдаланиши зарур.

- Hearing - эшитиш
- Reading – ўқиш
- Studying – ўрганиш
- Memorizing – ёд олиш
- Meditating – мулоҳаза қилиш

Кўлнинг расми “The Navigators” нашриёти рухсати билан чоп этилган.

98–бет

- *Эшитиш.* Шогирдингизга Қаломни эшитишни ўргатинг. Чўпон воизлик қилганда, шогирдингиз эшитганларини ёзиб оладиган бўлсин. Жамоат йиғилишидан кейин у ёзганларини бошқаларнинг ёзувлари билан солиштириб кўриб, ўрганган нарсаларини муҳокама қилсин. Уларни ўз ҳаётида тадбиқ қилиш йўллари излаб топсин. Чўпон буни кўриб, ҳайратда қолиши турган гап. Муқаддас Китобни ўрганишга шу қадар кўп эътибор бераётган одамни кўриш, чўпонга катта далда беради.
- *Ўқиш.* Шогирдингиз бутун Муқаддас Китобни бир йил ичида тўлиқ ўқиб чиқишни ўзига одат қилиб олсин. Агар у кунига уч бобдан ўқиса, йил давомида бутун китобни ўқиб чиқади. Бунинг учун мос келадиган қўлланмалардан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Бир йил ичида Қаломни ўқиган одам Худонинг асрлар мобайнида қилган ажойиб ишлари билан қисқа вақт давомида танишиб чиқиб, тўлиқ тушунчага эга бўлади.
- *Ўрганиш.* “Сен эса ҳақиқат каломини адаштирмай, тўғрилиқ билан ўқит, ўзингни Худога мақбул, ҳалол бир ишчи сифатида кўрсатишга ғайрат қил.” (2 Тимўтийга 2:15) Худонинг Каломини ўрганган одам учун Калом руҳий озуқа вазифасини бажаради. Каломни ўрганишда қайси услубдан фойдаланганингиздан қатъий назар, қуйидаги бешта таркибий қисмга эътибор беринг:
 - *Шахсий изланиш.* Шогирд Каломни Муқаддас Рухнинг бошчилигида ўқиши лозим, токи Муқаддас Рух уни бошқариб турсин. Каломни ўрганиш борасида ёзилган қўлланмалардан фойдаланишингиз мумкин, лекин бундан олдин Каломни ўзингиз ўқиб, мавзуну тушуниб олишга ҳаракат қилинг.
 - *Доимийлик ва тартиб.* Шогирдингиз Каломни доимий тарзда, муайян қўйилган мақсадга риоя қилган ҳолда, ўқийдиган бўлсин. Каломни бир ҳафта ўқиб, кейин уч ой ўқимай юрмасин. Бунинг учун у Каломни мунтазам равишда ва белгиланган тартибда ўқисин.
 - *Фикрларингизни ёзинг.* Шогирд Каломни ўқиганда фикрларини ёзиб қўядиган бўлсин. Бир мураббий шундай деган эди: “Ўтқир ақлингга ишонмагин, қалам билан бўлса ҳам фикрингни ёзиб қўй.” Ҳаммамизда шундай ҳолат юз берган: хаёлимизга яхши фикр келганда, ёзиб қўйманганимиз учун у эсимиздан чиқиб қолган. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун, фикрларингизни ёзиб қўйишни ўзингизга одат қилиб олинг.
 - *Ўрганганларингизни бошқаларга ўргатинг.* Эсингизда бўлсин, сизнинг асл мақсадингиз — ўсиб келаётган янги авлоддан шогирдлар орттиришдан иборат. Менинг бир дўстим Каломни ўргатиш усули ҳақида дарс берган эди. Дарси учун у бир қатор шарҳлардан, грек ҳамда иброний тилидаги матнлардан фойдаланганди. У ишлаб чиққан усул ниҳоятда қизиқарли эди, аммо бу усулнинг энг катта камчилиги — шогирд орттиришга ҳеч қандай эътибор берилмаганида эди.
 - *Амалда қўллаш.* Муқаддас Китоб бизга билим орттириш учун эмас, балки ҳаётимизни ўзгартириш учун берилган. Даллас Теология Семинариясида фаолият кўрсатган профессор Ховард Хендриксоннинг айтишича: “Амалда қўлланилмаган билимнинг заррача ҳам фойдаси

йўқ”. Биз Муқаддас Китобни ўрганганимизда шунчаки билимни эмас, балки ўз ҳаётимиз учун аниқ кўрсатмаларни оламиз.

Муқаддас Китобни ўқиганингизда ўзингизга қуйидагича саволларни берсангиз, матндан кўпроқ фойда оласиз:

1. *Матннинг мавзуси қандай?* Парчани ёки бобни оятма–оят ўқиб чиқинг. Ўқиш давомида ҳаёлингизга келган Муқаддас Китобдаги ўхшаш оятларни ёзиб олинг. Мисол учун, агар сиз 2 Тимўтий 3:16ни ўқиган бўлсангиз, мавзу бўйича мос келадиган яна бир оят 2 Бутрус 1:21да бўлиши мумкин. Ўқиган матн ҳақидаги фикрларингизни ёзиб олинг.
2. *Матнда нималарни тушунмадим?* Матннинг тушунарсиз жойларини ёзинг. Мен Муқаддас Китобни энди ўрганишни бошлаганимда тушунмаган жойларим кам бўлса, матнни яхши тушундим, деб ўйлардим. Энди эса Муқаддас Китобни ўрганганим сари, уни қанчалик кам билганимни ангаб оламан. Матнни қанчалик чуқур ўргансам, шунчалик кўп саволлар пайдо бўлади. Бундай саволларнинг баъзилари Муқаддас Китобнинг ўзида ёритилган бўлади, бошқаларига эса дўстларингиз билан матн борасида мулоҳаза қилганингизда жавоб топасиз, қолган саволларингизга эса тўлиқ жавоб топа олмаслигингиз ҳам мумкин.
3. *Матннинг асосий мазмуни қандай?* Ўқиган бобингизни мазмун бўйича қисмларга бўлинг ёки бобнинг асосий мавзусини ёзинг. Агар бобнинг асосий мавзусини ёзишга қарор қилган бўлсангиз, мазмунини қисқача ёзинг, тагин ёзганларингиз бобдан узун бўлиб кетмасин. Баъзи ўқувчилар дастлаб бобни мазмун бўйича қисмларга бўлиб, сўнг ҳар бир парчага қисқача хулоса ёзишади.
4. *Ўқиган бобдан мен нималарни ўрганиб олдим?* Ўқиган бобни ўз ҳаётингизга татбиқ қилар экансиз қуйидагиларга эътибор беринг: а) матнда қайси муаммо ёритилганини айтинг; б) ўз ҳаётингиздан ҳам шунга ўхшаш муаммони мисол қилиб келтиринг; в) Худонинг Руҳи сизга бу муаммони ечишда қайси йўлни кўрсатяпти?; г) Муаммони ечиш учун нима қилмоқчисиз? Муаммо ҳақида гапирар экансиз, “биз”, “бизнинг” каби кўплик олмошларидан фойдаланмасликка ҳаракат қилинг, фақат “мен”, “менинг” каби шахсий олмошларни қўлланг.

Доимо эсингизда тутинг, муаммо ҳеч қачон “бизнинг муаммоимиз” бўлмайди, муаммо доимо “менинг муаммоим” бўлади.

• *Ёд олиш.* Муқаддас Китобдаги оятларни ёд олиш, Калом ўрганишдаги энг фойдали усуллардан биридир. Мен бир неча йил давомида доим Муқаддас Китобдаги оятларни мунтазам равишда ёдлаб келаман. Бу мендан интизом ва тартибни талаб қилиши билан, кўп фойда беради. Битта оятни ёд олиш қийин эмас. Ўрганган оятларни унутиб юбормаслик учун такрорлаб туриш эса, анчагина ҳаракатни талаб қилади.

Ҳозирги кунда оятларни ёд олиш учун турли хил усуллар ишлаб чиқилган, бу мавзудаги қўлланмалар ниҳоятда кўп бўлиб, чўпонингиз сизга мос келадиган усулни топишга ёрдам беришига ишончим комил. Мен “Navigators” нашриёти томонидан чоп этилган “Мавзу бўйича ёд олиш усули” қўлланмасини яхши кўраман, чунки бу қўлланма инсонга мустақил тарзда оятларни ёд олишга ёрдам беради.

• *Мулоҳаза қилиш* — “Қўл расми”даги бош бармоқни билдиради. Бош бармоқ қўлнинг қолган тўртта бармоғи билан бирга ҳаракат қилади. Сиз Худонинг Каломини эшитиб, у ҳақда мулоҳаза қилишингиз мумкин ёки Каломни ўқиб, мулоҳаза қилсангиз бўлади, Каломни ўрганиб ёхуд уни ёд олиб, у ҳақда мулоҳаза қилишингиз ҳам мумкин. Биз оят борасида мулоҳаза қилганимизда, уни онгимизга муҳрлаб қўямиз, сўнг уни амалда қўллаш учун замин яратамиз.

Агар мен Худонинг Каломини эшитиб, у ҳақда мулоҳаза қилсам, гўё китобни бош бармоқ ва жимжилоқ орасида қисиб тургандай бўламан. Шунда китобни зўрға ушлаб турган бўламан. Борди–ю Каломни ўқиб, эшитсам ва у ҳақда мулоҳаза қилсам, китобни яхшироқ ушлаган бўламан, лекин буниси ҳам етарлича эмас. Мен Каломни нафақат ўқиб эшитишим, балки уни ўрганишим, ёд олишим ва у ҳақда мулоҳаза қилишим ҳам муҳимдир. Шунда мен руҳий қилич бўлган Каломни мукамал қўллай оладиган бўламан.

2. Ибодат

Ибодат — ғилдиракнинг иккинчи кегайи ҳисобланиб, Худонинг Каломи билан биргаликда масиҳий одамнинг ҳаётида мувозанат сақлашга ёрдам беради. Худонинг Каломини мукамал биладиган, аммо ибодат қилмайдиган одамни гўёки қоқ суякка ўхшатса бўлади, унинг устида эт йўқ. Ибодатда кучли бўлган, аммо Каломни билмайдиган одамни эса фақат этдан иборат бўлган одамга ўхшатса бўлади, унинг суяги йўқ, у гўёки шаклсиз бир маҳлуқотга ўхшайди. Калом ва ибодат имонлининг ҳаётига мувозанат олиб киради.

Ибодат учун турлича усулларга риоя қилиш шарт эмас. Ибодат бу — Худо билан суҳбат демакдир. Ибодат масиҳийларнинг ҳаётида марказий ўринни эгаллагани учун шайтон бизни ибодатдан совутмоқчи бўлади. Агар сиз кам ибодат қилсангиз, ўзингиз учун шерик топиб, доимий тарзда биргаликда ибодат қиладиган бўлинг. Мен колледжда ўқиб юрган пайтимда кам ибодат қилганим учун бир дўстим билан ҳафтасига бир марта ибодат қиладиган бўлдим. Биз ётоқхонада эрталаб соат 11:00 учрашиб, соат 16:00гача ибодат қилардик. Биз нималар ҳақида ибодат қилганимиз аниқ эсимда йўқ, лекин бу машқ менга катта ёрдам берди, ибодат қилиш мен учун одат бўлиб қолди.

Мен ибодат ҳақида бир китобча ўқиган эдим. Бу китобча Е.М. Боундс томонидан ёзилган бўлиб, “Ибодат орқали келадиган куч” деб номланади. Бу китобчани ўқишни ва амалда қўллашни мен ҳаммага тавсия қилган бўлардим.

3. Хушxabар айтиши

Исо шогирдларининг яна бир белгиси — Хушxabар айтишдир. Исо Масиҳ Ўз шогирдларига айтган сўнги сўзлари қуйидагича эди: “Аммо Муқаддас Руҳ сизларни қамраб олганда, куч–қудратга тўласизлар. Қуддусда, Яхудияда ва Самарияда, ер юзининг ҳамма бурчакларида сизлар Менинг шохидларим бўласизлар.” (Ҳаворийлар 1:8). Кўпинча биз Хушxabар айтишдан бош торғамиз, аммо Хушxabар айтиб бўлганимиздан кейин келган хурсандчилик шу қадар катта бўладики, биз: “Нимага Хушxabар айтишни хоҳламаган эканман”, деб қоламиз.

Хушxabар айтишдан бизни тўхтатадиган биринчи нарса — бу кўркув. Биз Хушxabар айтсак одамлар биздан юз ўгиради, деб кўрқамиз. “Бу одам гапимни эшитмоқчи эмас”, — деб ўзимизни оқлаймиз. “Унинг ўзига яраша ташвишлари бор, ҳозир унга Худо ҳақида гапирсам, у мендан хафа бўлиб, мени уришиб беради”, деймиз. Аммо сиз бирон марта бирортасига Худо ҳақида гапирганингизда, у одам сиздан хафа бўлганми? Кўпинча одамлар ўзларининг руҳий ҳолати ва Худо ҳақида гапиришни яхши кўрадилар.

Бир неча йил олдин мен бир йигитга Хушxabар айтишни ўргатган эдим. У Хушxabар айтишдан доим ўзини олиб қочарди. Ёшлар хизматини бошлаётган бу йигитга мен шундай савол бердим: “Жоэ, бу колледждаги нечта талабани танийсан? Сени учратган нечта одам исминг Жоэ эканини билади?”

Жоэнинг, ўша колледжга кирганига икки ой бўлган эди, аммо у фақатгина икки ёки уч талаба билан танишган эди, холос. Мен унга қуйидагича маслаҳат бердим: “Жоэ, кейинги тўрт ҳафта давомида сен иложи борица кўпроқ талабалар билан танишгин. Кел, элликта талаба билан танишишни ўзингга мақсад қилиб қўйгин. Уларга Хушxabар айтишинг шарт эмас. Уларга масиҳий эканингни ҳам айтишинг керак эмас. Бор–йўғи улар билан таниш.

Турган хоналарига бориб, улар билан гаплашгин. Улар билан теннис ўйна. Биргаликда спорт билан шуғуллан. Улар билан овқатлан. Қўлингдан келганини қил, аммо элликта талаба билан таниш. Мен бир ойдан кейин қайтиб келганимда сен янги дўстларингни менга номма–ном таништирасан.

Мен бир ойдан кейин ўша колледжга қайтиб бориб билсам, Жоэ олтига дўстига Хушхабар айтиб, уларни имонга бошлабди. У элликта талаба билан танишдим, йўқми билмадим, биз бу ҳақда гаплашмадик. Бу ҳақда гаплашиш ҳам шарт эмасди. Жоэ “солиқчилару гуноҳкорлар” орасидан ўзига дўст орттирганида Худонинг Ўзи Хушхабар айтиш учун унга керакли имконият яратиб берганди. Демак, Хушхабар айтиш имонсизлар орасидан дўст орттириш билан бошланади. Бу дўстлик ўсиб боргани сари Муқаддас Рухнинг Ўзи Хушхабар айтишингизга имконият яратиб беради.

Сиз шогирд ўстирар экансиз, унга Хушхабар айтишни амалда ўргатинг. Уни имонсиз дўстларингиз билан таништингиз. Хушхабар айтишингизни шогирдингиз ҳам кўрсин, ана шундагина у ўзига ишонч ҳосил қилиб, ўзининг имонсиз дўстларига ҳам Хушхабар айтадиган бўлади.

Илгари мен колледжларнинг бирида талабалар билан ишлаганимда, гуруҳимда бир йигит бор эди. Унинг исми Билл бўлиб, зехни ниҳоятда ўткир эди. У Муқаддас Каломни яхши ўрганар, оятларни осонлик билан ёд оларди, аммо бошқаларга Хушхабар айтишдан ниҳоятда кўрқарди. Мен уни Хушхабар айтишга ҳеч қўндира олмаган эдим.

Бир неча ой давомида мен Биллни Хушхабар айтишга қўндиришга ҳаракат қилдим, ва ниҳоят у рози бўлди, аммо Хушхабарни сиз айтасиз, мен эса суҳбатда иштирок этмайман, деб шарт қўйди. Биз имонсиз бир дўстим билан учрашгани бордик ва мен дўстимга Раббимиз ҳақида гапирдим. Ўша пайтдан бошлаб Билл доим мен билан Хушхабар айтишга борадиган бўлди, лекин суҳбатда иштирок этмасди. Аммо бу тажриба туфайли у ўзига ишонч ҳосил қилиб, суҳбатга қўшиладиган бўлди. Орадан ойлар ўтди, кунларнинг бирида Билл ўз дўсти Ронга Хушхабар айтди. Ўша пайтда мен ҳам у билан бирга эдим, уни шунчаки кўзатиб ўтирдим. Бу сафар Хушхабарни Биллнинг ўзи айтган эди.

Биз Роннинг хонасига кириб, у билан суҳбатлашдик. Бир неча дақиқадан кейин Билл гапни буриб, Хушхабар айтишни бошлади. Мен унинг гапига кулоқ солиб туриб, даҳшатга тушдим. Хушхабарни у нотўғри йўл билан танитди, ҳаммасини аксинчасига айтди. У Хушхабар айтишнинг барча “қоидаларини” бузди. Мен Биллни тўхтатиб, гапини тўғриламаслигим учун ўзимни зўрға ушлаб ўтирдим.

Менинг назаримда узоқдан–узоққа чўзилган бу уятли дақиқалардан сўнг Билл Ронга шундай савол берди: “Рон, сен Исо Масихни Нажоткоринг, деб қабул қилмоқчимисан?”

“Албатта,” — деб, қутилмаган жавобни берди у.

Мен ибодат қилиш учун Рон ёнида тиз чўқар эканман, ўзимни ниҳоятда бахтли ҳис этдим. Мен ўз кулоқларимга ишонмаган эдим. Рон ибодат қилиб Масихни қабул қилди! Кейинги ойлар давомида Билл Ронга устозлик қилди. Рон ўзини ишончли шогирд қилиб кўрсатди.

Шу вазият орқали Муқаддас Рух менга яхши сабоқ берди. Хушхабар бу — Худонинг иши, инсоннинг эмас. Муқаддас Рух бизнинг ожиз ҳаракатларимиз орқали интилувчан юрак соҳибига Масихни аён қилади.

4. Биродарлик

Кейинги бобда биз жамоат аъзоларининг инъомлари ва ўша инъомларнинг жамоатда қўлланилиши ҳақида суҳбатлашамиз. Масихий киши учун Исо марказ бўлиб, ибодат ва Калом ўқиш ҳаётининг асослари ҳисобланади. Шогирдингиз дунёқараши мос келадиган одамлар билан биродарлик муносабатларини ўрнатишига эътибор беринг. Бундай муносабатлар унинг руҳий ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Биз биродарликка алоҳида

урғу бериб ўтишимиз даркор, зеро, биродарлик муносабатлари масиҳийларнинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, ибодат ва Калом ўқиш сингари эътиборга лойиқдир. Борди—ю биз биродарликка безътибор бўлсак, ҳаётимиз ўз мувозанатини йўқотади.

Юқорида биз ҳаётимиздаги муносабатларни ғилдирак шаклида тасвирлаган эдик. Бу ғилдирагимиз юмшоққина ҳаракатланиши зарур. Бунинг учун ғилдиракнинг ҳамма кегайлари бир хил узунликда ва бир хил оғирликда бўлиши лозим, бири бошқасидан узун бўла олмайди. Кегайларимиз қанчалик узун бўлса, ғилдирагимиз ҳам шунчалик катта бўлади ва ҳаётда биз жадал тарзда ҳаракатлана оламиз. Ҳар бир шогирд ҳаёт ғилдирагининг кегайларини иложи борича узун қилишга интилиши керак.

Ғилдиракнинг кегайлари ғилдиракнинг гўпчагини гардиш билан боғлаб туради. Масиҳий ҳам кегайлар орқали Исо Масиҳ билан боғланади. Кегайларнинг иккитаси — ибодат қилиш ва Калом ўқиш масиҳийнинг руҳан ўсишига ёрдам беради. Хушхабар айтиш билан биродарлик муносабатларини ўрнатиш эса бошқаларнинг ўсишига ҳисса қўшади. Бир таниқли одам шундай деганди: “Бошқаларнинг ривожланишига ҳисса қўшмоқчи бўлсангиз ўз устингиздан ишланг. Акс ҳолда инқирозга учрайсиз.” Ҳаётимизда мувозанатнинг муҳимлиги ана шу гапдан аниқ кўриниб турибди.

Ғилдиракнинг гардиши

Исо шундай деган: “Менинг амрларимни билиб, уларга амал қилган киши Мени севади. Ким Мени сева, Отам ҳам уни севади. Мен ҳам уни севаман ва Ўзимни унга аён қиламан.” (Юҳанно 14:21) Исога шогирд бўлган киши итоаткор бўлади. Одамлар ҳаётимиздаги итоаткорликни кўриб туришади.

Ҳиндистондан келган бир талаба АҚШ университетларининг бирида таълим олаётган эди. Курсдошларининг бири унга Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни айтди. Масиҳийларнинг ҳаётини кузатиб юрган бу ҳинд талаба эса унга шундай деди: “Сиз масиҳийлар менга ақл ўргатмоқчи бўляпсизлар, аммо сизлар ўзларинг айтган гапларингга амал қилмайсизлар.” Бу масиҳийларнинг тили ва ҳаёт тарзи бир—бирига зид эди.

Ғилдиракнинг гардиши ғилдирак гўпчаги билан фақатгина кегайлар орқали боғлана олади. Шу сингари дунё ҳам Масиҳ билан фақатгина имонлилар орқали боғланиши мумкин. Имонсизлар Исо Масиҳни фақатгина масиҳийлар орқали кўришлари мумкин. Шундай экан, сизларга бир саволим бор: сизнинг ҳаётингизни кузатган одамлар сизда Исонинг сиймосини кўрадиларми?

Сиз шогирдингизни имонда ўстирар экансиз, ғилдирак тасвири сизга ёрдам беради деган умиддаман. Бироқ шу билан биргаликда шогирдингизнинг шахсиятига ҳам эътибор беринг, одиллик, имон, меҳр—оқибат, тўғрилиқ каби фазилатларни унда ривожлантиринг. Доимо эсингизда бўлсин: таълим жараёнини ва ўтадиғам мавзуларни шогирдингизнинг эҳтиёжига қараб мослаштириш даркор.

Шогирднинг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда ўқув режасини тузинг. Доим ўзингизга учта савол беринг: 1) Шогирдимга нима керак? 2) Қайси йўл билан шунга эришса бўлади? 3) Шунга эришганини нимадан билсам бўлади? Бу саволларни бошқача қилиб тузса ҳам бўлади: 1) Мақсадим нима? 2) Мақсадимга қандай эришаман? Мақсадимга эришганимни нимадан билсам бўлади? Бу саволларни қандай тузганингиздан қатъий назар, доимо ўзингизга шундай саволларни беринг.

Келинг, ўқув режангизни имон мавзуси мисолида кўриб чиқайлик. Биринчи саволга жавобингиз: “Мақсадим имонимни ўстириш”. Иккинчи саволга жавоб бериш қийинроқ, айниқса “имон” каби мавзуда. Бу ерда иждоқкорлигингизни ишга солишингиз керак. Балки сиз шогирдингизга имон мавзусидаги китобларни ўқишни тавсия қиларсиз. Ўқув режангизда

ибодатга ҳам жой ажратишингизга тўғри келади: сиз ўзингиз ҳам, шогирдингиз ҳам ибодат қилишларинг керак бўлади. Шогирдингиз имон ҳақидаги оятларни ёд олсин. Ҳаётидаги баъзи муаммоларини Худонинг қўлига топшириб, муаммоларнинг ҳал бўлишига ишонсин. Бу муаммолар моддий етишмовчилик билан боғлиқ бўлиши ёки шогирд орттириш каби хизмати билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўқув режасини тузар экансиз, Худога ёлворинг, У сизга зўр фикрлар берсин.

Учинчи савол энг қийини бўлса керак, чунки бу савол баҳолаш билан боғлиқ. Бирок, бу саволга жавоб бермасангиз, мақсадингизга эришган ёки эришмаганингизни била олмайсиз. Тузган ўқув режангиз қандай бўлишидан қатъий назар доим баҳолашдан фойдаланинг. Шунда ишингиз қай даражада самарали бўлганини биласиз.

Шогирдингиз билан ўтадиган мавзулар учун режа тузар экансиз, ўзгартиришлар киритишга доимо очиқ бўлинг. Режага сўзсиз риоя қилиш истагига қарши туринг. Тузган режангиз қандай бўлишидан қатъий назар вазиятга қараб иш тутинг. Одамни режага эмас, режани одамга қараб мослаштиринг.

Шогирдингизга устозлик қилишни ўргатинг

Шогирд ўстириш шунчаки маълумотлар бериш билан чекланиб қолмайди.

Шогирдингизга шогирдликнинг маъзини ўргатинг, у ҳам шогирд орттиришни амалда ўргансин. Унга далда беринг, у ҳам иложи борица тезроқ шогирд орттирсин. Бунинг фойдаси кўп:

1) Биринчидан, унинг имони мустаҳкам бўлиб ўсади.

Шогирдингиз бошқа бировга Хушхабарни айтганида, кўп саволларга жавоб беришига тўғри келади. Шогирд бу саволларга жавоб берганда нафақат савол берган одамга ёрдам бўлади, балки бу жараён давомида ҳақиқат унинг ўзининг юрагига муҳрланиб қолади.

2) Иккинчидан, бу шогирдингизнинг шахсий ўсишига ёрдам беради.

Шогирдингиз бошқаларнинг руҳий ўсишига ёрдам берар экан, ўз ҳаётини баҳолайди. Ўзининг ҳаёти бошқаларга намуна бўлиб хизмат қиляптими ёки йўқми, эътибор беради.

3) Учинчидан, шогирдингиз устозлик қилса ўзи ҳам ўрганишига мойил ва таълимга чанқоқ бўлади.

Шогирдингиз ўз шогирдининг саволларига жавоб беришга мажбур бўлгани учун, ўзи ҳам кўпроқ нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилади. Менинг бир дўстим Корея билан бўлган урушдан кейин Оклахома штатидаги ҳарбийларга артиллерия ҳақида дарс берган эди. Синфхонадаги ёш офицерлар дарсга кулоқ солмай, кўпинча дарс давомида ухлаб қолишарди. Бир неча йилдан кейин ўша дўстим яна ўша ҳарбий бўлинмада ўша мавзу бўйича дарс ўтди. Бу сафар Вьетнам билан уруш бўлаётган эди. Синфхонадаги ҳамма офицерлар дарсда диққат билан кулоқ солиб ўтиришарди. Улар тинмай саволлар беришарди. Сабаби шундаки, улар дарсларни тугатиб, Вьетнамга жанг қилиш учун боришлари керак эди. Олдинги офицерлар учун эса уруш ниҳоясига етган эди.

Устозлик жараёнида эса тутиш керак бўлган нарсалар

Шогирд ўстириш жараёни ниҳоятда кенг мавзудир. Уни батафсил тушунтириш учун кўп жилдли асарлар ёзиш мумкин. Аммо бу боб сизга шахсий изланишларни бошлашга туртки бўлади, деган умиддаман. Шогирд ўстириш борасида айрим умумий қоидалар мавжуд, бу қоидалардан ҳар қандай инсонлараро муносабатларда фойдаланиш мумкин. Шогирд орттириш хизматида қўл келадиган қоидалар қуйида келтирилган:

1. Шогирдингиз Худога тегишли эканини ёдингизда тутинг.

Сиз Худонинг мадади билан шогирд орттирасиз, шогирдингизни ҳам Худонинг Ўзи ўстиради. Сиз бу хизматда Худо қўлидаги қурол бўлиб хизмат қиласиз. Забурда бу ҳақда шундай деб ёзилган: “Агарда уйни Эгамиз қурмаса, қурувчиларнинг иши бекор бўлади. Агар Эгамиз шаҳарни кўриқламаса, қоровул беҳуда пойлоқчилик қилади.” (Забур 126:1).

2. *Шогирдингизга ишонинг, унга умид боғлаганингизни шогирдингиз билсин.*

Шогирдингизга бирон топшириқ берганингизда ўша топшириқни қўлидан олманг.

3. *Шогирдингиз сизга боғланиб қолмасин.*

Шогирдингизни ўстирар экансиз, уни мустақил қўйинг. Сизнинг вазифангиз — шогирдингизга Худога боғланишни ўргатиш. Унинг сизга боғланиб қолишига йўл қўйманг.

4. *Шогирдингизни эркин қўйинг, у ўз хатоларидан ҳам сабоқ олсин.*

Тадбиркорлик дунёсида янги тадбиркорлар муваффақиятдан кўра, муваффақиятсизликлар туфайли кўп нарсани ўрганишади. Шунга қарамай, одамлар хато қилиб қўйишдан кўрқишади. Шогирдингиз хато қилишдан кўрқмасин, хато қилганида ҳам сиз ундан юз ўгириб кетмаслигингизни билсин.

5. *Шогирдингиз одамлардаги қобилиятларни кўра оладиган бўлсин.*

Исо ўн иккита ҳаворийни танлаганида шошилмаган эди. У Ўз хизматини бошлаганидан кейингина Ўзига шогирдлар танлаганди. Ҳаворий Павлус бу борада шундай деган эди: “Хизматга олиш учун ҳеч кимнинг бошига шошилиш қўл қўйиб дуо қилма, бошқаларнинг гуноҳларига шерик бўлма, ўзингни пок сақла.” (1 Тимўтийга 5:22).

6. *Шогирдингизга далда беринг, токи у ўзига ишонч ҳосил қилсин.*

Шогирдингиз ўзига ишонч ҳосил қилиши керак. Галаталикларга 2–боб, 19–20–оятларда шундай деб ёзилган: “Мен Масих билан бирга хочга михлаб қўйилганман. Энди яшаётган мен эмас, балки Масихдир. У менинг ҳаётимни бошқаряпти. Ҳали тирик эканман, Худонинг Ўғлига бўлган имон билан яшайман. Ахир, У мени яхши кўриб, Ўзини мен учун фидо қилган.” Бу оятда биз Масих билан бирга хочга михланганимиз ҳақида ёзилган. Шогирд ўстириш жараёнида биз асосий кучимиз ва вақтимизни шогирднинг эски ўзлигини йўқ қилишга сарфлаймиз, иллатлардан халос бўлишига унга ёрдам берамиз. Аммо озгина вақт бўлса ҳам шогирдга далда бериб, унинг Масихдаги янги ўзлигини ўстиришимиз керак. Тўғри, шогирд ўз инсоний кучига таянмаслиги керак, аммо бизга куч–қувват берадиган Исо Масихнинг мадади билан у ҳамма нарса қила олишига ишонч ҳосил қилиши даркор.

Хулоса

Шогирд орттириш вақт талаб қиладиган жараёндир. Шогирд орттиришни жамоатда ўтказиладиган семинарлар, дарслар ёки китоблар ўқиш орқали амалга ошириб бўлмайди. Шогирдни бир зумда ўстириб бўлмайди. Ҳозирги замонда биз ҳамма нарсани оммавий равишда ишлаб чиқарамиз, мисол учун, машиналарни, уй жиҳозларини, электрик мосламаларни, идиш–товоқларни. Ҳатто уйларимиз ҳам бир хил шаклда қурилган. Оммавий ишлаб чиқаришга ҳаддан ташқари ўрганиб қолганмиз, шу сабабдан бундай ишлаб чиқаришни ҳаётимизнинг барча соҳаларида қўлламоқчи бўламиз. Бу имконсиз нарса. Ҳар бир шогирд шахсий муносабат орқали орттирилади. Шогирдларни конвейер усулида етиштириб бўлмайди. Ҳар бир шогирд Мукаддас Рух томонидан шакллантириб ўстирилади.

Бир шогирдни ўстиришга қанча вақт сарф бўлишини фақат тахмин қилишимиз мумкин, холос. Бу жараённинг тез ёки секин ўтиши шогирднинг руҳий ҳолатига боғлиқ бўлади. Бир нарсани ишонч билан айтишим мумкинки, бу жараён вақт талаб қилади. Исо Масих Ўзига шогирдлар танлаганида улар Худодан кўрқадиган, тақводор одамлар эдилар, ҳаммалари яхши оилалардан келиб чиққанлар. Шунга қарамай, Исо бутун вақтини ўша шогирдларни ўстириб ривожлантиришга сарфлаганди. Масих мукамал Устоз бўлса—да,

шогирд ўстиришга тўлиқ уч йилни бағишлаганди. Шундай экан, бизга ҳам шогирд ўстириш учун камида уч йил керак бўлади.

9–БОБ

Шогирд ўстириш дастури — мақсад ва ишонч

Ибронийларга мактубнинг 11–бобида имон қахрамонлари ҳақида сўз юритилган. Ўша бобни ўқир экансиз, кўзингиз олдида қадимда ўтиб кетган қахрамонларнинг сиймолари гавдаланади. Бу эркак ва аёл қахрамонларнинг ҳаммасини бир нарса бирлаштириб туради — уларнинг Худога бўлган имони!

Имонни оддий сўзлар билан таърифласак бўлади. Имон бу — Худонинг ваъдаларига ишониш ва шунга яраша иш тутиш. Бу — Худонинг ваъдаларига итоат этиш демакдир. Имон сушт эмас, аксинча, доимо фаол бўлади. Бобдаги феълларга эътибор беринг: *Ҳобил қурбонлик келтирди* (4–оят), *Нух кема қурди* (7–оят), *Иброҳим Худога итоат қилди* (8–оят).

Бироқ Худо томонидан берилган ваъдаларсиз имон пуч бўлган бўларди. Ибронийларга 11–бобда Худонинг берган кўп ваъдалари ҳақида ёзилган. Ўша ваъдаларсиз инсонларнинг ҳаракатлари асоссиз бўлган бўларди.

Келинлар, биз кичик бир самолётда, ўттиз километр баландликда учиб кетаётганимизни бир фараз қилайлик. Мен сиздан: “Ҳозир сақрасам Худо мени қутқариб қолармикин?” деб сўрайман. Сиз: “Қайда? Билмадим.”— деб жавоб берасиз. Сиз саволимдан иккиланганингизни кўриб туриб, мен: “Ишонаман, Худо мени кутақаради”, деб самолётдан ўзимни отиб юбораман. Самолётдан учиб тушар эканман даҳшатга тушиб, “Худо мени қутқара олади”, лекин У менга бундай ваъда бермаган, деган фикр миямга уради. Мен имоним етишмаганидан эмас, балки Худонинг ваъдасига эга бўлмаганимдан ҳалок бўламан. Бундай ўзбилармонлик бошимни ейди. Имон учун доимо асос бўлиши даркор.

Инсон Худонинг ваъдалари асосида яшашга қарор қилишидан олдин, *ишонч* ва *мақсад* каби фазилатларга эга бўлиши керак. Бундай фазилатларни Мусонинг ҳаётида аниқ кўришимиз мумкин. Ибронийларга 11–боб, 23–оятда Мусо ҳақида шундай ёзилган: “Имони туфайли Мусонинг ота–онаси, янги туғилган Мусони уч ой яширишди. Улар чақалоқнинг чиройли эканлигини кўриб, Фиръавннинг фармонидан кўрқишмади.” Бу оятда Мусонинг имони эмас, балки ота–онасининг имони ҳақида сўз юритилган. Мусо чақалоқ бўлгани учун, Худонинг ваъдаларига асосланган ота–онасининг имони унинг ҳаётини асраб қолган.

24–оятда эса шундай ёзилган: “Вояга етганида Мусо имони туфайли Фиръавн қизининг ўғли деб аталишни рад этди.” Олдинги оятда Мусони асраб қолган ота–онасининг имони ҳақида ёзилган бўлса, бу оятда Мусонинг имони ҳақида ёзилган. Қачондан бошлаб Мусо имон соҳиби бўлди? Қачон Мусо ишонишни бошлади? У вояга етганида.

Мусо ёшлигида онасининг имонига хурсандчилик билан тақлид қиларди, унинг гапларини чанқоқлик билан эшитарди, деб ўйлайман (Эсингизда бўлса, фиръавннинг қизи чақалоқ Мусони топиб олганидан кейин, уни энагага — Мусонинг онасига топширганди.) Ёш болалардан: “Исо менинг юрагимда яшайди” — деган гапни эшитиш бизни шодлантиради. Уларнинг бу гапи шунчаки ота–онасининг имонига асосланган бўлиши ҳам мумкин, шунга қарамай, биз хурсанд бўламиз. Лекин шундай вақт келадими, бола ўз ҳаётини бировнинг имонига асосланган ҳолда қура олмайди. Бола вояга етганидан кейин, ўз ҳаётини

шахсий қадриятлар устига қура бошлайди. 24–оятда Мусонинг Худога бўлган имони ҳақида ёзилган ва бу имон 23–оятда тилга олинган ота–онасининг имони билан бир хил эди. Улар битта Худога ишонардилар. Мусо шахсий тажрибаси орқали Худога имон боғлаганди.

24–27–оятларни ўқиб чиқайлик. Мана шу оятларга кўра, Мусо фиръавн қизининг ўғли, деб аталишни рад этди. У гуноҳ қилиб, вақтинчалик ҳузур–ҳаловатда яшашдан кўра, Худонинг халқи билан азоб–уқубат чекишни ўзига раво кўрди. Мусо буларни имони туфайли қилганди.

Инсон шогирдлик жараёнини бошлар экан, дастлабки босқичи тўлиқ устозлик қилаётган инсонга боғлиқ бўлади. Шогирд худди ёш болага ўхшайди, ёш бола ота–онасидан нималарни эшитса, ўшаларни гапирди. Ёш боланинг ибодат қилишига қулоқ солиш жуда қизиқ. Чунки у ибодат қилганида, кўпинча айтаётган гапларининг маъносини тушунмай, бировларнинг гапларини тўтиқушдай такрорлайди.

Имонга янги келган масиҳий ҳам худди шундайдир. У овқатдан олдин ибодат қилади, ҳар ҳафта жамоатга боради, буларни у ўз хоҳлагани учун эмас, балки кимдир унга шундай қилишни тавсия этгани учун қилади. Бу ёмон нарса эмас. Инсон бировнинг таъсири натижасида имонга келади ва бу босқичда кўпинча бировнинг маслаҳатига қулоқ солиб иш тутлади.

Аммо вақти келиб, инсон имонда ўсади ва фақатгина маслаҳатларга кўра иш тутмайдиган бўлади. У бора–бора ўз қадриятларини шакллантиради. Ўзини қачон ва қандай тутиш кераклигини билиш ниҳоятда муҳим нарса ва бунга мазкур китобда кўп урғу берилган. Лекин имонга кўра ва шахсий қадриятларга кўра яшаш муҳимроқдир, бунга эса Худо билан бўлган шахсий муносабат орқали эришилади.

Борис Семёнов ҳарбий ўқишга борди, дейлик. Саккиз ҳафтадан кейин Борис ҳизмат қилган бўлинмада бош офицер томонидан текширув ўтказилди. Бош офицер аскарларнинг ётоғини текширганида, Бориснинг каравоти теп–теккис тўшалганини, шкафи тартибга солинганини, ҳожатхона эса худди ҳеч қачон фойдаланилмагандай озода бўлганини кўрди.

Орадан тўрт йил ўтди. Борис Семёнов энди университетнинг иккинчи босқичида ўқиб юрибди. Борди–ю, энди биз унинг хонасига кириб қолгудек бўлсак, хонасини қандай аҳволда кўрар эканмиз? Тўшаги йиғиштирилмаган, шкафдаги кийимлари аралаш–қуралаш бўлиб ётганини, ҳожатхона эса кириб бўлмайдиган даражада ифлос эканлибўлганини кўрамиз.

Нега бундай катта фарқ? Борис тозаликка риоя қила олмайди деб айта олмаймиз. У хонасини қандай тозалаш кераклигини билади, аммо тозаликка риоя қилишни ўзи учун қадрият деб билмайди, буни шунчаки ҳарбий ҳизматдаги тартиб деб ўйлайди.

Масиҳийларнинг аксарият қисми шогирдлар орттиришда қай бир усулни қўллаш лозимлигини билишмайди. Шогирд орттиришни улар муҳим деб ўйлашмайди ҳам. Шогирд орттириш — қадриятларимизнинг бири бўлиши даркор. (Шогирд орттиришда қўлланиладиган усулларни ҳам билиш керак, бунинг муҳимлигини мен камситмоқчи эмасман. Лекин бу гапим билан шогирд орттиришнинг қадри ниҳоятда баланд эканини кўрсатмоқчиман, холос.)

Агар одам шогирд орттиришни қадрият деб билса, у эртами, кечми, шогирд ўстириш усулини ҳам ўрганиб олади. Борди–ю, одамга шогирд ўстириш ҳақидаги барча дастурларни берсангизу унга ҳамма усулларни ўргатсангиз, одамнинг ўзи эса шогирд ўстиришни муҳим деб билмаса, эртами, кечми бундай одам шогирд орттиришдан воз кечади. Шогирд ўстиришнинг усулларини билган, аммо бу хизматни муҳим деб билмаган одам гўё чиройли гулдастага ўхшайди. Унинг кўриниши гўзал, аммо гўзаллиги тез орада сўлиб қолади.

Келинлар, Ибронийларга мактубдаги Мусо ҳақидаги ҳикояга қайтайлик. Ибронийларга 11–боб, 26–оятда шундай ёзилган: “У (Мусо) келажакдаги мукофотни кўзлагани учун, Масиҳни деб, хўрланишни Мисрнинг хазиначаридан афзал деб билди.” Бу ерда “келажакдаги мукофот” ҳақида айтилган, ўша заҳоти олинмайдиган мукофот ҳақида эмас.

Мусо ўзоқни кўзлаб иш тутганди. Узоқни кўриш — олдиндан охирини кўра билиш демакдир. Биз буни “бифокал мақсад”, деб аташимиз ҳам мумкин. Бу — келажакни олдиндан кўра билиш демакдир.

Узоқни кўра билган одам ўз қарорларини вазиятга кўра эмас, балки кўзлаган мақсадига кўра чиқаради. Мақсад ва ишонч шогирд ўстиришни тутиб турган икки асосий устун ҳисобланади.

Мақсад одамнинг дунёқарашига боғлиқ, унинг қадриятлари, у учун нима муҳимлигига боғлиқ. Исо бу ҳақда шундай деганди:

Қарғаларга қаранглар: улар на экади, на ўради, на омборлари, на кўралари бор. Шунга қарамай, Худо уларнинг ризқини беради. Сизлар эса қушлардан анча қадрлисизлар! ²⁵ Биронтангиз ташвишланиб, умрингизни бир лаҳзага бўлса ҳам узайтира олармидингиз?! ²⁶ Шундай арзимас иш қўлингиздан келмас экан, нега қолган нарсалар ҳақида ташвиш тортасиз? ²⁷ Нилуфар гулларнинг қандай ўсишига эътибор қилинг: улар меҳнат қилмайди, ип йигирмайди. Аммо сизларга айтаманки, ҳатто шоҳ Сулаймон ўзининг шуҳрат чўққисида ҳам ўша гулларнинг биридай кийинмаган. ²⁸ Бугун бор, эртага эса ўчоққа ташланадиган дала ўтини Худо шундай безаган бўлса, наҳотки сизларни кийинтирмаса, эй имони сустлар! ²⁹ Нима еймиз, нима ичамиз, деб қайғуриб безовта бўлманглар. ³⁰ Дунё халқлари ҳа деб бу нарсаларнинг пайида юрадилар. Лекин осмондаги Отангиз буларга муҳтож эканингизни биледи—ку! ³¹ Сизлар, яхшиси, Худонинг Шоҳлиги пайида бўлинглар ва қолган нарсалар ҳам сизга берилади. ³² Эй кичик сурув, кўрқманглар! Осмондаги Отангиз Ўз Шоҳлигини сизларга беришни маъкул топди. ³³ Мол—мулкингизни сотиб, садақа беринглар. Ўзингизга эскирмайдиган ҳамёнлар, самоларда битмас—туганмас хазина тайёрланглар. У ерга ўғри яқинлаша олмайди, хазинангизни куя ея олмайди. ³⁴ Хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлади.” (Луқо 12:24–34)

Бу парча — мукамал мақсад мисоли бўлиб хизмат қилади. Бирон ишни бошлашдан олдин унинг натижасини кўзлашни ўргатади. Кундалик қарорларимизни келажакни кўзлаган ҳолда чиқаришни Исо бизга ўргатади.

Инсон ўз мақсадини йўқотган тақдирдагина ўз хоҳиши билан жиноятга қўл уради. У: “Ёмонлик қилсам нима бўпти? Менга бари бир ҳеч нарса қилмайди,” — деб ўзини ўзи алдайди. Мисол учун, бир киши банкка кириб 100 000 долларни ўғирлаб кетди дейлик. Агар ўша одам бу жинояти учун 25 йил давомида қамоқхонанинг каталак камерасида ўтиришини тасаввур қилганида эди, бу жиноятга қўл урмаган бўларди. Жиноятчи қилмишининг оқибатини кўра олмагани учун банкдаги пулни ўғирлади. Биз ҳам гуноҳнинг оқибатини унутганимизда, гуноҳга қўл урамиз.

Биз Мусонинг ҳаётида ҳам мақсад ҳам ишончни кўришимиз мумкин. Мақсад ва ишонч шогирд ўстириш жараёнининг икки асосий устун ҳисобланиб, “Шогирдлик санъатининг” пойдеворини ташкил қилади. Агар шогирднинг мақсади ёки ишончи бўлмаса, бундай шогирд ҳеч нарсани ўрганмабди, деб айтишимиз мумкин.

Ишонч ва мақсадни ривожлатириб бўладими? Қандай қилиб биз бу фазилатларга эриша оламиз? Қандай қилиб шогирдларимизга ишонишни ва мақсадни кўзлаб яшашни ўргата оламиз? Довуд пайғамбар шундай деб ёзган эди: “Агарда уйни Эгамиз қурмаса, қурувчиларнинг иши бекор бўлади. Агар Эгамиз шаҳарни кўриқламаса, қоровул беҳуда пойлоқчилик қилади.” (Забур 126:1). Шогирд ўстириш жараёни Худонинг ташаббуси билан бошланиб, Худо томонидан тугатилади. Агар Худо бизнинг ҳаётимизда ишламаса ва Ўзининг эзгу ниятини қалбимизга солмаса, ҳамма қилган ишларимиз беҳуда кетади. Ишончни бизга Худо беради, мақсадни ҳам Унинг Ўзи белгилайди.

Шу билан бир қаторда биз ҳам маълум қоидаларга риоя қилган ҳолда, ўз жавобгарлигимизни ривожлантиришимиз керак. Мен эътиборингизга тўртта шундай қоидани тақдим қилмоқчиман. Сиз бу қоидаларга яна қўшимча қоидлар киритишингиз мумкин.

1. Шогирд ўстириши қадрияти шогирдни ўқитиши усулидан устунроқ бўлсин.

Бу қоидада ва кейинги учта қоидада ҳам қўлланилган “устунроқ бўлсин” ибораси “ёки униси, ёки буниси”, деган маънода қўлланилмаган. Шогирд ўстиришда ҳам қадриятга эътибор бериш, ҳам қўл келадиган усулдан фойдаланиш керак. Бироқ имонимиз ва мақсадимиз учун асос бўлган қадриятларимиз қўлланиладиган усулдан кўпроқ эътиборга лойиқ бўлиши даркор.

Исо Масих уруғ сепувчи ҳақидаги масални сўзлаб берганида, уруғ нима учун экилганини, қачон ва нима содир бўлганини айтган эди. Бироқ Исо уруғ қай тарзда сепилгани ҳақида бирон бир сўз айтмаган. Ишни қай тарзда бажаришимиз ўзимизга ҳавола. Исо биз учун қадриятларни белгилайди, ишни амалга ошириш усулини эса биз ўзимиз танлаймиз.

Буюк топширикни ҳам мисол қилиб олишимиз мумкин. Исо бизга шундай топширик берган: “Дунёнинг ҳамма жойига боринглар, Хушхабарни бутун жонзотга айтинглар. Қуддусда, Яҳудияда ва Самарияда, ер юзининг ҳамма бурчакларида сизлар Менинг шоҳидларим бўлинглар.” Исонинг ҳаёти ва фаолияти биз учун намуна бўлиб хизмат қилади. Марк баён қилган Хушхабарнинг 3:14–оятда шундай ёзилган: “Исо ўн икки одамни танлаб олиб, уларга ҳаворийлар деб ном берди. Сўнгра деди: Мен билан бирга бўлишларингиз учун сизларни танлаб олдим. Мен сизларни ваъз айтишга юбораман.” Агар Исога тақлид қиладиган бўлсак, биз ҳам ишончли одамларни шогирд қилиб олишимиз лозим, сўнгра ўз вақтимиз ва ҳаётимизни уларни ўстиришга бағишлашимиз керак бўлади.

Буюк топширикни амалга оширишда қайси усулни қўллашимиз бизнинг ўзимизга ҳавола. Ҳаворийлар китобида Масихнинг буюк топширигини амалга оширган кишиларнинг фаолияти ҳақида ёзилган. Улар Исонинг амрларига риоя қилиб, амалда қўллашарди. Ҳаворийлар китобининг 6–бобида беваларга бўлган безътиборлик натижасида келиб чиққан зиддият ҳақида биз ўқишимиз мумкин. Ҳаворийлар бу муаммони ечиш учун озиқ–овқат тарқатадиган доно хизматкорларни тайинлаган эдилар. Исо ердаги хизмати давомида: “Беваларга озуқани тақсимлаб берадиган хизматкорларни тайинланглар,” — деб айтмаганди. Ҳаворийларнинг ўзлари пайдо бўлган муаммони ечиш учун шу усулни қўллаган эдилар.

Биз — масихийлар, ўзимизга қўл келадиган усуллардан фойдаланамиз. Мисол учун биз болалар хизматини яқшанба кунни эрталаб, катталар учун жамоат йиғилишинини эса кечкурун ўтказишимиз мумкин. Ҳар бир жамоат кун тартибини ва йиғилишлар вақтини ўзига қулай бўлган пайтга белгилайди. Сувга чўмдириш маросими ва сажда тарзи, таълим бериш усули, ўргатиладиган мавзулар тартиби ҳар бир жамоатнинг ўзига ҳосдир. Жамоатлар турли хил усуллардан фойдаланишади ва бунинг ёмон жойи йўқ.

Борди–ю, жамоатимизда қўллаган усулларимиз урф–одат тусини олган бўлса эҳтиёт бўлишимиз керак. Агар биз бирор ишни “доим шундай қилар эдик”, деб қилаётган бўлсак, Муқаддас Рухнинг овозига қулоқларимизни ёпган бўламиз. Янги, аълороқ усулларни ўрганишдан бўйин товлаган бўламиз. Бундай вазиятга тушиб қолганимизда, ҳар қандай ўзгаришни биз хавф–хатар деб биламиз. Борди–ю, қилган ҳар бир ҳаракатимиз Муқаддас Китобдаги қоидаларга асосланса, яхши томонга бўлган ҳар бир ўзгаришни биз хурсандчилик билан қабул қиламиз.

Келинг, сизга ошхона билан боғлиқ бўлган бир мисол келтирай. Хотиним идиш–товоқларни ювганда доимо қуйидагича тартибга риоя қиларди: авваламбор у чуқурроқ бир идишда ишқорли сув тайёрлайди. Бу сувда биринчи навбатда пиёлаларни, сўнг қошиқ–вилкаларни, ундан кейин ликопчаларни, охирида эса қозон ва товаларни ювади. Идиш–товоқларни ювишда бундай тартибга риоя қилиш кераклигини мен асло билмас эдим. Бир

куни мен идиш–товоқларни қозон ювишдан бошладим. Буни кўриб қолган хотиним мени койиб шундай деди: “Идиш ювиш орқали биз идишларни нафақат қолдиқ овқатлардан тозалаймиз, балки уларни дезинфекция ҳам қиламиз. Шунинг учун биринчи навбатда оғизга оладиган идишларни тозалашимиз керак, булар пиёлалар ва қошиқ–вилкалар, сўнг ликопчалар ва косаларни ювиш керак, қозон ва товалар эса охириги навбатда ювилади, чунки улар оловда қиздирилганда автоматик равишда дезинфекция бўлади.” Қоидаси шундай. Шунинг учун унга риоя қилиш керак эди.

Ўша кундан бери мен доим ўша тартибга риоя қилиб, биринчи навбатда пиёлаларни, сўнг қолган идишларни юваман. Мен буни хотинимдан қўрққаним учун эмас, балки идиш ювиш қоидасининг асосини тушуниб олганим учун, ўша қоидага ишонч ҳосил қилганим учун шундай қиламан. Ишонч қачон пайдо бўлади? Қачонки биз бирор бир қоиданинг асосини тушуниб олсак, ўша қоидага ишонч ҳосил қиламиз. Қўллаган усулимиз эса ишонч ҳосил қилмайди.

Имонга янги келган шогирдлар кўпинча нима иш қилаётганимизни ва нима учун шундай қилаётганимизни яқиндан кузатиб туришади ва бунинг натижасида ўз қадриятларини шакллантиришади. Улар кўпинча ўз саволларини “Нимага?” деган сўроқ билан бошлашади. Бундай саволларга жавоб топиш осон эмас, бироқ бу каби саволларни жавобсиз қолдирманг. Шогирдингизнинг саволига савол билан жавоб беринг. Уни мулоҳаза қилишга ўргатинг. Ундан: “Сокин вақтни қандай қилиб ўтказса яхшироқ?” деб сўранг. “Нима деб ўйлайсан, Муқаддас Китобни нима учун ўрганишимиз керак?”, “Бу муаммони ечишнинг бошқа йўллари борми?” — деб савол беринг. Бу каби саволлар шогирдингизни мулоҳаза қилишга чорлайди, масалани тушунишга ва ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

2. Ўзтиборингизни қўлланиладиган усулларга эмас, аксинча, бошқаларнинг ҳожатини чиқаришга қаратинг.

Исо шогирдлари билан Маъбад зиналаридан пастга тушаётганида, бир кўр кишига дуч келди. Бу одам ёрдамга муҳтож эди. Агарда мен ўша ерда Исо билан бирга бўлганимда эди, дарров у одамнинг олдига югуриб бориб, китобча берардим, унга Хушхабар айтган бўладим. Аммо ўша одам менинг қилган ҳаракатларимни тушунмаган бўларди, чунки у кўр эди.

Бу вазиятда Исо Ўзини бошқача тутди. У кўрнинг ёнига чўккалаб ўтирди—да, ерга тупурди, тупукдан лой қилиб, кўрнинг кўзларига суртди. Сўнг унга шундай деди: “Бориб, Силоам ҳовузида ювин.” Кўр одам бориб ювинди ва кўра оладиган бўлиб қайтди. (Юҳанно 9:7).

Шифо топган бу одам натижада Исога имон келтирди. Исо унга нажот Хушхабарини айтишдан олдин унга шифо бериш орқали муҳтожлигини қондирган эди.

Кўп масиҳийлар ўқув даргоҳларига кириб, шогирд орттириш усулларини синфхоналарда ўрганишади. Улар болалар хизматини олиб боришни, дарс ўтишни, жамоат аъзоларига ҳисобот беришни ўрганишади. Кўчаларда Хушхабар айтиб, ўтган–кетганларга китоб тарқатишни билишади. Бироқ улар Хушхабар айтганларида, одамларнинг Хушхабарга бўлга безътиборлигини кўриб, кўнгиллари ўксийди. Шунда улар Хушхабар айтишнинг янги усулларини ўрганиш учун яна бошқа ўқишга боришади ёки Хушхабар айтишдан бутунлай воз кечишади. Нега одамлар Хушхабарга қулоқ тутишмайди? Чунки кўпинча масиҳийлар Хушхабар айтганларида, тингловчининг эҳтиёжига безътибор бўладилар. Тингловчи унга тақдим қилинган Хушхабардан ўз қийинчиликларга жавоб топа олмагани сабабли суҳбатни давом эттиргиси келмайди. Тингловчининг бундай муносабатини кўрган хушхабарчи ҳам Хушхабар айтиш шаштидан қайтади.

Мен бир институтда дарс берганимда кўплаб талабалар имонга келган эди. Чунки ўша ўқув даргоҳида масиҳий талабалар имонсиз талабалар билан дўстлашиб, бир ётоқхонада туришарди. Улар биргаликда дарс тайёрлаб, спортга қатнашишарди, овқатлангани чиқиб, бирга кўп вақт ўтказишарди. Дўстлик ришталари Хушхабар учун аъло имконият яратиб берганди. Биз тез–тез пицца зиёфатларини уюштириб, талабаларни таклиф қилардик, будай зиёфатларда жуда кўп талабалар имонга келишарди. Буни кўриш биз учун шараф эди.

Бундай муваффақиятимиз ҳақида эшитган бир жамоат бизни таклиф қилиб, Хушхабарни ёйишда уларга ёрдам беришимизни сўради. Улар дўстларини бирор жойга таклиф қилишни режалаштиришди. Тузган режаларига кўра, улар бошида бир–иккита гувоҳлик бериб, сўнг Хушхабар айтишни мўлжалаган эдилар. Режалаштирилган йиғинни ўтказиш пайти келди. Бу йиғинга жамоатнинг кўп аъзолари келди. Таклиф қилинган меҳмонлар ҳам кўп эди, аммо ораларида биронта имонсиз одам йўқ эди.

Биз ўтириб, нимага бундай вазият рўй бергани ҳақида мулоҳаза қилганимизда, шундай хулосага келдик. Жамоат аъзоларининг кўплаб имонсиз танишлари бор эди, аммо биронтасининг имонсиз дўсти йўқ эди. “Танишлар” эса Хушхабарга ишончсизлик билан қарашарди.

Имонсиз киши билан қандай қилиб дўст бўлиш мумкин? У нимага муҳтож эканлигини қаердан билсак бўлади? Келинг, сизга бу борада бир нечта маслаҳат берай:

- *Яхши тингловчи бўлинг.* Биз яшаётган бу замонда ҳамма одамлар гапиришни яхши кўришади, кулоқ солиб ўтиришни эса ёқтиришмайди. Ўзгаларни сабр–тоқат билан эшитинг, шунда одамлар сиз билан тинмай гаплашадиган бўлишади. Одамларга бағрингизни очсангиз, улар ҳамма дардини сизга тўкиб сочади.

Кимгадир дардингизни айтганингизда, у одам ҳамма гапингизни “ҳа,ҳа” деб маъқўллаб, шунчаки бошини чайқаб ўтирганини кўрганмисиз? Сиз эса бундай бўлманг, биров сизга гапирганида икки кулоғингиз билан суҳбатдошингизнинг гапини тингланг. Хаёлингизни бир жойга жамланг.

Ўз муҳтожликларингиз, қийинчиликларингиз ва тажрибангиз ҳақида гапиринг. Дўстингиз ўзини ёлғиз сезмасин. Муқаддас Китобда шундай ёзилган: “Бошингизга оддий инсоний васваса келган.” (1Коринфликларга 10:13). Суҳбатдошингиз бошидан кечираётган қийинчиликлар сизда ҳам бўлганини айтинг. Унга камчиликларингиз ҳақида гапиринг, шунда у ҳам ўз камчиликлари ва қийинчиликларини сизга айта олади.

Техас штатининг Амарило деган шаҳрида бир гуруҳ эркаклар бор. Улар хонадонларда йиғилишиб, Муқаддас Китобни ўрганишади. Сўнгра ўрганган оятларни ўз ҳаётларига тадбиқ қилиш ҳақида гаплашишади. Бу гуруҳ йиғилишларига нафақат имонлилар, балки имонсизлар ҳам келишади. Уларни қийнаётган муаммолар ҳақида суҳбатлашиб, ўша муаммоларни бартараф қилиш йўллари излашади. Улар муаммоларни биргаликда ҳал этишга интилишади, биргаликда ибодат қилишади. Имонлилар ўзларини имонсизлардан устун қўймайдилар, ўзларини улардан ажратмайдилар. Натижада кўп имонсизлар ўша гуруҳда нажот топадилар.

- *Биргаликда вақт ўтказинг.* Дўстларингизни уйга таклиф қилинг. Улар билан бирга зиёфатларга боринг. Балиқ овига чиқинг. Дўстлик ришталарини боғлар экансиз, тўсиқлар ўз–ўзидан йўқ бўлади. Ҳақиқий дўстлар бир–бирини камчилигига қарамай яхши кўради. Сиз дўстингизни борлигича қабул қилганингизда эркинликка эришасиз, сиз унга ва у сизга ёрдам беришга мойил бўласиз, бир–бирингизга қалбингизни оча оласиз.

Шунда дўстингиз қийинчиликлари ҳақида сўз очганда, сиз табиий равишда Исо ҳақида гапириб кетасиз. Исо ҳаётингизда нималар қилганини айтасиз. Ушбу маслаҳатларимни ўқир экансиз, хаёлингизга бундан–да яхшироқ фикрлар келган бўлса керак.

Кимнингдир муҳтожликларини қондиришга ёрдам берганингизда, мақсад ва ишончга асос соласиз. Шогирдингиз ҳам, ўзингиз ҳам шу тариқа кўп нарсаларни ўрганасиз. Сиз

имонсиз шогирдингиз билан масихийча ҳаётнинг қадриятлари ҳақида суҳбатлашганингизда, Масих берган бу ҳаётнинг янги кирраларини кўриб, хайратда қоласиз. Авваллари сиз учун куруқ назарий билим бўлган Худонинг Каломи ҳаётингизда ишлай бошлайди ва қалбингизда чуқур илдиз отган имонни пайдо қилади.

3. Хунар ўргангандан кўра, тўғри фикр юритишни ўрганнг.

Исо Масих учун биз нима қилишимиз эмас, балки бизнинг кимлигимиз муҳим. “Сиз Худонинг фарзанди сифатида Худони акс эттириб турсангиз бас, қолган ишни Худонинг Ўзи бажаради.” Бу насиҳат қисқа бўлгани билан бир дунё доноликни ўз ичига олган. Нажоткоримиз Исо бизнинг онгимизни тубдан ўзгартирмоқчи. Нимага Исо фарзийлардан норози эди? Улар Хушхабарни айтмаганлари учунми? Йўқ, ахир Исонинг Ўзи фарзийларга шундай деган эди—ку: “Сизлар ҳеч бўлмаса бир кишини ўз динингизга киритиш учун денгизу куруқликни кезиб чиқасизлар.” (Матто 23:15). Унда нега Исо фарзийлардан норози бўлган? Улар Худонинг Каломини билмаганлари учунми? Йўқ! Фарзийлар Каломни мунтазам равишда ўрганган эдилар. Улар олган даромадларидан ушр берардилар, тоат—ибодатда бўлардилар, доимо рўза тутардилар. Ташқи кўринишдан улар яхши одамлар эдилар.

Сулаймоннинг ҳикматлари 23:7да шундай ёзилган: “Чунки у кўнглида нотўғри фикр қилади”. Исо фарзийларнинг ўй—хаёлларидан норози эди. Уларнинг фикрлаши ва дунёқараши Исога ёқмас эди. Уларнинг нотўғри фикр қилиши юриш—туришида, қадриятларида ва ҳаётга бўлган муносабатларида акс этиб турарди.

Одам ичидан ўзгариши керак. Бундай ўзгариш қуйидаги фазилатларда акс этган. Аммо бу фазилатлар рўйхати тўлиқ эмас: қалби ўзгарган одам ўз келажагини ўз кучи билан қурмайди. У ўз тақдирини Худонинг қўлига топширади, чунки Худо унинг ҳаётини тўлиқ бошқараётганига ишонади. У бошқаларга хизмат қилади. Ўз зарарига бўлса ҳам, бировнинг манфаатларини кўзлайди. Исонинг шогирди эга бўлиши керак бўлган фазилатлар рўйхатини сизнинг ўзингиз ҳам тўзишингиз мумкин.

Кўпинча онгдаги ўзгаришлар секин ва билинмай содир бўлади. Олдинги ҳаётимиз билан ҳозирги ҳаётимизни солиштирганимиздагина, ўзгариш рўй берганини кўришимиз мумкин. Менинг бир дўстим Инжил мактабини тугатганидан кейин ўйига қайтиб борди. У уйдан кетганига бир неча ой бўлган эди. У эски оғайнилари билан учрашиб ўтирганидан кейингина, ўзи қанчалар ўзгариб кетганини тушунган эди.

Одамларнинг аксарият қисми таълим жараёнини нотўғри тушунишади. Улар дарсхоналарда ёки жамоат биносида билим олишни — таълим олиш, деб билишади. Биз эса таълим ҳақида гапирганимизда одамнинг шахсиятини, унинг феъл—атворини ривожлантиришни назарда тутганмиз, инсондаги қадриятларни ўзгартириш ҳақида сўз юритганмиз.

Дунёдаги донолик бизга шундай насиҳат беради: “Кўлингдан келганини юлиб ол, кўлга киритганингни сақлаб қол, қолганини эса заҳарлаб йўқ қилиб юбор.”

Худо эса бизга шундай дейди: “Кўлингдан келганча бер, берганингни қайтариб оламан, деб ўйлама.”

Дунё дейди: “Ўзингга турмуш ўртоқ топ.”

Худо эса: “Менга ишон, вақти келганда Менинг Ўзим сенга тўғри инсонни олиб келаман,” — дейди.

Дунё дейди: “Бошқаларни йўқ қилиб бўлса ҳам, катта лавозимни эгалла.”

Худо эса: “Ўз манфаатингни эмас, бошқаларнинг манфаатини кўзла”, — деб ўргатади.

Инсон ҳаётида рўй берадиган бундай ўзгаришлар ниҳоятда муҳим. Бундай ўзгаришлар куруқ билимдан ва Муқаддас Китобни ўрганиш усулидан устундир. Ҳаётингизни Муқаддас Китобдаги ҳақиқат асосида қуриш, шунда имон ва мақсад табиий равишда шаклланади.

4. Шогирдингизга Худо ҳақида қуруқ билим бергандан кўра, Худога инонишни унга ўргатинг.

Ушбу бобнинг бошида биз “Уруғ сепувчи ҳақидаги масал”ни кўриб чиққан эдик (Луқо 8). Келинг, ўша масалга яна бир бор қайтайлик. Бу масални яна “Тўрт хил тупроқ” ёки “Худонинг Каломига бўлган тўрт хил муносабат”, деб атаса ҳам бўлади.

Масалдаги йўл устига тушган уруғлар Худонинг Каломига ишонмаган одамларни билдиради. 12–оятда шундай ёзилган: “Одамлар ишонмасликлари ва нажот топмасликлари учун иблис уларнинг юрагидан каломни олиб кетади.”

Тошлоқ жойга тушган уруғлар эса Худога юзаки ишонган одамларни билдиради: “Улар каломни эшитганда уни севинч билан қабул қиладилар. Аммо улар илдиз отмаган. Шунинг учун улар қисқа вақт давомида ишонадилар, синов пайти келганда эса имондан кайтадилар (13–оят).

Бундай одамлар Муқаддас Китобни ўқийдилар, аммо қийинчиликлар келганда Худодан юз ўгирадилар. Масихийликнинг қадрига етмаганлари учун, ўз жонларини фидо қилишдан қўрқадилар.

14–оятда эса учинчи турдаги одамлар ҳақида ёзилган: “Тиканлар орасига тушган уруғлар шундай одамларни билдирадими, улар каломни эшитадилар, бироқ умр давомидаги ташвишлар, бойлик ва ҳаёт лаззатлари бундай уруғларни бўғиб қўяди. Уларнинг ҳосили етилмайди.” Бундай одамларнинг имони бору аммо мақсади йўқ. Улар каломни қабул қиладилар, бироқ ҳаётлари учун нотўғри мақсад қўядилар. Қачонлардир ҳаёт учун муҳим бўлган нарсалар назардан четда қолиб кетади ва улар беҳуда бойлик ортидан кувиб кетадилар. Ҳаётларида Худонинг мақсади бўлмагани учун шунчаки кунларини ўтказиб юрадилар.

15–оятда тўртинчи турдаги одамлар тасвирланган: “Яхши тупроққа тушган уруғлар эса шундай кишиларни билдиради: улар каломни эшитиб, уни эзгу, самимий юракда асрайдилар ва сабр–тоқат ила ҳосил берадилар.” Бундай одамлар Худонинг ҳар бир Сўзига ишонадилар ва шу Сўзга кўра яшайдилар. *Имонни амалда қўллаган* бундай одамларнинг муносабати Худонинг Каломига бўлган энг тўғри муносабатни билдиради.

Демак, бу масалда ишонмаган одамлар ҳақида, имони суст бўлган одамлар, имони бору мақсади йўқ одамлар ва имонни амалда қўллаган одамлар ҳақида сўз юритилган.

Исо шогирдларига имон ҳақидаги бу масални сўзлаб бергандан кейин ҳаёт сабоқларини берди. У имон билан яшаш нима эканлигини амалда кўрсатди. Луқо 8–бобнинг қолган қисмларини қуйидагича бўлиш мумкин:

22–25–ОЯТЛАР—Исо бўронни тинчлантиради

26–39–ОЯТЛАР—Гераса худудидаги жинга чалинган одам

40–56–ОЯТЛАР—Исо Яирнинг қизини тирилтиради

43–48–ОЯТЛАР—Исо аёлга шифо беради

Бу вазиятлар орқали Исо имоннинг муҳимлигини кўрсатмоқчи эди. Ҳар бир вазият деярли бир хил зайлда ривожланган эди:

1. Муҳтожлик пайдо бўлди.

2. Исо ёрдам беришни ваъда қилади.

3. Исо ваъда бериши биланок кутилмаган кўргулик юз беради.

4. “Фақат ишонинг”, — деб айтади Исо.

Яирнинг қизи касал эди. Исо қизга шифо беришни ваъда қилди. Аммо қизча оламдан ўтди. Шунда Исо деди: “Кўркманг. Фақат ишонинг, қизингиз шифо топади.” (50–оят). Исо

одамларга Худонинг фазилатларини ёдлаттирмаган эди. Аксинча, У одамларга Худога инонишни ўргатганди.

Нима деб ўйлайсиз, Худони ким яхшироқ билган — Иброҳимми ёки замонавий илоҳиётшуносни? Замонавий илоҳиётшунос Худони яхшироқ билади, деб фараз қилишимиз мумкин. Чунки Иброҳим бизга Масихнинг иккинчи келиши ҳақида ҳеч нарса айта олмаган бўларди. У бизга Масихнинг илоҳий ҳамда инсоний табиати ҳақида ва бокира Марямдан Исонинг туғилиши сирини ҳақида маълумот бера олмаган бўларди. Илоҳиётшуносликка оид бошқа кўплаб масалаларни тушунтира олмаган бўларди.

Бироқ шуларга қарамай, Иброҳим Худони биларди! Муқаддас Китобда ёзилишича, фақатгина Иброҳим Худони мамнун қилган эди. Янги Аҳднинг ўзида Иброҳим ҳақида етмиш тўрт марта сўз юритилган. Галатияликларга 3:6да Иброҳим ҳақида шундай ёзилган: “У Худога ишонди, мана шу ишончи учун Худо уни солих, деб билди.” Худо Иброҳимдан ниҳоят даражада мамнун эди. Шу сабабдан Иброҳимларга мактубининг 11–боб, 16–оятда куйидагича ёзилган: “Шунинг учун Худо Ўзини Иброҳимнинг Худоси, деб аташдан ор қилмайди.”

Худо сизни билиши — бу бир нарса. Бироқ Худо Ўзини сиз орқали аён қилиши — умуман бошқа нарса. Еру осмонни яратган Худо шундай деганди: “Мен Иброҳимнинг Худосиман.” Қандай ажойиб–а! Яратгучи Ўзини Ўз бандаси орқали аён қилди. “Агар Менинг Ким эканлигимни билмоқчи бўлсангиз, — дейди Худо, — Иброҳимга қаранг.” Сиз–чи? Барҳаёт Худо Ўзини сиз орқали танитяптими? Иброҳим ҳақида айтган сўзларини Худо сиз ҳақингизда ҳам айта оладими? У сиз ҳақингизда: “Агар Менинг Ким эканлигимни билмоқчи бўлсанг, бу китобни ўқиётган бандамга қара” — деб айтадимми?

Биз сизга шогирд ўстиришда куйидаги қоидаларга риоя қилишингизни таклиф қилган эдик.

1. Шогирд ўстириш қадрияти шогирдни ўқитиш усулидан устунроқ бўлсин.
2. Эътиборингизни қўлланиладиган усулларга эмас, аксинча, бошқаларнинг хожатини чиқаришга қаратинг.
3. Хунар ўргангандан кўра, тўғри фикр юритишни ўрганинг.
4. Шогирдингизга Худо ҳақида куруқ билим бергандан кўра, Худога инонишни унга ўргатинг.

Бу тўртта насиҳат аслида бир ҳақиқатнинг турли хил кўриниши, бир олмоснинг турли хил қирралари эканлигини аллақачон англаб олган бўлсангиз керак.

Биз қараб турган бу қимматбаҳо тош аслида бизнинг имонимиз ва мақсадимиздир.

Бир киши шундай деганди: “Масихий ўз ҳаётининг тўқсон фоизини қувғинлардан омон қолишга сарф қилади.” Бу гапда жон бор. Бироқ омон қолиш ҳаётингиз мақсадига айланса инкирозга юз тутишингиз турган гап. Бундай ҳолда сиз ўзини химоя қилмоқчи бўлиб рингга чиққан боксерга ўхшаб қоласиз. Бундай боксёр жангда ғолиб бўла олмайди. Жангда ғоли бўлиш учун у нафақат ўзини химоя қилиши, баки яхшигина хужум уюштириши ҳам керак.

Хужум қилиш биз масихийлар учун мақсадимизнинг бир қисмини ташкил этиши даркор. Худонинг йўлида юрар эканмиз, шайтоннинг шохлигига хужум қилишимиз керак бўлади. Бунинг учун бизга имон ва мақсад керак. Имон ва мақсадга эришиш учун кўп машқ қилиш керак, машқ қилиш эса осон иш эмас. Бироқ эсингизда тутинг, ўз устидан ишлаган одам ўсади, ўсиш эса машақатли меҳнатни талаб қилади. Ўсиш ҳеч қачон осон ва ёқимли жараён бўлмаган. Шу сабабдан чақалоклар йиғлайди. Юришни ўрганаётган гўдак йиқилиб, шикастланади. Бироқ онаси гўдакка: “Қани тур болам, яна бир уриниб кўр,” — дейди.

Гўдак: “Йўк, бўлди!” — деб айтадимми? “Бир неча марта ҳаракат қилдим, энди умримнинг охиригача шу ерда турмай ётаман” — дейдимми? Асло! У туриб, юришга яна ҳаракат қилади. Менинг гўдак ўғлим ҳа деб йиқилаверганидан унга “Боши тош”, деб лақаб қўйдик.

Ўсиш жараёни ниҳоятда машаққатли ва азобли бўлгани учун, биз бу жараённи иложи борича тезроқ тугатишга ҳаракат қиламиз. Бироқ мазкур жараённинг афзал томонлари ҳам бор. Мисол учун, улғайган йигит жисмонан кўркам бўлиб боради. Бир куни қизим олдимга келиб менга шундай деди: “Адажон, қанийди шундайлигимча қолсам. Ҳозирги бўйим ўзимга ёқади, бундан баланд бўлишни истамайман, ёшим ўтишини ҳам хоҳламайман.” Аммо бунинг иложи борми? Албатта йўқ! Биз хоҳлаймизми йўқми — ўсамиз. Жисмоний табиатимиз шундай тузилган. Давлат қонунларимиз ҳам маънавий ўсишга бизни ундайди. Бола бешинчи синфдан кейин мактабни ташламоқчи бўлса ҳам бундай қила олмайди, чунки давлатимиз қонунлари бунга йўл қўймайди. Жамият олдида ҳам ўсиш учун жавобгармиз. Зеро ҳар бир инсон жамиятда ўзини тута билиши даркор, жамиятга фойдаси тегадиган бирон хунар ёки касб эгаси бўлиши шарт.

Инсон йигирма беш ёшини хатлаб ўтганда, анча бўшашиб қолади. У жисмонан ривожланиб бўлган, керакли бўлган асосий маълумотни олган, яъни колледжни битирган бўлади. У бу даврга келиб, нонини ўзи топиб ейдиган даражага етган бўлади. Шунда “Энди ўқиб нима қиламан?!” деб васвасага тушади. Кўпинча бу ёшдаги йигит–қизларга биз: “Ҳаётга энди кадам босдингизлар”, — деб айтамыз. Бу ёшдаги йигит–қизларга биз иложи борича кўпроқ далда беришимиз керак, токи улар ўсишда тўхтаб қолмай таълим олишни давом эттиришлари зарур. Аммо ўқиш машаққати ҳақида ўйлаган ёшлар кўпинча ўқишдан воз кечадилар. Кейин умрларининг охиригача ўз ўтмишларини эслаб юришади. Бир вақтлар ўқишда кўп муваффақиятга эришган бу одамлар, бора–бора “қуним ўтса бас” деган хаёл билан яшайдиган бўладилар.

Фақатгина имон ва мақсад ўсишимизда давом этишимиз учун бизга куч ва ғайрат ато қилади. Зеро, мақсад туфайли биз келажакни кўра оламиз, имон туфайли эса Худонинг иродасини юрагимизга жо қиламиз.

Джон В. Гарднер “Маҳорат” деган китобида шундай деб ёзган эди: “Бахт деганда биз кўпинча осойишталикни, хурсандчилик ва фароғатни, яъни ҳамма орзу–истакларимиз рўёбча чиққан ҳолатни кўз олдимизга келтирамыз. Лекин бу нотўғри тушунча. Одамларнинг аксарият қисми учун бахт бу — жон–жаҳд билан мақсад томон интилишни билдиради, нофаол осойишталикни эмас. Бағишланган одам бир вақтнинг ўзида ҳамма мақсадларига эриша олмайди. Унинг бутун ҳаёти мақсадларга тўхтовсиз эришишдан ташкил топади, у баъзи мақсадларига балки ҳеч қачон эриша олмас. Бундай одамнинг дам олишга, ўзи учун қулай шароит яратишга ҳам вақти бўлмаслиги мумкин. Кўпинча у асабийлашган, ташвиш тортган, чарчаган бўлади. Китобларда тасвир этилган бахтли ва осойишта ҳаётга у ҳеч қачон эга бўлмайди. Бироқ у ўзи учун ҳақиқий фаол бахтиёрликни топган бўлади. Барча орзулар амалга ошган бахтиёрлик афсонадир. Бундай бахтиёрлик инсонлар учун эмас, унга фақатгина моллар ёки қушлар эришиши мумкин.”

Мақсад ва имон Масиҳнинг ҳар бир шогирди учун асос ҳисобланади. Мақсад ва имон “ғолиб”ни шунчаки “қатнашувчи”дан ажратади. Имон маррасига етиш Мусо учун осон кечмади. Сиз учун ҳам бу осон бўлмайди. Мусо ҳаётининг дастлабки қирқ йилини фиръавннинг саройида ўтказган эди. Кейинги қирқ йили чўлда бировнинг қўйларини боқиш билан ўтди. Сўнгги қирқ йил давомида эса Мусо ўз халқи билан саҳрода дарбадар бўлиб, азоб тортди. Ҳаётининг боши аъло, охири эса аянчлига ўхшар эди. Ҳамма нарсадан воз кечиб юбориш Мусо учун осонроқ эди. Бироқ у имонига таяниб маррага етди. Натижада эса доврўғи бутун дунёга таралди. Ҳар бир мусулмон, яҳудий ва масиҳий Мусонинг кимлигини билади. Ҳар бир зиёли одам уни қонун берган буюк пайғамбар, деб тан олади.

Азоб–уқубат ва муваффақиятсизликка тўла Мусонинг ҳаёти аслида зафарона эди. Қандай қилиб у бундай натижага эришди? Зеро, Худога бўлган имони унга таянч бўлди ва у илоҳий мақсад сари интилиб яшади.

Шогирд ўстириш дастури — инъом ва қобилиятлар

Исо Масих Гўлготада хочга михланишдан олдин Самовий Отамизга илтижо қилиб, Ўз юрагини тўккан эди. Исонинг бу илтижосини биз Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 17–бобида ўқишимиз мумкин. Илтижонинг асосий мавзуси масихийлар орасидаги бирликдир.

Муқаддас Рух имонлиларга инъомлар улашиш орқали Масихнинг илтижосини ижобат қилиб, жамоатга бирлик олиб келмоқчи эди. Муқаддас Рух ҳамма инъомларни бир одамга бермай, уларни барча масихийлар орасида тенг тарқатганди. Шу орқали Рух ҳар бир имонли одам муҳим эканлигини кўрсатмоқчи эди. Демак, жамоат тўла–тўққис бўлиши учун жамоатнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳиссасини қўшиши керак, ҳамма масихийлар бир–бири билан ўзаро боғлиқ бўлишлари даркор. Биз ҳаммамиз бир–биримизга муҳтожмиз, чунки бир ўзимиз ҳамма инъомларга эга эмасмиз. Жамоатга бирлик олиб келиш учун Худо шу йўлни танлаган эди. Бироқ жамоатларимизга кириб келган баъзи муаммолар бирликка путур етказмоқда.

Кўп муаммолар янги масихийларнинг ўтмиши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда имонга келган кўп одамларнинг дунёқараши борлиқ назариясига асосланган, улар ҳаётда ҳамма нарсани татиб кўриш керак, деб ишонишади. Ҳаётнинг асл мақсадини топиш учун наша чекишади, ишқий саргузаштларга берилишади, ҳеч бўлмаганда, булар ҳақида ҳазил қилишади. Ҳаётдаги “тажриба орттириш” деган бу нотўғри тушунча жамоатларга ҳам кириб келган. Ушбу иллат турли хил кўринишларга эга, улардан бири — Муқаддас Рухдан энг аъло инъомларни олишга ҳаракат қилиш.

Жамоатларда инъомлар билан боғлиқ бўлган бошқа бир муаммо бу — одамлар ўзларини бошқалар билан солиштиргани учун ёки бошқалардан устун бўлмоқчи бўлгани учун, инъомлар олишни хоҳлаб қолишади. Бошқаларда йўқ инъом менда бўлса, мен ўзимни улардан устун тутаман. Борди–ю, бирон одамда менда йўқ инъом бўлса, мен унга ҳасад қиламан. Бирлик келтириш учун мўлжалланган инъомлар биродарлар орасида адоватга сабаб бўлди. Бундай адоват севгининг йўқлигидан далолат беради. Павлус Коринфликларга 1–мактуб, 13–бобда севги мавзусига бағишлаган парчада айнан шу масалани кўтарган эди. 12 ва 14–бобларда эса инъомлар ҳақида сўз юритганди.

Инъомлар билан боғлиқ бўлган яна битта муаммо бу — кўп масихийларнинг қайси инъомларга эга эканликларини билмасликлари. Улар “инъомим бўлиши керак”, деб ишонадилар, чунки буни Муқаддас Китобдан билиб олганлар. Бироқ улардан: “Қандай инъомларингиз бор?” — деб сўрасангиз, улар саволингизга жавоб бера олмайдилар.

Биз янги шогирдларни ўстирар эканмиз, асосий мақсадларимиздан бири — уларга инъомларини топиш ва ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат. Зотан, Худо ҳар бир масихийга инъомлар берган. Ҳар биримиз олган инъомларимизни ривожлантиришга ва жамоат фаровонлиги учун уларни ишлатишга жавобгармиз. Биз янги масихийларни шунчаки дастурга риоя қилаётган ва шогирд орттираётган техник хизматчиси қилмоқчи эмасмиз. Аксинча, уларнинг инъомларини ривожлантирмоқчимиз, токи улар етук аёл ва эркаклар бўлсинлар.

Инъомларнинг мақсади ва аҳамияти

Бу мавзуга ўтар эканмиз, келинлар, Павлуснинг Коринфликларга ёзган 1–мактубидаги 12–бобни кўриб чиқайлик. Бу бобда инъомлар рўйхати келтирилган.

Бобнинг 1–11–оятларида инъомларнинг турличалиги ва кенг қўламда ишлатилганини кўришимиз мумкин. Кўпинча китобхонлар шундай саволлар билан мурожаат қиладилар: “Бу рўйхат тўлиқми ёки бу ерда тилга олинмаган бошқа инъомлар ҳам борми? Муқаддас Китобда бундан ҳам тўлиқроқ рўйхат мавжудми? Худо Муқаддас Китобда айтилган инъомлар билан чекланиб қоладими?” Менинг ўйлашимча, Муқаддас Китобда, чунончи, 8–10–оятларда келтирилган инъомлар рўйхати шунчаки мисол қилиб келтирилган. Аслида, Худо берадиган инъомларнинг чеки йўқ.

Бу ниҳоятда муҳим масала, чунки сиз шогирдингизга инъомларини топишга ёрдам берганингизда, уни рўйхатдаги инъомлар билан чеклаб қўйишингиз ёки бу масалага кенгроқ қарашингиз мумкин. Мен одамларга инъомларини топишда ёрдам берганимда шундай ғояга асосланаман: “Муқаддас Рух томонидан бошқарилган одамдаги ҳар қандай қобилият ва инъом Худодан берилган.” Муқаддас Китобдаги инъомлардан ташқари биз шогирдимиздаги мусика, рассомчилик, ёзувчилик ёки санъат соҳасидаги қобилиятларга эътибор беришимиз мумкин. Шогирдимизга инъомларини топишга ёрдам берганимиздан кейин, қандай қилиб бу инъомлар орқали янги шогирдлар орттириш мумкинлигини кўрсак бўлади.

Худо биз учун тайёрлаб қўйган барча эзуликларга биз Исо Масиҳнинг хочдаги ўлими туфайли эриша оламиз. Масиҳга имон боғлаган одам сифатида мен Худо менга берган барча нарса учун ўзим жавобгарман. Шогирдингизга Худо берган инъомларини топишга, уларни ривожлантириб, ишлатишга ёрдам берар экансиз, унга жавобгар инсон бўлиб етишишга кўмаклашган бўласиз. Чунки Исонинг ўлими туфайли берилган бу инъомларни ўзлаштириш — ҳар бир масиҳийнинг жавобгарлигидир.

12–31–оятларда бадан ва баданнинг узвлари ҳақида сўз юритилган. Узвлар баданни ташкил қилиб, ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Юқорида айтганимиздай, Муқаддас Рух ҳар бир кишига ўзига ҳос инъомларни беради. Бу дегани, ҳар бир имонли кишининг жамоатда ўз ўрни бор, шу билан бирга, у жамоатнинг бошқа аъзолари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу парчадан кўриниб турибдики, ўзимизни бошқалар билан солиштириш ғирт аҳмоқликдир. Мен ўзимни биродарим билан солиштирганим, гўёки қўлни оёқ билан солиштиришга ўхшайди. Агар мен жамоатдаги ўз вазифамни ва биродаримнинг вазифасини тўлиқ англай олсам, мен унинг муваффақиятига севина оламан, чунки унинг муваффақияти бутун жамоатимизга ижобий таъсир кўрсатишини биламан.

Мен Мексико шаҳрига борганимда, университет биноларининг бирида ниҳоятда чиройли бир расмни кўрдим. Бу ажойиб расм турли рангдаги ва ҳажмдаги тошлардан ясалган эди. Агар тошларнинг бири олиб ташланса, расм нуқсонли бўлиб қолган бўларди. Сизнинг инъомларингиз ҳам ўша расмдаги тошлар вазифасини ўтайди. Агар инъомларингизни ишлатмасангиз, Масиҳнинг жамоатингиз орқали қилаётган хизмати тўлиқ бўлмайди.

Футболдаги ҳужумчини мисол қилиб олайлик: унинг бир ўзи ғалабага эриша олмайди. Унинг ўйиндаги ўрни ниҳоятда муҳим бўлгани билан командадаги бошқа ўйинчиларнинг ёрдамига муҳтож. Контрабасни ҳам мисол қилишимиз мумкин. Бу мусиқа асбобининг овози ҳаддан ташқари йўғон, у ўзича чалинса жуда хунук эшитилади, аммо оркестрда бошқа мусиқа асбоблари билан бирга чалинганда, гўзал бир мусиқани яратади.

11–18–оятларда Худо ҳар биримизга Масиҳнинг бадани бўлмиш жамоатда ўз вазифамизни бергани ҳақида ёзилган. Кўпинча масиҳийлар ўзларини бошқалар билан солиштирганлари учун ўз инъомларининг кадрига етмайдилар ва ўзларига паст назар билан қарайдилар. Мисол учун, агар мен чўпон орқали имонга келган бўлсам, ўша чўпондай бўлишга ҳарат қиламан. У каби ваъз айтишга интиламан, бироқ бунинг уддасидан чиқа олмасам ўзимни камситиб, паст кўраман. Ёки, агар моҳир кўшиқчи орқали имонга келган бўлсам ва у менга устозли қилса, мен у каби мусиқачи бўлишга интиламан, натижада ўз қобилиятларимни унинг қобилиятлари билан солиштира бошлайман. Унга тенг кела олмаганимдан кейин эса, ўзимга паст назар билан қарай бошлайман.

Биз шогирдларимизга уларнинг инъомлари нақадар муҳимлигини дастлабги даврданок ўргатишимиз мумкин. Бу инъомлар қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар бир шогирд шахс сифатида муҳимлигини кўрсатади. Бироқ эсингизда бўлсин, инъомлар фақатгина шахсий манфаат учун берилмайди. Ҳар бир инъомнинг мақсади имонлилар жамоатини ўстириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Инъомнинг кадри Масиҳнинг оиласига келтирилган фойданинг даражаси билан ўлчанади.

25–26–оятларда бадандаги ҳар бир узвнинг фаолияти ва бир–бирига боғлиқлиги ҳақида ёзилган. Колосаликларга ёзган мактубида 1:24да Павлус шундай деган: “Мен сизлар учун азоб чекаётганимдан хурсандман. Чунки шу йўл билан мен ҳам Масиҳнинг Ўз танаси, яъни жамоат учун чекаётган азобларида қатнашяпман.” Менинг тушунишимча, Масиҳ ҳозир ҳам қайсидир маънода жамоат учун азоб чекапти. Унинг бу азоби жисмоний эмас, чунки У хочда жисмоний азобни тортиб бўлган. Бироқ У жамоатнинг боши бўлгани учун 1 Коринфликларга

12:25–26да ёзилганидай, жамоат қийналганда У Ўзи ҳам қийналади. Чунки бошга кимдир зарба бермоқчи бўлганда, қўл автоматик равишда бошни ҳимоя қилиб, зарбани ўзига олади.

Жамоатнинг бир аъзоси Масих туфайли азоб чекканда, бутун жамоатга таъсир қилади. Мисол учун, Джон Эллиот ва унинг тўртта ҳамкори Эквадорда ўлдирилганда, бутун жамоат азият чеккан эди. Уларнинг ўлими пайдо қилган бўшлиқни ҳаммамиз тўлдиришимиз керак бўлди. 1 Коринфликларга 12–бобдаги мавзу асосида шундай мисол келтиришимиз мумкин: оёқ ампутация қилинганда, бутун бадан қийналади, лекин бадан бу янги ҳолатга кўникиб кетади. Бадан кўниккани билан олдингидай фаол бўла олмайди, у ногирон бўлиб қолади.

Агар одамнинг инъомлари жамоат фаровонли учун хизмат қилмаса, озгина вақтдан кейин у ўзини жамоатда бегонадай сеза бошлайди ва ўзини кадрламай қўяди. Шу сабабдан Арслонлар клуби, Оптимистлар клуби ва Массонлар клуби ниҳоятда машхур бўлиб кетяпти, чунки улар ўз аъзоларини кадрлай олади ва ардоқлайди.

Инъомларингизни топинг

Ҳар бир масиҳий ўз инъомларини топиб, уларни жамоат фаровонлиги учун ишлатиши керак. Жамоатнинг бирор аъзоси ўз инъомини керакли даражада ишлатмаса, жамоат ногирон бўлиб қолади. Одамларга уларнинг инъомларини топиб ривожлантиришга қандай ёрдам берсак бўлади? Келинг, сизга тўртта маслаҳат берай:

1. Шогирдингиз одамлар билан кўпроқ мулоқот қилсин.

Биринчи Коринфликларга мактубда ёзилишича, руҳий инъомларнинг мақсади жамоатни ўстиришдан иборат. Инъомлар фақат ўзимиз учун эмас. Агар шогирдингиз ўз инъомларини билмаса, бунинг сабаби ўзини одамларга бағишламаслиги бўлиши мумкин. Биз одамларга бағишланиб хизмат қилсакгина, ўз инъомларимизни топамиз. Шунинг учун шогирдингизга далда беринг, у бошқаларга хизмат қила бошласин. У бошқаларга хизмат қилгани сари инъомлари равшан бўлиб бораверади.

2. Шогирдингиз бор инъомларини амалда қўлласин.

Келинг, ўқитувчилик инъомини мисол қилиб олайлик. Агар шогирдингизда ўқитувчилик инъоми бор, деб ўйласангиз унга далда беринг, у бу инъомини ривожлантириш учун ҳар қандай вазиятдан фойдалансин. У бошқаларни ўқитар экан, ҳақиқатан ҳам инъоми борми ёки йўқми билиб олади.

3. Умумий қилиб гапирганда, одам нимага қизиқса ва қайси соҳада имонини қўллай олса кўпинча инъоми ҳам ўша соҳага оид бўлади.

Мен сизга ўз ҳаётимдан мисол келтирмоқчиман. Менда шифо бериш инъоми йўқ. Касал одамларни учратганимда улар учун ибодат қилиб, яхши бўлиб кетишларига ишонишим жуда қийин. Мен воизлик қилишни ёқтираман. Саҳнага чиқишдан олдин доим асабийлашаман, бироқ бундай кўркувни енгишга етарлича имоним бўлгани учун, буни уддалай оламан.

4. Шогирдингиз инъомларини тўғри баҳо бера оладиган одамлар олдида ишлатсин

Агар шогирдингиз, ўқитувчилик инъомим бор деб ўйласа, моҳир ўқитувчи унга баҳо берсин. Агар шогирдингизда воизлик қилиш инъоми бўлса, воизхонлар уни баҳоласин.

Аммо сизларни огоҳлантириб қўймоқчиман. Худонинг амрларига ҳаммамиз, инъомимиз борми ёки йўқми, сўзсиз итоат қилишимиз даркор. Хушхабар айтишни мисол қилиб олишимиз мумкин. Сизда ва менда Хушхабар айтиш инъоми бўлмаслиги мумкин, аммо Худо бизга Хушхабар айтишни амр қилган. Инъомимиз йўқлигидан биз бу амрни бекор қила олмаймиз. Шундай экан, ҳаммамиз Хушхабар айтишга мажбурмиз.

Инъомлар ва Худонинг даъвати

Худо ҳеч қачон бизга қўлимиздан келмайдиган ишни буюрмайди. Баъзи пайтларда, Худо буюрган иш қўлимдан келмайди, деб ўйлаймиз. Худо Мусога фиръавн хузурига боришни ва Исроил халқини Мисрдан олиб чиқишни буюрганида, Мусо шундай деганди: “Эй Эгам, Сен бу иш учун нотўғри одамни танладинг.” Аммо Худо унга шундай жавоб берди: “Мен тўғри одамни танладим. Бу вазифани бажара олишинг учун сенга керакли ҳамма инъомларни бераман.”

Инъомлар ва Худонинг даъвати доимо мутаносиб бўлади. Кўп жамоатларда чўпонлар хизматга тайинланганда маҳсус маросим ўтказилади. Бу маросимни мажлис ҳайаъти ўтказди. Улар чўпонликка тайин этилаётган шахснинг керакли инъомлари ва маълумоти борлигини кўриш учун уни имтиҳон қилишади.

Имтиҳон қилинаётган шахс: “Худо мени чўпон бўлишга даъват этган,” — деб жамоатга айтади.

Жамоатдагилар эса шундай дейишади: “Қани кўрайлик—чи, сизнинг керакли инъомларингиз борми, Худо сизни ҳақиқатан ҳам бу хизматга чақирганми ёки йўқми.” Мажлис ҳайаъти ўша одамни чўпонлик қилишга лойиқ деб топгандан сўнг, маросим ўтказилади. Бу маросим Худо ҳақиқатан ҳам ўша одамни чўпонликка даъват қилгани ва унга керакли инъомлар берганини билдиради.

Имонга янги келган одам масиҳийча ҳаётининг дастлабки давриданоқ ўз инъомларини топиши ва уларни ривожлантириши ниҳоятда муҳим. Унинг ҳаётидаги мақсади инъомларига мос келиши керак. Кўп масиҳийлар ўз инъомларини билмаганлари учун қайси касбни танлашни билишмайди. Масиҳ шогирдининг ҳаёти жуда қизиқ ва маънолидир, чунки у одамларни ижобий томонга ўзгартиради, уларни Масиҳга ўхшаш қилади.

Шогирд ўз ҳаётидан завқ олиши учун, Худонинг унга берган инъом ва қобилиятларини ишга солиши керак. Унинг қилган хизмати инъомларига мос келиши зарур. Шу сабабдан шогирдга ўз инъомларини топишга ва ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳар қандай ўқишлар мақсадга мувофиқ бўлади.

11–БОБ

Кўнайтириш омили

1945 йилда бир гуруҳ тажрибали олимлар кўп ойли тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш учун Нью Мехикодаги саҳрода йиғилишди. Бу оламшумул ҳодиса эди, чунки тадқиқот натижалари муваффақиятли чиқса, жаҳон урушларига чек қўйиш имконияти яралган бўларди. Олимлар илк бор атом бомбасини ишлатиб кўрмоқчи эдилар.

Хиросима ва Нагасакидаги фожиадан кейин атом энергияси турли хил соҳаларда ишлатилиб келмоқда. Инсоният ядро қуролларидан тортиб, то қимматбаҳо энергия манбаи бўлган станцияларда атом энергиясидан фойдаланмоқда. Атом энергияси инсоният тараққиётини жадал тарзда ривожлантириб юборди.

Атом бомбасининг ишлаш механизми ниҳоятда содда. Атомдаги тез ҳаракат қилувчи нейтрон зарралари бомбани ичидан бўла бошлайди. Нейтронлар уран сингари радиоактив моддадан ташкил топган ядрога бориб урилади, натижада ядро икки қисмга бўлинади. Пайдо бўлган икки хил ядродан учта янги нейтрон ажралиб чиқади. Бу янги нейтронлар ядрога урилиши натижасида бўлиниш жараёни такрорланади. Ҳар сафар ядро бўлинганда энергия

ҳосил бўлади. Бундай узлуксиз реакция ва ҳосил бўлаётган энергия натижасида портлаш содир бўлади.

Исо Масих ҳақидаги Хушхабарда ҳам атом энергияси сингари қудратли бир куч мавжуд. Бу куч руҳий уйғониш шаклида юзага чиқади. Руҳий уйғонишга етишиш учун эса Хушхабарни ёйиш ва шогирдларни кўпайтириш даркор.

Кўпайиш қондаси

Кўпайиш — оламнинг фундаментал қондаларидан бири ҳисобланади. Дунёдаги мавжуд бўлган ҳамма нарса: мол–қўйлар, ёввойи ҳайвонлар, дарахтлар, гуллар, ҳатто бактериялар кўпайиш қондасига риоя қилади. Худо ўз ишини кўпайиш орқали бажаради.

Ибтидо 1:28да шундай ёзилган: “Худо инсонларга марҳамат кўрсатиб, айтди: Баракали бўлиб, кўпайинглар, ер юзини тўлдириб, итоат эттиринглар, денгиздаги балиқлар устидан, осмондаги қушлару ер юзида яшовчи ҳар турли жониворлар устидан ҳукмронлик қилинглар.”

Бу оятда Худонинг инсонга илк бор берган амри ёзилган. Бу дастлабки амр кўпайиш тўғрисидадир. Худо берган барча амрларидан биз фақатгина шу амрга сўзсиз риоя қила олдик. Инсон ҳақиқатан ҳам ер юзини тўлдириб юборди.

Бу амрни сон билан куйдагича тушунтиришимиз мумкин: агар ота–онада иккита фарзанд бўлса, улар бор сонни сақлаб қолиб, аҳолининг кўпайишига ҳеч қандай ҳисса қўшмаган бўладилар. Агар ота–онанинг учта ёки ундан кўпроқ фарзанди бўлса кўпайиш юз берган бўлади. Бола қанча кўп бўлса аҳоли шунча тез кўпаяди.

Албатта фарзанд кўриш осон кечмайди. Ҳар бир фарзанд — кўшимча ҳаражатни билдиради. Қанча фарзанд кўп бўлса, сарф–ҳаражат ҳам шунга яраша кўпаяди. Оилага ҳам эътибор шунга яраша ошади, чунки ҳар бир фарзандга эътибор ва севги керак. Кўпроқ қарорлар чиқаришга тўғри келади, касал бўлиш сони ошиши мумкин. Шунингдек, сиқилиш ва ташвиш тортиш вазиятлари ҳам кўпаяди. Фарзанднинг сони қанча кўп бўлса, шунча кўп вақт талаб қилинади.

Табиатда салмон деган балиқ бор. Бу балиқ учун кўпайиш — ўлим билан баробар. Тухум қўйиш пайти келганда салмон сув оқимга қарши сузиб, қумга тухум қўяди, сўнг ўлади.

Буғдой дони ҳам ҳосил бериш учун ўлиши керак. Исо шундай деган эди: “Сизларга чинини айтай: агар буғдойнинг дони ерга тушиб ўлмаса, у бир донлигича қолади. Агарда ўлса, кўп ҳосил беради.” (Юҳанно 12:24).

Ҳатто атом бомбаси ҳам портлашни ҳосил қилиш учун, ичидан парчаланиб кетади. Бундан ташқари, атом бомбасини ишлаб чиқаришга катта миқдорда пул сарфланади.

Шогирд орттириш — кўпайиш демақдир. Кўпайиш жараёни шунчаки Хушхабар ёйиш билан чекланиб қолмайди. Шогирд орттириш кўпроқ вақт талаб қилади. Раббимиз Исо буюрган Буюк Топширикни бажарганимизда шуни ҳисобга олишимиз керак. Келинлар, сизларга бир мисол келтирай: мойланган хушхабарчи ҳар куни мингта одамга Хушхабар айтиши мумкин. Шунда бир йил давомида у 365 000 кишига нажот хабарини етказган бўлади. Нақадар ажойиб хизмат–а!

Энди уни бир кунига мингта одамни эмас, балки бир йилда бир одамни имонга олиб келган биродар билан солиштирайлик. Бир йил давомида ўша биродар фақатгина биттагина одамни, хушхабарчи эса 365 000та одамни имонга олиб келган бўлади. Лекин бу биродар нафақат бир одамни имонга олиб келади, балки уни шогирд қилиб ўстиради, деб фараз қилайлик. У шогирдига ибодат қилишни ва Муқаддас Китобни мустақил ўқишни ўргатади, имонли биродарлар орасига олиб келади, шунингдек, Хушхабар айтишни ўргатади, дейлик. Йилнинг охирига келганда, бу шогирд ҳам ўз навбатида шогирд орттириб, ўстира бошлайди.

Иккинчи йилнинг бошига келиб, юқорида айтиб ўтилган биродар ўз хизматини икки баробар кўпайтирган бўлади — у энди бир ўзи эмас, шогирди билан иккита бўлишди.

Иккинчи йил давомида улар иккови чиқиб, мингта одамни эмас, ҳар бири бир одамни имонга олиб келади. Иккинчи йилнинг охирига бориб, улар тўртта бўлишади. Кўпайиш жараёни нақадар секин кетаётганига ўзингиз гувоҳсиз. Бироқ эътибор беринг, улар имонга олиб келган шогирдларни руҳий гўдак ҳолида ташлаб қўймай, уларни ўстиришяпти. Агар улар ҳар йили биттадан шогирд орттиришса, йигирма тўртинчи йилга келганда сон жиҳатдан хушxabарчидан ўзиб кетишади. Шундан кейин бу битта биродарнинг хизмати ўнта таниқли хушxabарчининг хизматидан ҳам самаралироқ бўлади.

Бу билан мен хушxabарчининг хизматини камситмоқчи эмасман. Шунчаки, хушxabарчи ҳалок бўлаётган дунёни бир ўзи қутқара олмайди, деб айтмоқчиман.

Кўпайиш жараёнини яна қуйдаги мисол билан тушунтирса ҳам бўлади. Бир одам икки ўғлига шундай деди: “Сизларга эллик икки ҳафта давомида пул бермоқчиман. Хоҳласангиз ҳар ҳафта ўн минг сўмдан бераман ёки биринчи ҳафта юз сўм бериб, ҳар кейинги ҳафта берилган пулнинг миқдорини икки баробар ошириб бераман.” Тўнғич ўғил ҳафтасига ўн минг сўмдан олишга рози бўлди. Кенжа ўғил эса отасига шундай деди: “Отажон, менга юз сўм бера қолинг, натижаси нима бўлишини кўрмоқчиман.” Бу вазиятда кенжа ўғилнинг қарори тўғрилиги ҳаммамизга маълум. У акасига қараганда анча катта пул олади, чунки биринчи йилнинг охирига келиб, бутун умрига етадиган пулга эга бўлади.

Жисмоний дунёдаги бу кўпайиш қонунини Худо руҳий дунёга ҳам татбиқ қилмоқчи. Жамоат Буюк Топширикнинг уддасидан чиқа олмаётганининг сабаби шуки, дунё аҳолиси ўсишда кўпайтириш амалидан фойдаланмоқда, жамоат эса кўпайтириш амалининг ўрнига қўшиш амалини ишлатмоқда. Қўшиш амали ҳеч қачон кўпайтириш амалига бас келмайди.

Бир вақтлар Чикагодаги “Илм ва саноат музеида” кўргазма ўтказилган эди. Бу кўргазмада шахмат тахтаси экспонат қилиб қўйилганди. Тахтанинг биринчи катагига бир дон дон, иккичисига иккита, учинчисига тўртта, сўнг саккизта, ўн олтига, ўттиз иккита, олтмиш тўртта, бир юз йигирма саккизта ва ҳоказо. Тахтанинг сўнгги бир катаги шу қадар ошиб–тошиб кетган эдики, донлар ўша катакка сиғмай ёнидаги катакларга тўкилиб турарди. Ундан кейинги катакка эса дон қўйилмаганди. Тахта узра шундай ёзув осилиб турган эди: “Агар ҳар бир каттака олдингидан икки баробар кўп дон қўйилган бўлса, олтмиш тўртинчи катакка келиб, тахтанинг устида нечта дон бўлади?”

Бу топишмоқнинг жавобини кўриш учун шахмат тахтаси ёнидаги асбоб тугмачасини босиш керак эди. Шунда юқоридаги экранда қуйидаги жавоб чиқарди: “Бу дон билан бутун Ҳиндистон қитъасини кўмадиган уюм қилса бўлади, дон уюмининг баландлиги ўн беш метрдан иборат бўлади.”

Кўпайиш жараёни машаққатли бўлиши мумкин ва дастлабки даврда қўшиш амалидан кўра секинроқ ишлайди. Аммо узоқни кўзлаган одам бу усулни, энг самарали усул, деб билади. Буюк Топширикни бажаришнинг бирдан–бир йўли бу кўпайишдир.

Кўпайишга калит бу — сифат

Кўпайишга эришишда асосий омиллардан бири бу шогирдни яхши тайёрлашингиздир. Агар гуруҳингиздаги бир одам шогирд орттира олмаса самарадорлигингиз икки баробар пасаяди.

Адольф Гитлернинг мақсадларидан бири — яхудий миллатини йўқ қилиб юбориш эди. Аммо у қанча уринмасин, мақсадига етмади. Яхудий халқи Гитлер туғилмасидан олдин ниҳоятда кўпайиб кетган эди. Борди–ю, Гитлер Иброҳим билан бирга Мориёх тоғида бўлганида эди, у Исҳоққа пичоқ санчиб, бир зарба билан бутун яхудий халқини йўқ қилиб юбориши мумкин эди.

Бугунги кунда ядро реакцияси энергияни ҳосил қилиш учун ишлатилмоқда. Ядро реакцияни графит таёқлари билан бошқариб турса бўлади. Агар камерага бир нечта графит

таёқлари солинса нейтронларнинг кўпайиши сустлашиб, портлашнинг олди олинади. Масихнинг жамоати бўлган биз шогирдларни кўпайтириш орақали рухий “портлаш” бўсағасида турибмиз. Бироқ шайтон бизни тўхтатмоқчи бўлиб, йўлимизга “таёқларини” суқади. Исо бу ҳақда бизни огоҳлантириб, шундай деган эди: “Дунёнинг ташвишлари, бойликка ўчлик ва бошқа ҳаваслар уларнинг юракларига кириб, каломни бўғиб кўяди, калом эса самарасиз қолади.” (Марк 4:19).

Эсингизда бўлса, ҳаворий Павлус шогирди Тимўтийга шундай деган эди: “Кўп шохидлар ҳузурида сен мендан нима эшитган бўлсанг, бошқаларга ҳам таълим беришга қобилиятли, ишончли одамларга топширгин.” (2Тимўтийга 2:2).

Бу парчада тўртта авлод тилга олинган: Павлус, Тимўтий, ишончли одамлар ва бошқалар. Кўпайишга эришиш учун биз бошқаларга таълим бера оладиган ишончли одамларни шогирд қилиб ўстиришимиз керак.

Кўпайиш учун зарур бўлган шогирд ўстириш жараёни секин кечади ва қимматга тушади. Бу жараён кўп вақт талаб қилади. Агар уни қисқа вақтда амалга оширмоқчи бўлсангиз, бутун жараённи ҳавф остига қўйган бўласиз. Шу сабабга кўра шогирд ўстириш хизмати ҳеч қачон машҳур бўлмаган. Бу хизматнинг самараси ҳаммага ёқади, бироқ унга етишиш учун ҳеч ким тер тўкиб, меҳнат қилгиси келмайди.

Мен бир дўстим билан шогирд ўстириш хизмати ҳақида гаплашганимизда, у менга шундай деди: “Мен ҳозир элликта шогирдга устозлик қиляпман.” Шунда биз иккаламиз бошқа–бошқа мавзулар ҳақида гапираётганимизни сездим. Чунки бир пайтнинг ўзида элликта одамга устозлик қилиб бўлмайди — бу имконсиз нарса. Шогирд ўстириш шахсий муносабатга асосланган. Шогирдларни ёппасига ўстириб бўлмайди.

Раббимиз Исо ердаги хизмати давомида инсон қиёфасидаги Худо эди. У барча рухий инъомларга эга эди. У мукамал эди, оилага ғамхўрлик қилиш ва пул топиш жавобгарликларидан ҳоли эди. Шунга қарамай, У Ўзига фақатгина ўн икки шогирдни танлаганди. Ўша ўн икки шогирди орасидан эса, учтасини Ўзига энг яқин тутди. Агар Раббимизнинг Ўзи фақатгина ўн иккита шогирдни ўстирган бўлса, бизга йўл бўлсин. Биз ўзимизга ҳос бўлган ожизлик ва чекланишларимиз билан, икки дунёда ҳам бир пайтнинг ўзида элликта шогирдни ўстира олмаймиз.

Павлус Коринфдаги жамоатга ёзган иккинчи мактубида ўз сафари ҳақида шундай деган эди: “Масихнинг Хушхабарини етказиш учун Троас шаҳрига келганимда, Раббим менга бир эшик очиб берган эди. Шунга қарамай, руҳим тинч эмас эди, чунки биродарим Титусни у ерда топмаган эдим. Ниҳоят, у ёқдагилар билан хайрлашиб, Македонияга жўнадим.” (2Коринфликларга 2:12–13)

Павлус Троас шаҳрига борганида Худо унга нафақат Хушхабар айтиш имкониятини, балки Хушхабарга қулоқ соладиган одамларни ҳам берган эди. Бироқ шогирди Титус у ерда бўлмагани учун, Павлус ундан ҳавотир олиб, уни қидириб кетди. Титусни деб, Павлус бутун шаҳарга Хушхабар айтиш имкониятини қўлдан бой берди.

Ўша вазиятда Павлус ҳис–туйғусига берилиб, нотўғри иш қилди, деб ўйлашимиз мумкин. Аммо, ким билсин, балки ҳақиқатан ҳам ўша вазиятда Титусни топиш, бутун шаҳарга воизлик қилишдан кўра муҳимроқ бўлгандир. Нимага? Чунки Павлус Титусни ўзига ҳамкор қилиб ўстирганда эди, у ўз хизматини икки ҳисса самарали қила олган бўларди. Кейинчалик, улар биргаликда бир шаҳар аҳолисига эмас, балки иккита шаҳар аҳолисига Хушхабар айтишлари мумкин эди.

Кўпайиш жараёнида ҳар бир шахс муҳим. Буни биз Ҳаворийларга 8–бобдан билиб олишимиз мумкин. Ҳаворийлар китобининг 6–бобида танланган хизматкорлардан бири бўлган Филип Самария шаҳрига бориб, Хушхабарни айтди. 8–боб, 6–оятида эса, у ҳақда

шундай ёзилган: “Филипни тинглаб турган ва қилган мўъжизаларини кўрган оломон унинг гапларига диққат билан кулоқ солдилар.” Филипнинг хизмати шу қадар муваффақиятли эдики, ҳатто Қуддусдаги оқсоқоллар келиб, Филипнинг хизматини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлдилар, уни дуо қилмоқчи эдилар.

Филип оломонга Хушxabар айтаётган муҳим бир пайтда, Худонинг Рухи Филипни чақириб, уни Қуддусдан Ғазо шахрига олиб борадиган сахро йўлига жўнатди. Филип у ерда ҳабашинстонлик бир амалдорни учратиб қолди (26–27–оятлар). Агар Филип ўз хизматини бу амалдор орқали кўпайтира олган бўлса, демак Хушxabар ўша амалдор орқали Ҳабашистонга ҳам кириб борган, деб тахмин қилишимиз мумкин.

Шогирд ўстириш хизмати — кўзга ташланадиган хизматлардан эмас. Бу хизматда сиз минглаб одамлар олдида туриб гапирмайсиз, шуҳратга эришмайсиз. Бироқ шогирд танлашда адашмаслигингиз керак. Шогирд бўладиган одам мақсадга интилувчан, тарбия кўрган, чин юракдан Исо Масихга бағишланган, Худонинг иродасини амалга ошириш учун ҳар қандай қурбонликка тайёр бўлган инсон бўлиши даркор. Бундай шогирдга вақтингизни бағишланг, қийинчиликларни енгиб ўтишига ёрдам беринг. Тўғри, бу осон иш эмас.

Кўпинча одамлар: “Бундай хизмат учун менда керакли инъомларим йўқ”, — деб айтишади. Ёки: “Худо мени бу хизматга чақирмаган”, — дейишади. Матто 28–боб, 19–20–оятлардаги Буюк Топширикда шундай дейилган: “Бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар.” Демак, устозлар шогирдлари олдига боришлари керак. Қадимда жамоат аъзолари, Буюк Топширикни ҳамма имонлиларга тааллуқли, деб билишарди. Ундай бўлса, ҳар бир масихий устозлик қилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир имонли киши шогирд орттириш хизматига чақирилган. Бизнинг инъом ва қобилиятларимиз қандай бўлишидан қатъий назар, ҳаммамиз устозлик қилишга чорланганмиз.

Ҳар биримизда устозлик қилиш учун керакли инъомларимиз бор. Сиз ўқитувчи, ўй бекаси ёки инженер бўлишингиз мумкин, касбингиз нима бўлишидан қатъий назар, сиз устозлик ҳам қилишингиз керак. Агар устозлик қилмаётган бўлсангиз сизга бир маслаҳат берардим: Тимўтий Павлусга шогирд тушгандай ёки Бутрус, Ёқуб ва Юҳанно Исога шогирд бўлгандай, сиз ҳам бировга шогирд тушинг. Устозингиз сизга шогирд орттиришни ўргатсин. Устозингизга ёпишиб олинг. Унга тақлид қилинг, зарур бўлган фазилатларни ўзингизда ривожлантиринг. Устоз бўлиб етишинг.

Ҳар бир масихий одам икки турдаги саволларга жавоб бера оладиган бўлиши керак, биринчидан: “Устозим ким? Мен кимдан ўрганияпман? Устоз бўлиб шаклланишимга менга ким ёрдам берапти?” Иккинчидан: “Менинг шогирдим ким? Мен кимни устоз қилиб етиштиряпман?”

Муқаддас Китобдан кўпайиш мисоли

Аждодимиз Ёқуб ўн икки ўғил кўрган эди. Муқаддас Китобда улар ҳақида шундай деб ёзилган: “Исроил насли эса баракали бўлиб, борган сари кўпайиб бораверди. Миср юрти улар билан тўлиб–тошди.” (Чиқиш 1:7). Шу сингари Исо ҳам Ўзига ўн икки шогирд танлади. Бу шогирдлар Исонинг “руҳий фарзандлари” эдилар. Исо ҳаётининг уч йилини уларга бағишлади, сўнг эса уларга кўпайишни ва Хушxabарни бутун жонзотга айтишни буюрди. Исонинг ўн икки шогирди бу амрга итоат қилганлари учун ҳозирги кунда сиз ва мен масихий бўлиб юрибмиз. Рухий кўпайиш ҳақиқатан ҳам бор нарса!

Павлус ўзининг иккинчи сафари давомида Хушxabарни бутун Асия вилоятига ёймоқчи бўлди. Ҳаворийлар китобининг 16–боб, 6–11–оятларида ёзилишича, Муқаддас Рух унинг бу режасини барбод қилиб, уни Троас шахрига жўнатди. У ерда Павлусга ваҳий келди. Бу ваҳийга кўра, у Македонияга бориши керак эди. Хуллас, Павлус Асияга бормай, ҳозирги кундаги Европага борди.

Павлуснинг учинчи сафари давомида нима рўй берганга ҳам эътибор берайлик. Унинг бу сафари хақида Ҳаворийлар китобининг 19–бобида ўқишимиз мумкин. Павлус Асия вилоятидаги Эфес шаҳрига қайтиб борди. 8–10–оятларда шундай деб ёзилган: “Павлус синагогага уч ой давомида бориб, жасорат билан халққа гапириб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисида ишонч билан далиллар келтирди. Аммо баъзилари ишонишни рад қилдилар ва ҳамманинг олдида Исонинг йўли (яъни Хушхабар) тўғрисида ёмон гапларни айтдилар. Павлус ёнига имонлиларни олиб, уларнинг ҳузуридан кетди. Ҳар куни у Тиран деган одамнинг маъруза залида мунозара ўтказадиган бўлди. Бу ҳолат икки йил давом этди, Асия аҳолисининг ҳаммаси — яҳудийлар ҳам, юнонлар ҳам Раббийнинг каломини эшитишди.”

Бу парчада руҳий кўпайишнинг гўзал мисолини кўришимиз мумкин. Павлус Тираннинг маъруза залида мунозара ўтказгани учун бутун Асия аҳолиси Исо Масихнинг каломини эшитди. Китоб муаллифи Луқа Асия аҳолиси — яҳудийлар ва юнонлардан ташкил топганини бизга изоҳлаб берган.

Янги Аҳднинг мақсади — шогирдларни кўпайтиришдан иборат, Буюк Топширикни бажаришнинг ягона йўли ҳам шу. Бу бобда биз шогирдларни кўпайтириш усуллари кўриб чиқмадик. Бироқ сиз бу мавзунини Муқаддас Китобдан мустақил тарзда ўрганиб чиқишингиз мумкин. Бу жуда фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Шогирд орттириш муайян бир ташкилот ёки жамоатнинг хизмати эмас. Бу — Худонинг хизматидир. Худо буни дунёни яратишдан олдиноқ режа қилган. Инсон зоти жисмонан кўпайгани сингари, руҳан ҳам кўпаяди. Аммо руҳий жанг сабаби туфайли кўп масихийлар устозлик қилишга ўзларини номуносиб, деб билишади ва ўзларини четга олишади. Шунинг учун, Худонинг Ҳизқиё пайғамбарга айтган фиғони хануз жарангламоқда: “Деворни қайта қурадиган, деворнинг ўпирилиб тушган жойида туриб, юртни ҳимоя қиладиган бирорта одам бормикан, дея уларнинг орасидан изладим. Аммо юртни қаҳримдан сақлаб қолмоқчи бўлган бундай одамни топа олмадим.” (Ҳизқиё 22:30). Сиз Худонинг бу фиғонини эшитдингизми? Худо қидирган ўша одам сиз бўла оласизми? Одамларни Худонинг йўлига бошлаб, уларга устозлик қиласизми?

12–БОБ

Ҳаётингиз учун мақсад белгиланг

Вебстер луғатида мақсад сўзи қуйидагича изоҳланган: “Кўзда тутиладиган ҳаракатнинг яқини, эришиладиган нарса”. Қадимгилар шундай мақол ишлатишар эди: “Мақсад кўзламасанг, ҳеч нарасага эришмайсан.” Ҳаётимиз учун мақсад керак.

Одамнинг ҳаётини тўғри чизик билан ифодаласа бўлади. Бу чизик туғилган санангиздан бошланиб, сиз оламдан кўз юмадиган ноаниқ бир вақтда тугайди. Ким қанча вақт яшашини ҳеч ким билмайди. Бироқ мулоҳазани бошлай олишимиз учун сиз йигирма ёшда эканингизни ва яна тахминан қирқ йил яшашингизни фарз қилайлик.

Энди тасаввур қилинг: сиз ёшингизни яшаб, ошингизни ошадингиз. Оламдан кўз юмиш арафасидасиз, шунда ҳаётингизга қараб: “Яшаган ҳаётимдан мамнунман. Кўп муваффақиятлар қозондим”, — деб айтяпсиз. Бундай сўзларни реал воқеликда ҳам айта олишингиз учун қандай ҳаёт кечиришингиз керак? Ҳаётингиз қандай бўлиши лозим? Қандай хотиралар қолдиришингиз даркор?

Бу саволларга жавоб бермай туриб, сиз қолган ўша қирқ йил умр кечиришга тайёр эмассиз. Чунки сизнинг ҳаётингизда йўналиш ҳам, мақсад ҳам йўқ. Ўша саволларга батафсил жавоб беринг, жавобларингиз қанчалик кенг ёритилган бўлса, мақсадга эришиш эҳтимоли шунчалик кўп бўлади.

Исо Масиҳ бу саволларга шундай жавоб берган эди: “Сен Менга топширган ишни Мен тугатиб, ер юзида Сени улуғладим.” (Юҳанно 17:4). Ердаги хизмати давомида Исо яқун маъносини берувчи феълни икки марта ишлатган. Хочда жон бераётганда Исо: “Амалга ошди!” — деб айтганди. У бу сўзлари билан амалга ошган Нажотни назарда тутган эди. Бироқ бундан бир оз вақт олдин, Исо Гетсимания боғида шогирдлари учун ибодат қилаётганида “тугатдим” деб, Ўз хизматини назарда тутган эди. Юҳанно баён қилган Хушxabарнинг 17–бобида Исонинг шогирдлари чамаси қирқ марта тилга олинган. Бу шогирдларни ўстириш Масиҳнинг хизмати эди. Исо қайта–қайта шогидлари учун ибодат қилганди. У бу шогирдларига ҳаётининг уч йилини бағишлаганди. Гетсимания боғида Исо ибодат қилар экан, Худога: “Сен Менга топширган ишни Мен тугатдим.” — деб айтган. Бошқача қилиб айтганда, Исо Отаси Худонинг юзига қараб: “Отажон, мен орқали нима қилмоқчи бўлган бўлсангиз, ҳаммасини бажардим.” — деганди.

Сиз оламдан кўз юмиб, Қодир Худонинг хузурида турганингизда, Унинг кўзига қараб: “Отажон, мен орқали нима қилмоқчи бўлган бўлсангиз, ҳаммасини бажардим. Менга топширган ишингизни тугатдим,” — деб айта оласизми? Агар бу саволга самимият билан “ҳа” деб жавоб бера олмасангиз, унда сиздан ўтинаман, ҳаётингизни йўлга солинг. Охиратда бундай сўзларни Худога айта оладиган бўлинг.

Ҳаётида Худонинг топшириғини тўлиқ бажара олган яна бошқа бир одам бор, у хаворий Павлусдир. У шундай деган эди: “Улуғ курашда астойдил курашдим, умр довонини ошиб бўлдим, имонни сақладим. Бундан кейин солиҳлик тожи мен учун тайёр турибди. Одил ҳукм қилувчи Раббим Исо кўкдан тушиб зоҳир бўладиган кунда у тожни менга беради, ва фақат менга эмас, балки у кунни муштоқлик билан кутаётганларнинг ҳаммасига ҳам беради. (2Тимўтийга 4:7–8). У бундан олдин яна шундай деганди: “Менинг қоним энди курбонлик шароби каби тўкилмоқда, дунёдан ўтишимга сал қолди.” (6–оят). Сизнинг ҳам умрингиз охираб бораётганда, сиз ҳам Павлус сингари: “Улуғ курашда астойдил курашдим, умр довонини ошиб бўлдим, имонни сақладим,” — деб айта оладиган бўласизми?

Мен колледжда ўқиб юрган пайтимда ҳаётимнинг маъноси ва мақсади ҳақида кўп ўйланиб юрардим. Қалбимда катта бир бўшлиқ бор эди. Мен ўша бўшлиқни кўзим билан кўра олмасдим, аммо унинг борлигини сезар эдим. Шунда мен Боб деган бир одамни учратиб қолдим. У менга қалбимдаги бўшлиқни Исо Масиҳ билан тўлдиришни таклиф қилди. Қодир Худо ҳаётимга кириб, юрагимда маскан қилиши мен учун янги бир ғоя эди.

Мен Бобнинг гапларини эшитар эканман, ичимда шундай ўйлар эдим: “Хенриксон, бу таклифдан воз кечсанг, ғирт аҳмоқлик қилган бўласан. Худонинг Ўзи, Яратгувчи — еру осмонни яратган Зот ҳаётимга кирмоқчи бўлса–ю, мен ноз қилсам. Юлдузларни коинот кучоғига отган, бутун борлиқни яратган Худонинг Ўзи юрагимда яшамоқчи–я!”

Ўша куни Бобнинг меҳмонхонасида мен тиз чўкиб, Масиҳни Нажоткорим, деб қабул қилдим. Нима бўлаётганини ўзим ҳам яхши тушунмас эдим, лекин мен ўзгарган эдим, ўша дақиқадан кейин аввалги Хенриксон эмасдим.

Ичимдаги бўшлиқ тўлди.

Мен ўзимга шундай саволлар бера бошладим: “Ҳаётнинг мазмуни нима? Ҳаётда нима муҳим? Мен ўз ҳаётимни нимага бағишлашим керак? Шу пайтнинг ўзида Муқаддас Китобни титкилаб, саволларимга жавоб топишга уринардим.

Бир куни мен 2 Бутрус 3:10ни ўқиб қолдим. У ерда шундай ёзилган эди: “Кечаси ўғри қандай келса, Раббимизнинг маҳшар куни ҳам худди шундай ногаҳон келиб қолади. У куни

осмон гумбурлаб тамом бўлади, моддий унсурлар кизиби, эриб кетади, ер ва унда қилинган хар бир иш кулга айланади.” Оятдаги “*кулга айланади*” деган ибора миямга ўрнашиб қолди.

Менинг касбим инженер. Бу касбни таналашимга бир сабаб бор эди: илгарилари мен Невада тоғларида курилиш гуруҳида ишлар эдим. Бу жуда қийин иш эди. Менга эса тер тўкиб ишлаш ёқмасди. Ишлаган пайтимда онда–сонда ўтиб кетаётган инженерларни кўриб қолар эдим. Улар ўзларини қаттиқ ишлаётгандек кўрсатишарди. Узун чизғич кўтариб юришарди. Мен эса: “Уларнинг иши зўр!” деб, уларга ҳавас билан қарар эдим. Шунда мен ҳам инженер бўлишга қарар қилдим: “Уларга ўхшаб, кўксимни ғоздай кериб юраман, кўлимга чизғич олиб, бошқаларга иш буюраман”, — деб ўзимга айтдим.

Мен инженер бўлиб, кўприк, дамбалар ва трассаларни куришни орзу қилардим. Бироқ 2 Бутрус 3:10ни ўқиганимдан кейин, нафасим ичимга қайтиб кетди. Мен қураман, деб орзу қилган ҳамма нарсани Худо бузиб ташлашини ўшанда тушундим. Рухим чўкиб кетди. Агар Худо мен ясаган кўприкни бузиб ташлайдиган бўлса, уни куриб нима қиламан, деб ўйладим. Худо ёндириб кул қиладиган нарсаларга умримни бағишлаб нима қиламан?!

Мен бу мавзунини ўрганишда давом этдим, шунда ундан баттар тушкунликка тушдим. 1 Тимўтий 6:6–8да шундай ёзилганди: “Ҳақиқатан ҳам, қаноатли киши учун художўйликдан фойда жуда катта. Биз дунёга ҳеч нарса келтирмадик, ундан ҳеч нарса олиб кетолмаслигимиз ҳам аниқ. Ейиш учун ризқ-рўз ва кийиш учун кийим бўлса, шулар билан қаноат ҳосил қилайлик.” Бу оятни ўқиганимдан кейин кўзим олдида шундай манзара келди: мен бу дунёга бўш қўл билан келдим. Кўпригу дамбалар қурдим. Худо эса орқамдан юриб, мен қурган ҳамма нарсага ўт қўйиб, кул қилди. Мен дунёдан кетаётганимда қандай келган бўлсам, шундайлигича, бўш қўл билан кетдим. Нақадар аянчли манзара!

Шунда мен Худога ёлвордим: “Эй Худо, мен умримни беҳуда нарсаларга сарф қилмоқчи эмасман. Сен ёндириб, йўқ қиладиган нарсаларга етмиш йил умримни бағишлаб нима қиламан?!”

Ҳаёт учун Худонинг мақсади, мазмуни, йўналиши бордир, ахир! Худо йўқ қилиб юбормайдиган нарсалар мавжуд бўлса керак. Мен бу саволларга жавобни Муқаддас Китобдан топишга уринардим. Худонинг инояти туфайли абадий турадиган иккита нарсани топдим. Ўзимни ўшаларга бағишлашга қарор қилдим.

Буларнинг бири ҳақида Юҳанно 5:28–29да ёзилган: “Бунга ҳайрон қолманглар! Қабрда ётган марҳумларнинг ҳаммаси Инсон Ўғлининг овозини эшитадиган вақт келади. Шунда ўликлар қабрларидан чиқадилар: яхшилик қилганлар яшаш учун тирилади, ёмонлик қилганлар эса маҳкум бўлиш учун тирилади.” Охиратда ким тирилади? Яхшилик қилганлар ҳам, ёмонлик қилганлар ҳам. Демак, ҳамма одамлар абадий яшайдилар.

Мен охиратдаги тирилиш ҳақида кўп одамлар билан суҳбатлашганман. Баъзи одамлар қайта тирилишга ишонмайдилар. Улар тирилишни истамайдилар. Мен уларга шундай дейман: “Ишонмасанг, ўзингга ёмон. Сен хоҳлайсанми, йўқми тирилсан.”

Баъзи одамларнинг шундай гапини ҳам эшитганман: “Мен шу қадар ярамас одам бўламанки, Худо мени йўқ қилиб юборади.” Ёмон бўласанми, яхши бўласанми, бари–бир тирилсан. Охиратинг яхши бўладими, ёмон бўладими бари–бир абадий яшайсан.

Абадий турадиган бошқа бир нарса ҳақида Ишаё китобининг 40–боб, 8–оятда ёзилган: “Ўтлар қурийдилар, гуллар сўлиб қолади, Худойимизнинг сўзи эса абадий туради.” Демак, Худонинг айтишича гуллар сўлиб қолар эмиш, Худонинг сўзи эса абадий турар эмиш. Худонинг сўзидан ташқари яна бошқа абадий мавжудотлар борлигини билдим: булар — Худонинг Ўзи, фаришталар ва севги каби фазилатлар. Мен ўз ҳаётимни абадиятга бағишлайдиган бўлдим. Агар умримни одамларга ва Худонинг сўзини ўрганишга бағишласам, Худо қилган ишларимни ёндириб кул қила олмайди, деб ўйлардим. Бундан ташқари, Исо ҳам шундай деган эди: “Сиз ўтқинчи озуқа учун эмас, абадий ҳаётга бошловчи

боқий озуқа учун ҳаракат қилинглари. Бундай озуқани сизларга Инсон Ўғли беради. Зотан, Отамиз Худонинг Ўзи бу вазифа учун Уни маъқуллади.” (Юҳанно 6:27)

Мен бу гапим билан сиз — ўқитувчи, уй бекаси, тадбиркор ёки инженер бўла олмайсиз, деб айтмоқчи эмасман. Касб эгаси бўлиш, Худонинг сиз учун бўлган мукамал режаси бўлиши мумкин. Бироқ бу касбга ўзлигингизни бағишлашингиз керак эмас.

Ҳаворий Павлус чодирлар тикиш орқали ўз нонини топар эди. Агар Павлусдан чодир сотиб олиш имкониятига эга бўлганингизда эди ишончим комилки, юқори сифатли буюмни харид қилган бўлардингиз. Павлуснинг ўзи шундай насиҳат қилганди: “Ҳар бир ишни инсонлар учун эмас, Раббимиз учун қилаётгандай чин қалбдан бажаринглари.” (Колосаликларга 3:23). Бироқ Павлус Рим империясида чодир ишлаб чиқарадиган энг катта фабрика очишни ўзига мақсад қилиб қўймаганди. У ўз ҳаётини одамларга бағишлаганди.

Қуйидаги оят менга кўп далда беради: “Ёқуб наслини эса Эгамиз Ўзига улуш қилиб олди, Исроилни Ўз насибаси қилди.” (Қонунлар 32:9). Одамлар меросга эга бўлиш учун, ота-онасининг ёки қариндошининг ўлимини кутиб юришади. Қодир Худо эса хоҳлаган нарсасини ўзига улуш ёки мерос қилиб олиши мумкин эди. Агар У хоҳлаган нарса мавжуд бўлмаса, У ўша нарсани бир оғиз сўзи билан яратиши мумкин эди. Ахир: “Самолар бунёд бўлган Эгамизнинг каломидан, самодаги жисмлар яралган Унинг нафасидан.” (Забури 32:6). Бироқ Худо Ўзи учун нарса ва буюмларни эмас, одамларни улуш қилиб олди! У Ўз халқини насибаси қилди! Нақадар ажойиб оятлар—а!

Ҳа, Қодир Худо одамларни Ўзига улуш қилиб олди, уларни Ўзига мерос қилиб танлади. Шуни эсингизда тутган ҳолда Ишаё 43:4ни ўқиб, мулоҳаза қилинг: “Кўз олдимда азизсан, қадрлисан, Мен сени севаман. Шу боис сенинг эвазингга одамни, жонинг эвазига халқларни бераман.” Худо бу сўзларни Исроил халқига айтган, Исроилнинг нажоти эвазига бошқа халқларни тўлов тариқасида беришни ваъда қилган. Аммо бу сўзлар бизга ҳам тааллуқли. Худо биз орқали бошқа одамнинг жонини қутқармоқчи. Худо бизни ўз мақсади йўлида ишлатар экан, бизни ҳам Ўз меросига лойиқ қилади. У бизни ҳам Ўз халқи қаторига қўшади. Исо шундай деганди: “Ортимдан юринглари, Мен сизларга одамларни овлашни ўргатаман.” (Матто 4:19).

Бир хил одамлар ўз ҳаётини бойлик, пул ва дунё топишга бағишлайдилар. Бироқ буларнинг ҳаммаси охиратда ёниб кул бўлади. Буни Худонинг Ўзи айтган. Шундай бўлса—да, Худо бизни бундан ҳам аълорок бойликка, яъни Ўз насибасига шерик қилмоқчи. У бизга инсон овчилари бўлиш юксак вазифани юкляпти. Бу энг юксак шарафдир ва буни биз ҳаётимиз учун мақсад қилишимиз мумкин. Келинглари, ўз ҳаётимизни одамларга бағишлайлик!

Қандай қилиб ҳаётимизни одамларга бағишлашимиз мумкин? Павлус бу ҳақда шундай ёзган: “Сизларга жуда қаттиқ кўнгил боғлаган эдик. Шунинг учун сизларга Худонинг Хушхабарини айтибгина қолмадик, балки юрагимиздан ҳам жой бердик. Чунки сизлар бизга жуда азиз бўлиб қолгандингиз.” (1Салоникаликларга 2:8). Бу дегани, одамларнинг ҳаётида иштирок этишимиз лозим. Уларнинг қайғуларига ва хурсандчиликларига шерик бўлишимиз керак. Павлус Салоника шаҳрига борганида у ердаги жамоатга воизлик айтиш билан чекланиб қолмаган эди. У ўша одамларга ўз қалбидан жой бериб, уларни қадрлаганди, ўзига яқин тутганди.

Ҳаётингизни одамларга бағишланг, уларнинг турмуш ташвишларида ҳам иштирок этинг. Бирон ташкилотнинг хизмати ёки лойиҳасида иштирок этишингиз одамга бағишланишнинг ўрнини боса олмайди. Хизмат қилиш яхши, аммо одамга бағишланиш ундан—да муҳимроқ. Ўқитиш, бирон хизматни бошқаришни ёки лойиҳани олиб бориш қалбдан бағишланишни талаб қилмайди ва кўпинча одамлар бундай ишларни қўл учида қиладилар ёки бурч вазифасида бажарадилар. Аммо сиз бировга руҳий оталик қилганингизда, ўз зиммангизга жавобгарликни оласиз. Бундай жавобгарлик бағишланишни талаб қилади.

Кўп одамлар бўйнига жавобгарлик олишни истамаганлари учун, бировнинг ҳаётига аралашидан кўра, ташкилот ёки лойиҳага вақт ажратишни афзал кўришади.

Бир бола катта оилада туғилган эди. У ота–онаси ва ака–укалари билан қишлоқда яшар эди. Чунки ота–онаси: “Қишлоқдаги болалар меҳнат қилиб ўсишади. Тарбияси яхши бўлади”, — деб ишонишарди. Бу оилада ҳамма ишлар эди, ота–она ва болалар эрталабдан кечгача бирдай меҳнат қилардилар. Улар соддагина ҳаёт кечиришарди. Уларнинг шаҳарда яшайдиган фарзандсиз дўстлари кўп эди. Бу дўстлари йилига бир марта қишлоқдаги болаларни шаҳарга олиб бориб, зоопарк ва паркларда айлантиришарди. Сўнг уларни ресторанга олиб бориб, хоҳлаган нарсасини олиб беришарди.

Бир куни бу ёш бола ажойиб дам олишдан кейин, уйига поездда қайтар экан, ўз оиласи билан шаҳарда яшаган оилани солиштира бошлади. Унинг ўз оиласи оғир меҳнат қиларди, кўп фарзанд ўстирарди, камдан–кам дам оларди. Шаҳарли оила эса чиройли кўп қаватли уйда яшарди, янги машиналари бор эди, улар кўчага чиқиб овқатланишарди, ишдан кейин театрга боришарди, дам олиш кунлари тоққа чиқишарди, узоқ чўзиладиган татиллардан завқ олишарди. Унинг бу оилага ҳаваси келиб: “Катта бўлсам албатта уларга ўхшаб яшайман.” — деб айтарди. Аммо у уйлангандан кейин ота–онасини ҳам тушуна бошлади. Икки оила икки хил ҳаёт тарзини танлаган эди ва бу фарққа сабаб бўлган асосий омил — кўпайиш, яъни фарзанларга эга бўлиш эди.

Масиҳий ҳаёт тарзи орасидаги фарқ ҳам шунга ўхшаш. Руҳий фарзанд ўстирмаган масиҳийлар қулай ҳаёт кечиришади, руҳий фарзанд ўстирган масиҳийлар эса шахсий қулайликларидан воз кечиб, машаққатли ҳаёт тарзини олиб боришади. Одамларнинг шахсий ҳаётида иштирок этиш осон эмас, бу фидокорликни талаб қилади. Шунинг учун, Масиҳнинг бу иноятли таклифини ҳамма ҳам қабул қилавермайди. Кўплари ўзларини одамларга бағишлашдан бош тортишади.

Ишаё китобининг 58–боб, 10–12–оятларида Худонинг бизга берган ажойиб бир ваъдаси ёзилган: “Очлар учун жон куйдирганингизда, мазлумларнинг жонига оро кирганингизда, нурингиз зулматда ҳам порлайди, энг қоронғу даврингиз ёп–ёруғ кундуздай бўлади. Эгамиз доимо сизга йўл кўрсатади, қақраган ерларда ҳам жонингизга озиқ беради, шунда сиз суғорилган боғдай, сувлари қуримас булоқдай бўласиз. Қадимги вайроналарингиз қайта тикланади, кўҳна пойдеворларни қайта кўтарасиз. шунда сизларни: “Бузук деворни Тикловчи, кўчаларни қайта Қурувчи”, деб чақиришади.”

Бу парчадаги ҳамма ваъдаларнинг шарти бор. Қачон нуримиз зулматда порлайди? Қачонки, биз “очлар учун жон куйдирганимизда, мазлумларнинг жонига оро кирганимизда”. Биз яшаётган бу замонда оч қолган ва қийналган одамлар жуда кўп. Ўзини бошқаларга бағишламоқчи бўлган одам ҳеч қачон Худодан тўғри имконият бер, деб сўраши керак эмас. У Худога шундай деб айтиши лозим: “Мен ўзимни бошқаларга бағишлашга қарор қилдим. Мазлумларнинг жонига оро қираман, очлар учун жон куйдираман.” Имкониятлар эса атрофимизда қалашиб ётибди.

Сиз одамлар учун қайғурганингизни билган ҳаммалар эшигингиз олдида тизилиб келади. Телефонингизнинг жағи тинмай қолади. Уйингиз бозордай одамга тўлади. Оч қолган, қийналган одамлар атрофингизни ўраб олади. Ўзингизни бошқаларга бағишлаганингиз учун ўта қобилиятли бўлишингиз шарт эмас. Одамларнинг дардига кулоқ солиб ўтрисангиз бас. Шунда сиз билан гаплашмоқчи бўлган одамларнинг сони саноқсиз бўлади. Улар сизга ўз дардларини тўкиб соладилар, чунки ҳаммалари ўз саволларига жавоб топаман, деб дардисар бўлиб юрибдилар.

Сиз ўзингизни одамларга бағишлаганингизда, Худо билан бирга ҳамкорлик қиласиз, янги ижод яратишда иштирок этасиз. Худо еру осмонни яратган, бутун борликка шакл берган. Бироқ дунёга гуноҳ кириб келди, шунда Худо деди: “Мен бор нарсани йўқ қиламан,

янги ижод яратаман. Менинг иккинчи ижодим биринчидан аълороқ бўлади. У ниҳоятда ажойиб бўлади, Менинг халқим Мен билан бирга яратади.”

Сиз ўз ҳаётингизни бошқаларга бағишлаганингизда, уларга Масих Хушxabарининг чексиз бойлиги ҳақида айтганингизда, муаммоларини ечишга ёрдам берганингизда, Худо билан ҳамкорлик қилиб, янги ижод яратган бўласиз. Бу ижод биринчисидан аълороқдир.

Шунга қарамай, ҳар куни одамлар бундай ажойиб имкониятдан воз кечишяпти. Бир куни танишим: “Бизга Муқаддас Китоб ўрганиш гуруҳини бошлашга ёрдам беринг.” — деб мендан илтимос қилди. Гуруҳдаги одамларнинг ҳаммаси ниҳоятда банд бўлганлари учун биз йиғиладиган пайтимизни саҳардаги соат бешга белгиладик.

Йиғилишимиздан бир кун олдин кечкурун, мен ўша танишимнинг уйига бордим. Мақсадим эрталабки учрашувимизни батафсил режалаштириш эди. Унинг уйига киришим биланоқ, қандайдир нохуш ҳодиса рўй берганини сездим. Танишимнинг хотини уйда эди. Биз сўрашиб бўлганимиздан кейин хотини деди: “Эркаклар бизнинг уйимизда йиғилишини мен хоҳламайман. Эрталаб соат бешда ким ҳам йиғиларди?! Эрталабдан уйимда тақир–тукур қилишларини, меҳмонхонадаги янги мебелим ва гиламимга кофе ва нон ушоғи тўкилишини хоҳламайман. Нима, энди бу эркаклар Муқаддас Китоб ўқисин, деб ҳаммамиз саҳардан туриб олишимиз керакми?!” Унинг овози титрай бошлади. У қаттиқ асабийлашган эди.

Унинг гапини эшитиб турар эканман, ичимдан шундай ибодат қилдим: “Эй Худо, ўзинг мени бундай лаънатдан асрагин. Мен буюмларни ҳеч қачон одамлардан устун қўймайин.”

Наҳотки буюм ва гилам одамларнинг ҳаётидан устун бўлса?! Ахир, Худо буларнинг ҳаммасини ёндириб кул қилишини айтган–ку! Одамларнинг ҳаётида иштироқ этиш қимматга тушгани учун ва машаққатли бўлгани учун кўплари буни муҳим деб билишмайди. Одамларга вақт бағишлаш керак. Телефонингиз кечалари ҳам жиринглайди, қийналган одамлар дардига малҳам топиш учун сизга сим қоқишади. Керак бўлса, уларга жонингизни ҳам фидо қиласиз, чунки ҳатто жонингиз ҳам ўзингизники эмас.

“Сен ўзинг учун катта режалар тузма! Мана, Мен барча одамзоднинг бошига кулфат ёғдираман. Аммо сенинг жонингни сақлаб қоламан, борган жойингда сени асрайман.” Эгамизнинг каломи шудир.” (Еремиё 45:5). Сиз ўзингиз учун катта режалар тузаяпсизми? “Тузма!” — деб айтяпти Худо. Чунки У “барча одамзоднинг бошига кулфат ёғдирмоқчи.”

Исо шундай деган: “Ким ўз жонини асраб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун жонини берса, уни асраб қолади.” (Луқо 9:24). Ҳаётингизни бошқаларга бағишланг! Ахир, ҳаётда бундан юксак мақсад йўқ!